Гулжамол Аскарова



Эркалик ИМТИЁЗИ

Гулжамол Асқарова

ЭРКАЛИК ИМТИЁЗИ

Шеърлар

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйи
Тошкент — 2012

УДК 821.512.133-1
84(5Ў)7
А82
КБК 84(5Ў)7

Асқарова, Гулжамол
Эркалик имтиёзи: шеърлар/Г.Асқарова. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 380 б.

ISBN 978-9943-03-000-0

УДК 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)7

© Гулжамол Асқарова
© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012

ISBN 978-9943-03-000-0

АЗИЗ КИТОБХОНИМ, ҚАДРЛИ ЎҚУВЧИМ!

Яна бир дийдор учун Яратганга шукрлар бўлсин!

Ҳаётим мазмуни ва магзи, ризқу насибам, борлиғим бўлган муқаддас СЎЗдан бир гулдаста, узоқ қишлоқларда яшаётган мухлисларимнинг, «китобларингизни топа олмаяпмиз, жамласангиз бўларди» деган меҳрли мурожаатларидан сўнг ўтган йилларда нашр этилган китобларимдаги шеърларимдан бир китоб туздим ва Сизга ҳавола этмоқдаман. Хатолари учун, меҳр ҳаққи кечирарсиз.

Китобим номи билан боглиқ икки огиз сўз:

Устозимиз Муҳаммад Юсуф «Шоирлар Худонинг эркатойларидир» деган бир жумлани айтганлар. Аслида шоир зотини тақдир ҳар доим ҳам эркалатавермайди, бироқ бу зот азоблар ичра ҳам лаззат, инкорлар ичра ҳам эътироф ва эркаланиш ҳисларини топа билади.

Яратганга шукрки бугун мен ҳам она халқимнинг, улуг мамлакатимнинг, ота-онамнинг, қадрли инсонларимнинг эрка қизи, эрка шоираси бўлиб шу шукуҳ ичида яшаётирман.

Китобимнинг номини қалбимнинг азиз одамига айланган, қалбан адабиётнинг чин ва соф ҳабиби бўлган қадрли бир инсоним номлаб бердилар. У инсон

менда шундай имтиёз борлигини эслатди ва шу имтиёзимдан фойдаланиб яшашимга имкон ҳам берди. Ҳозирча айрим истиҳолалар (айнан юқори лавозимда экан...) сабаб Сизга у одамни ошкор эта олмайман, бироқ узо-о-о-қ йиллар ўтгандан сўнг онамдек, опамдек азиз бўлган ушбу инсон кимлигини албатта Сиз азиз мухлисларимга айтаман.

Мен дунёни асраб турган куч - инсоний меҳр, қалбларнинг бир-бирини сокинлик билан англаш, адабиёт, маърифат билан уйғунлик деб ўйлайман. Қалби қалбинг билан уйғун шундай одамларнинг борлиги учун, улар ўзингга ўзингни кашф этиб бераётгани учун рахмат дегинг келади. Китобимни номлаб берган азиз инсоним шундай одамлар сирасидан. Қисқаси, рахмат демоқчиман!


Азиз китобхоним!

Аёл зоти борки эрка қиз, эрка сингил, эрка ёр бўлиш бахтига интилаверади. Бу бахт барчамизга насиб бўлсин!

Шеърларим бутун дунёнгизни ёритиб юборадиган чироқ бўлади деб ўйласам, андак нокамтарлик бўлади, лекин кўнглингизга таскин, ҳаловат, ширин интизорлик ҳисларини бахш этишидан ва дуоларингиздан умидворман!

Меҳр ва эҳтиром ила,

Гулжамолингиз
2012 йил, куз



ДИЛ
ФАСЛИ



* * *

Мен дунёга таратиб кетгум,
Силкиб-силкиб қалбим атрини.
Сўнг багримга босиб ўларман,
Нодиранинг маҳзун сатрини.

Танитгайму менинг шеърларим,
Элатимга ягона ҳақни.
Узиқларин улоламанми,
Ҳалқалари узилган халқни.

Дерлар менга: «Сўзлар ганжидан,
Хаёлингдек бир ҳур китоб туз».
Айтинг ахир топа оламанми,
ОЗОДЛИКдек битта озод сўз.

«Тупроқдайин мўътар бўл» дерлар,
Ос(и)монлик истамайманми?
Кўз ёшимдан лой бўлсам бир кун,
Ўз халқимга сачрамайманми?

Бу ўзимдан гумоним эмас,
Даъвойим йўқ ҳеч бир сатримдан.

Эзгуликка чорласам агар,
Эргашарму шу халқ ортимдан.

Мен тупроққа кетгайман сингиб,
Руҳимни халқ билан қормасам.
Халқ демайман ўз халқимни ҳам,
Мени ҲАҚҚа олиб бормаса!

1998 йил

* * *

Бир яшарсан икки дунё ҳам,
Бегул ўлма, бесафо ўлма.
Юрагингни еса ҳамки гам,
Бедил ўлма, бевафо ўлма.
Бир гўзал ўл. Бир бор ўларсан.
Бир буюк ўл. Беасос ўлма.
Кеккайганга кеккайиб яша,
Бегуруру беқасос ўлма.
Бу дунёнинг роҳатини топ,
Руҳим ўлмас. Сен таним, ўлма.
Ҳеч йўқ қилдек душманинг бўлсин,
Бедўст ўлма, беганим ўлма.
Умид қилсанг тупроқ остидан,
Кўзингни оч. Кўз очиқ ўлма.
Гар жаннатни истаса руҳинг,
Беишқ ўлма, беошиқ ўлма.

1997 йил

«МЕНИ ТУШУНМАЙСИЗ»

Сиз чекмоқ бўласиз шу сўзни айтиб,
Гугуртни излайсиз пайпаслаб шу чоқ.
Мана, юрагимни тутиб бераман,
Бир қаранг, юрагим чўг тўла ўчоқ.

Тутатиб оласиз, ҳайратланмайсиз.
Мени ҳайрат тоши йиқа бошлайди.
Сиз чека бошлайсиз, тутунларингиз,
Юрак томиримдан чиқа бошлайди.

Ўзингизни сипо тутасиз. Тавба,
Яшириб қоламан газабларимни.
Сиз сипо тамаки чека бошлайсиз,
Мен чека бошлайман азобларимни.

...Кетасиз. Йўловчи сигарет сўрар,
Берасиз.Чекади газабларини.
Мен эса ҳеч кимга бермай чекаман,
Сиздан қолаётган азобларимни.

Ҳеч кимга...

1996 йил

ЭШИККА ҚИСТИРИЛГАН ХАТ

...Ва ниҳоят кетяпман.Хайр!
Бу энг сўнгги йиглаганларим.
Юрагимга сигдириб аммо,
Юрагига сигмаганларим!!!

Калит излаб йиглайман бир зум,
Эшик йиглаб ошно дардимга.
Нега энди шу хонага мен,
Эшик бўлиб яралмадим-а.

Мана кетдим, хазондай бежон,
Ортиқ суйдим, ортиқ куйгайман.
Излаб тагин оввора бўлманг,
Туфлингизни артиб қўйганман!

Хонада гир айланар руҳим,
Кўз ёшларим енгар қароқни.
Кўзларингиз истамас қаранг,
Мен билан жим хайрлашмоқни.

«Қайт» деб қучмас эшик, билдим мен,
Кетсам шодсиз шул хонангиздан.
Мана, энди оввора бўлинг,
Ҳайдай олмай дил хонангиздан.

Ахир қийин мени унутиш!

1996 йил

* * *

Ёлғиз — дайр, ёлғиз гамхона,
Мен гам кўрир, гамгин соқчиман.
Мендан озор кўрган ҳамхонам,
Кўзларингда яшамоқчиман.

Гамгин, дилгир юрганим кўриб,
Қўлларингдан тушса капгирлар.
Мену дилни қўшиб хазонга,
Супурсалар фаррош кампирлар.

Бирдан йиглаб юборма шу дам,
Сувратимга қилмагил зорлар.
Ёғиб чиқсин шу тун хонангга,
Кўнглим каби оқ-оппоқ қорлар.

Сен уйгонма, тинчгина ухла,
То қуёшнинг тегмаскан лаби.
Деразангдан термулиб тургум,
Анов уйғоқ дарахтлар каби.

Кетай, қара, қадрсиз қадрим,
Ахир багрим тошламоқчиман.
Тушун! Сенинг хонангда эмас,
Юрагингда яшамоқчиман.

1996 йил

ТАЛАБАЛИКДАГИ КЕТИШ

Шундай кетиш керак,
Кетгандан кейин.
Изларингни қучиб
Йигласин онанг.

Шундоқ, етти қадам
Ташламасингдан.
Шифтларин учириб
Йигласин хонанг.

... Ва шундай кетгилки,
Оввора, бесар...
Кунглинг этагини
Ёполмай.

Остонангда йигласин
Севгинг...
Эшик тутқичини тополмай!!!

1996 йил

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТ ВА АКТРИСАНИНГ БИР КУНИ

Ҳаёт — асар. Тақдирлар — тугун,
Бозорлари катта бир саҳна.

Бу саҳнада эртаю бугун,
Чақин каби юрагим чақнар.
Бунда салбий образ —
фақат мен...
Мен севганлар бари — эпизод.
Бу ҳаётнинг курашларида,
Юрагимни айлайман озод!
... Ва бир кун яхши бўламан,
Эзгуликка атаб жонимни.
Кейин бирдан севиб қоламан,
Асарнинг бош қаҳрамонини...
Севги. Севги. Кафтимда қуёш,
Қалбни кўкка ота бошлайман.
Кейин эса битта қарсакка,
Юрагимни сота бошлайман.
Мақтов, таъзим — фожиали йўл!
Руҳим кезар саҳнада дайдиб.
Менга гуллар отар одамлар.
Фожиали асар тугайди,
Сиз келасиз: — «Бопладингиз-да,
Севгисин рад этар онини...»
Ҳайқираман гулингиз отиб:
«Ахир... Ростдан севиб қолдим мен»,
Асарнинг бош қаҳрамонини...

Ҳаёт — асар, ҳаммаси — тугун.

1996 йил

АКАМГА ХАТ

Ака, сизни зериктиради,
Қишлогимнинг сўлим йўллари.
Мени эса согинтиради,
Кўнглингизнинг оппоқ гуллари.

Болаликда айтар эдингиз,
«Муштинг билан тенгдир юрагинг?»
Ака, бугун муштим биланмас,
Осмон билан тенгдир юрагим.

Кеч кузакнинг ёмгирларида,
Паноҳ эди бизга меҳрингиз.
Юрагига яшринар бугун,
Чақинлардан қўрққан синглингиз.

О, ўшанда қизганчиқ эдим,
Бермас эдим бировга дўстим.
Ака, бугун дўсту ганимни,
Бирдай билиб багримга босдим.

Ака, нега бўла қолмадим,
Ариқларнинг бўйида ялпиз.
Топган бахтим, бахт эмас экан,
Топсам онам багридан олис.

Маъюсликнинг рангин артмоқда,
Ердек қадоқ онам қўллари.
Юрагимда бўй кўрсатмоқда,
Меҳрингизнинг оппоқ гуллари.

1997 йил

НЕГА?

Кечиш мумкин нечун баҳордан,
Ундан кечсам жоним ўлмайди.
Атиргулдан кечиш мумкину,
Нега сиздан кечиб бўлмайди?

Юлдузларга тутиндим сирдош,
Қуёш чиқса, юлдуз кулмайди.
Ҳаммасидан кечиш мумкину,
Нега сиздан кечиб бўлмайди?

Шеърларимни йиртиб, отаман,
Чунки гоҳи кўнглим тўлмайди.
Қалбим — шеърдан кечиш мумкину,
Нега сиздан кечиб бўлмайди?

Исмингизни қонимга ёздим,
Ким севганда ёниб севмайди?
Жону тандан кечиш мумкину,
Нега сиздан кечиб бўлмайди?

Онт ичаман: Кечдим бугундан,
Бир туйгу бор, ҳеч тинч қўймайди.
Қасамлардан кечиш мумкину,
Нега сиздан кечиб бўлмайди???

Нега???

1993 йил

БОЛАЛИК

1-фасл

Оёқяланг, чанг кўчалардан,
Болаликдан кетиб қўйибман.
Ё раб, ўзим билибми, билмай
Ўн саккизга етиб қўйибман.

Бегубор ишқ, бегубор кўнгил,
Яшар эдим дунёни суйиб.
Ўжарлигим — бебош шўхлигим
Ортда қолди юраги куйиб.

Бугун барча ёзувлар ўчган,
Кўзларимда севинч эмас ёш.
Севаман деб хат ёз бир яна,
Қаерларда қолдинг, синфдош?

Йиллар мени чархпалак қилди,
Юрак оқиб кетди-ку куйлаб.

Нега мени ютқазиб қўйдинг
Оқ теракми — кўк терак ўйнаб?

Ҳаммасидан кечиб топганим!
Чорлаганим чўкканимча тиз.
Тамом, мени ҳеч кимга берма,
Мен кашф қилган дунё — ўн саккиз.

1996 йил

ИЛТИЖО

2-фасл

Оёқяланг болалик ўтди,
Айтгил қачон унга тўйибман.
Юрагимга гул тўлиб кетди,
Ўн саккизга кириб қўйибман.

Ўн саккизта жомни тўлдириб,
Ўн саккиз бор ичганман қониб.
Ўн саккизта баҳорим турар,
Ўн саккизта юлдуздек ёниб.

Гуноҳларим — фаришталарим,
Сизга элтдим дил оҳларини.
Худо, Худо кечириб юбор,
Ўн саккизнинг гуноҳларини.

1996 йил

ОРЗУ

3-фасл

Ўн саккиз ёш — нима гамим бор,
Бу дунёни севишдан бошқа.
Ўн саккиз ёш — нима орзум бор,
Кўзларингни кўришдан бошқа.
Ўн саккиз ёш — нени ҳам ўйлай,
Ишқ фаслида девонаман мен,
Ўн саккиз ёш — самовий олам,
Бу заминга бегонаман мен,
Ўн саккиз ёш — осмон меники,
Фаришталар соқчи қошимда.
Ўн саккиз ёш — айт, мен кимники?
Ўн саккиз минг олам бошимда.
Ўн саккиз ёш — нима гамим бор,
Гул атридан мастона бўлдим.
Ўн саккиз ёш — севги сатридан,
Телба бўлдим, афсона бўлдим.
Ўн саккиз ёш — мени чўмилтир,
Томиримдан томган бодага,
Ўн саккиз ёш — нима гамим бор,
Маликаман бир шаҳзодага.
Ўн саккиз ёш — нима орзум бор,
Кўзларини кўришдан бошқа.

1996 йил

ЧОРЛОВ

4-фасл

Ўн етти бор бўлдим бекадр,
Барчасини саодат билдим.
Ўн етти бор ҳақоратланган,
Юрагимда ибодат қилдим.

Ўн етти йил кун кўрмай юрак,
Муҳаббатни тиланиб ётди.
Бир муъжиза юз берди ногоҳ,
Ўн саккизнинг тонглари отди.

Энди яшай бошлайман гулдек,
Бошланади энди баҳорим.
Ҳижронларга васлингиз арзон,
Наҳот бизга висол йўқ, ёрим?

Энди сизни чорлайман. Келинг.
Гарчи сиздан қадр кўрмайман.
Қалбингизга кираман минг бор,
Ўн саккизга қайтиб кирмайман!
Келинг!!!

1996 йил

ЭРТАК

5-фасл

Ўн саккиз ёш — энг гўзал дунё,
Пари бўлдим унинг баҳрида.
Қўлларида қилич, гул тутган
Шаҳзодам бор унинг багрида.

Ишонаман, унинг ишқидан,
Юрагимга баҳор ўтади.
Бир кун келиб кўтариб мени,
Осмонига олиб кетади.

Шундан кейин ҳур бўламан мен,
Гилмонларнинг кўзин ёшлайман.
Муродимга етиб, тахтимда,
Маликадай яшай бошлайман.

...Бунча ширин эртак тўқидим,
Энди ором оламан мангу.
Тан олмайман уч дунёнгни ҳам,
Ўн саккизда қоламан мангу.

1996 йил

ДИЛ ФАСЛИ

(Гулнозга)

6-фасл

Гул бандига банди бўлдик, гилга кетдиго Гулим,
«Ишқ — дийдорли» умид бирлан дилга етдиго Гулим,
Ишқи — макон, ишқи — маҳзан, ишқи — мазҳаб экан Гул,
Дун юзига бир тарсаки уриб ўтдиго Гулим.

Гуллар сархуш баҳорининг қўйнидаё, дўст ёр,
Қўллар сармаст, ўз ёрининг бўйнидаё дўст ёр,
Гулим ахир дил ёрига бегонадай ўтурми?
Биз севганлар ўзгаларнинг куйидаё, дўст ёр.

Гулзорларда гул тердик деб, қаро тикан тердик Гул,
Ишқларига тўйдирмади, севги тилаб юрдик, Гул,
Кўнгил лим-лим, Ҳотамтойдек давлатимиз бормиди?
Дилни ёрга бердик, аммо, ёрни кимга бердик, Гул,

Ёр кўзига асир бўлиб, ўзни кимга бердик, Гул!

1996 йил

АТИРГУЛЛАР

7-фасл

Бир исмни пичирлар маъюс,
Ёмгирларда чўмилаётган лаб.
Бораяпман гул баҳоримда,
Ўн саккизта гулни қучоқлаб.

Менга қаро қошларингизда,
Саланглатинг ўн саккизта дор.
Ўн саккизта атиргулимга,
Ким бўларкин, ким-эй, харидор.

Ахир багрим қон бўлиб кетди,
Титради кўк оҳимдан менинг.
Қўлларига тиканлар ботиб,
Ким узаркин богимдан мени?

Ким бўлсанг ҳам озорланма, бас,
Гулиқаҳқаҳ каби куларман.
Бир гулимни узганинг ҳаққи,
Юз гулимни фидо қиларман.

Қара, ҳануз ишққа ташнаман,
Сен деб кезгум олов йўлларни.
Ва пойингга сочиб ўларман
Кўксимдаги атиргулларни.

РАНГЛАР ЗИДЛИГИ

Кўзларимни тўлдирар севги,
Кўзларимни тўлдирган сиздай.
Ҳайқириб юборар телефон,
Кутавериб чарчаган қиздай.

Қўлларимга оламан секин,
Алвон рангли қизил дастакни.
Аммо, тушун, қўлларимга мен,
Ололмайман қизил юракни.

1995 йил

ТУРНАЛАР ЙЎЛИ

Нега беун, бесас бу севги,
Видосига ўхшаб кузларнинг.
Ёки айтинг ёки тарк этинг,
Оташида қолдим кўзларнинг.

Бир ёруглик кутаётирман,
Ёниб адо бўлаётган кундан.
Тангрим, менга ҳикмат топиб бер,
Ҳикматлари беҳикмат дундан.

Богингиздан ўтаётир куз,
Жондан ўтгандай ҳижронингиз.
Кўзларингиз, кўнглингиз менда,
Кимда ахир жон-жаҳонингиз?

Мен кўнглимни ўзим узарман,
Умидсизлик қўллари билан.
Айтинг, сизга бориб бўларми,
Турналарнинг йўллари билан.

...Ана кўнглим пойингга тушди —
Япроқлари узилган бир гул.
Тангрим! Кетай менга топиб бер,
Турналарнинг йўлидай бир йўл.

1997 йил

* * *

Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик,
Энг гўзал, энг оппоқ тонгдан кечгулик.
Тўртта томонингни қибла этса ҳам,
«Бор-эй» деб шу тўртта ёндан кечгулик,
Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик.

Арзиса кўзингда ёшларинггача,
Сигинса кўксингда тошларинггача,
Кўзларинг минг нафрат ҳадя этса ҳам,
Севолса кипригу қошларинггача,
Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик.

Куйдириб, куйиб ҳам кулса ўзингга,
Титрамай титроқлар солса тизингга,
Ўзидан ўзганинг васлин кўрсатмай,
Иккита пичоқ санчиб кетса кўзингга,
Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик.

Бир умр ишқига жонни қоргудек,
Заррa ҳижрони ҳам юрак ёргудек,

«Кел» деса етмишта томиринг узиб,
Хаёлдан ҳам олдин ўзинг боргудек,
Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик.

«Бор-эй» деб шу тўртта ёндан кечгулик.

1996 йил

ҚАРОВСИЗ ИШҚ

Сиз мен учун гул уэмагансиз,
Юрагимдек йиглайди йўллар.
Қўлингизда турибди гўзал,
Барноларга аталган гуллар.

Қўшиб сотинг ўша гулларга,
Менинг каби ишқи арзонни.
Багрингизга босиб йигланг сўнг,
Севгимиздан қолган хазонни.

Қаровсиз ишқ — қуриган гулдек,
Сиз гулларнинг бўйларидан маст.
Ахир мени ёққан севгингиз,
Шу бир гулнинг умричаликмас.

Битта умрим аро мингта ишқ,
Қай бирига жонимни берай?

Минг хил гул бор гулзорингизда,
Шу гуллардан биттаси бўлай.

Жоним, ахир гуллар сўлади,
Ким қолади айролигига?
Сизни қандоқ ташлаб кетарман,
Бу гулларнинг барнолигига?

Қўлингизда қиличми ҳажр,
Гул-гул ёниб, гулзорлар кезинг.
Мен сизни деб кўнглимни узdим,
Сиз мен учун битта гул узинг.

1997 йил

САРИҚ ГУЛЛАР

Биздан ўтди. Барига узр!
Ҳажрингизга тўлди қарогим.
Мен яшил ишқ кутгандим сиздан,
Хайр энди сариқ япрогим!

Мени нега умидвор этди,
Кўзларингиз меҳр-ла кулиб.
Айтинг, қачон тўкилиб кетдим,
Кўнглингизнинг япроги бўлиб.

Ишқимизга қачон етди куз,
Қаҳратоннинг совуқ қўлидай.
Мени эслаб қон-қон йиглайсиз,
Юрагимнинг атиргулидай.

«Кетманг» десам гулдай ёлвориб,
Хазонга ўт ташлаб кетгувчим.
Йигирмамнинг баҳорларида
Менга кузлар ҳадя этгувчим.

Айрилиқнинг рангида кўнглим!
Маҳзун яна ёмгирлар синган.
Ўлганимда сариқ гуллармас,
Қизил гуллар келтиринг менга.

Тамом!
Энди меҳр кутмасман!
Сиз ҳам бир гул ишқнинг кафтида.
Учрашамиз ташлаб кетилган
Сариқ гуллар мамлакатида.

1997 йил

ОҚ ГУЛЛАР

(Азиз инсонларимга)

Дил бахтсизлик рангида эди,
Ва сирпанчиқ эди бу йўллар.

Не мўъжиза... бир куни келиб,
Олиб кетди мени оқ гуллар.

Шундан буён туйгуларим оқ,
Кўнгил тушмиш оқлик азмига.
Кейин мени бошлаб кетдингиз,
Оқ атиргулларнинг базмига.

Сиз эдингиз ўша оқ гуллар,
Сиз келдингиз буркаб йўлларни.
Энди сизга йиглаб бергайман,
Шевасинда оппоқ гулларнинг.

Бугун ҳатто дийдорингиз оқ...
Кўзларимга кетяпсиз тўлиб.
Кўнглингизга кириб боргайман,
Бир кун оппоқ атиргул бўлиб.

1995 йил

МУНЧОҚЛАРИМ

Бир кун мунчоқларим тўкилиб кетди,
Улар садо берди: «Борми керагим?»
Бошни маъюс эгиб териб олдингиз,
Жоним, бошингизни келди силагим.

Аммо қўлим қани? Гурурга банди,
Йиллар юрак-багрим кетдилар тилиб.

Қанийди шу дамда мунчоқларимдек,
Юрак-багирларим кетса ситилиб.

О, нега кетдингиз, бешафқат, беруҳ,
Ҳажрга тўлдириб қароқларимни.
Мана, бугун ҳеч ким териб бермади,
Жонимдан тўкилган титроқларимни.

О, нега кетдингиз бешафқат, беруҳ?...

1997 йил

ИҚРОР

Қошларингиз камонида ўлсам керак,
Васлингизнинг ҳижронида ўлсам керак,
Анов кўзлар кўзингизни кўзлаётир,
Ишқингизнинг гумонида ўлсам керак.

Пойингизда чаман бўлгим келаётир,
Ишқингизда туман бўлгим келаётир,
Бу дилдорлар, бу дийдорлар унут бўлгай,
Кўзингизга кўз ёшдайин тўлсам керак.

Қўлим билан хушлашади қўлларингиз,
Гуллар билан туташади йўлларингиз,
Шу гулларнинг хазонини кўриб бир-бир,
Кузимгача етиб... Кейин сўлсам керак.

Силкитмангиз, пойларига тўкилмасман,
Ишқингизни чоки маҳкам, сўкилмасман,
Гарчи сариқ хазондирман унутилган,
Богингизга гуллар сочиб кулсам керак.

Кузатаман, дилгир бўлиб куймоқдасиз,
Сиз билмайсиз, кўзларимни суймоқдасиз,
Фақат менда яшнагайдир кўзларингиз,
Мен, барибир баҳорингиз бўлсам керак.

Ишқингизни осмонида ўлсам керак...

1997 йил

* * *

Самарқанддан хатлар келмайди,
Узун-узун дардлар келади.
Мен-ку тизлар чўкиб ялиндим,
Ундан магрур қадлар келади.
«Мени кутгил, бораман» деган,
Вафосиз, ул мардлар келади.
«Бошингни йўлимга қўй» деган,
Ширин-ширин шартлар келади.
Чорлайверсам, жон товонимда,
Дил тубидан додлар келади,
Гурурлари осмондай бўлиб,
Менга яқин ётлар келади...

Кўзим тўла ёшим, кел энди
Оёгингда бошим, кел энди!

1995 йил

ВИДО ХАТИ

Тонгларингиз оқариб қолар,
Мен кетаман дил бозоридан,
Ахир кўнглим қонаб кетмоқда,
Наргисгулларнинг озоридан.

Мен бир телба муҳаббатталаб,
Меҳрталаб девона қизман.
Нега ахир йўл сўраяпсиз,
Йўлларини йўқотган қиздан!

Йўловчиман ишқ адаштирган,
Кўнгли улашилган йўловчи.
Йўлим йўқ деб айта олмасдан,
Сизни юрагига йўлловчи.

О чарчадим, кетишим керак!
Узр, дилни ҳажр тирналар,
Мени кузак излаб келмоқда,
Мени кутаяпти... турналар...

Кечирасиз, кетишим керак.

1996 йил

ФАҚАТ

Онам фаррош бўлиб яшаётибди,
Кўрмасдан ҳеч кимнинг миннатларини.
Супуриб яшайди отамдек азиз,
«Каъбам» деб атаган жаннатларини.

Сизнинг кўчангиз ҳам баҳор эмишми?
Ялпизидан териб келдим бир сават.
Кўрдим. Кўнглингизда соҳибжамоллар,
Еганлари новвот, тергани новвот.

Лекин билиб қўйинг, соҳибжамоллар,
Зерикса кетади дайди хаёлдек.
Фақат мен қоламан кузингизда ҳам,
Кўча супураётган фаррош аёлдек,

Фақат мен қоламан...

1996 йил

ДУГОНАМГА

Сени яхши кўраман, Мунис,
Сўзларингни яхши кўраман.
Кўзларимнинг гавҳари бўлган
Кўзларингни яхши кўраман.

Сен кимларга насиб этасан,
Сочларингни силайди кимлар?
Оқ тонгдан оқ рўмоллар ёпиб,
Сенга иқбол тилайди кимлар?

Гурурингни енгиб яшагил,
Йўқса бунда каслар талайди,
«Кўзларингни севаман» деса,
Ишонмагил, улар алдайди.

Мен гурурга қалб берган эдим,
Тонгда ундан синиқлар тердим.
Ахир сенга жоним, қалбимдан,
Ва кўнглимдан бўлаклар бердим.

Сен баҳорга айланиб яша!
Соч ёмгирнинг тиниқларини.
Оч! Багрингдан териб олайин,
Юрагимнинг синиқларини!

1994 йил

ТАЗАРРУ

Гаҳе ҳижронингиз бизга ортиглиқ,
Гаҳе ҳижронимиз сизга огриқлик.
Боги Эрамингиз омонми, бегим,
Ишқ мендай бечора, жондай сагирлик.

Ё раб, мен тиззамга сигинди бўлдим,
Дилни дўстга берсам, ишққа сотибди.
Ёр-эй, богингизнинг бошида туриб,
Сизнинг аёлингиз йиглаётибди.

Жонимни қавидим атлас кўрпадек,
Парқу болиш қилдим хаёлингизга.
СИЗ Унга МЕНдан сўнг берилган эҳсон,
Фақат раҳмим келди аёлингизга!!!

...Бегим! Мен соҳирий ўлим топгайман,
Унинг қучогида боқмам қайрилиб.
Яхши кўрардингиз, барибир дод-эй,
Сизга азоб бўлди, мендан айрилиб.

Алам-эй, алам-эй, дод-эй алам-эй.

1996 йил

ЖАВОБ

Ишққа ташна юрагимла
Мен илоҳий бўлодурман.
У ҳам кечса агар мендан
Телба, даҳрий бўлодурман.
Менга май бер, гамкашим йўқ,
Ўзим соқий бўлодурман.

Кўк туҳфаси — шеърларим-ла,
Абад боқий бўлодурман.
Туннинг багри тийрадур-эй,
Шамси, моҳи бўлодурман.
Кўзларингда бир ватан бор,
Ўзим шоҳи бўлодурман.
Кўнглингизни очинг шоҳим,
Бахт сипоҳи бўлодурман.
Ишқ аҳлининг бўгзиндаги
Олов- оҳи бўлодурман.
Сен-эй, қизганма илмингдин,
Наҳот осий бўлодурман?
Пок руҳлардан илм олиб,
Мен Увайсий бўлодурман.

1993 йил

МЕН...

Отам кетаётир, елкада кетмон,
Ҳамдарди — далага дардини куйлаб.
Биламан, кетмоқда отам ҳозир ҳам,
Узоқларда юрган қизини ўйлаб...

Онамга ўчоқнинг боши ватандир!!!
Юрмайди ҳар кимга дардини сўйлаб.
Онам тушида ҳам кўради мени,
Яшайди, яшайди у мени ўйлаб...

Мен-чи? Кўнгил билмас ношуд бандаман,
Унутдимми, нега дардсиз турибман.
Мен деб мингта юрак куйган, мен эса
Битта номардни деб куйиб юрибман.

1995 йил

ДЎСТЛАРИМГА

«Алвидо! Шуҳрат деб беҳуда чопдим,
Оташин севдим-ку, аммо баҳрасиз».
(Лермонтов)

Алвидо! Кўп шуҳрат истадим,
Ва эътибор истадим ортиқ.
Қалбимдаги бор муҳаббатни,
Ўзгаларга қилсам-да тортиқ.
Алвидо, кўп севги истадим,

Мен пок эдим бу кир муҳитда.
Худбин эдим, разилроқ эдим,
Она! Кечир мен бошқаларни
Ҳаммангиздан ортиқроқ севдим.
Алвидо, кўп меҳр истадим.

Гарчи, ишқда яшадим, она,
Бор борлигим ишқ куйида маст,
Сиздан бошқа севганларимга

Мендан нафрат қолар, ишқ эмас.
Алвидо, кўп меҳр истадим.

1996 йил

ЭНГ ГЎЗАЛ ИСТАК

Ўлсам...
Дунё, этагингга ўралиб эмас,
Сендан йироқларда хор бўлса таним,
Ҳеч ким билмай қолса...
Отамнинг қурисин деб офтобга ёйган.
Пайтаваси каби унут бўлсайдим,
Онам қўшни сўраганда бериб юборган,
Бир коса унидек унутилсайдим...
Ҳеч ким йигламаса, озорланмаса,
Баринг эсидан чиқиб кетсайдим.
Шабнамдек тупроққа сингиб кетсайдим,
Майсалар шивирлаб қолса ортимдан
Мен шундай ўлсайдим,
Шундай ўлсайдим...

1996 йил

ОТАМГА

«Дайровотни сув босибди-ку»,
Отам дилтанг бўла бошлайди.

Отам дилтанг бўлгани сари,
Юракка дард тўла бошлайди.
Мен биламан, Дайровот — онам.
Шунда бизнинг ризқу рўзимиз.
Отам қўлин қадоқ айлаган,
Кетмон эмас, бизнинг кўзимиз.
Дарёлардан, шоватдан ўтиб,
Отам даштга чиқиб келади.
Багри каби кенг даласига,
Дардларини экиб келади.
О, Дайровот! Отам макони,
Дардим сенда кезиб юради.
Мен бўлмасам отажонимга,
Дарёлар чой дамлаб берами?
Мен омонлик тилайман фақат,
Отамни сен асрагил, Тангрим.
Омон бўлгил, омон бўл доим,
Дайровотда сув кечиб юрган,
Офтобларда куйган юрагим —
Омон бўл доим,
Отажоним!

1993 йил

ШОГИРДНИНГ УСТОЗИГА АЙТГАНИ

Асли ёлгиз келдим, ёлгиз кетарман,
Балки майсалардек ҳур қиз кетарман.
Сиз менга «изимдан кел» дейсиз, ажаб,
Изингиздан кетсам, беиз кетарман.


***

Дунёдан кўнглимни узиб боряпман,
Ишқни юрагимга сузиб боряпман.
Жамланайин, дейман Тангрим, заррангман,
Яна зарраларга тўзиб боряпман.

***

Қаранг, ҳаммамизда пулнинг қайгуси,
Ёки битта равон йўлнинг қайгуси,
Халқим деганлари, ҳалқум демасми?
Қани, ўзи кимда, элнинг қайгуси.

1998 йил



РЎШНОЛИК



* * *

Бу булутлар бошимда кўп туриб қолди...
Абгорлигим кўриб хаёл суриб қолди...
Қаро булут қаттиқ-қаттиқ тошлар отди,
Не бахт, бир тонг мени қуёш кўриб қолди...

Не балолиг, ўз чоҳимдан чиқолмасман,
Оҳ урарман, минг оҳимдан чиқолмасман,
Мени ёмон адаштирди қаро каслар,
Минг роҳ турар, бир роҳимдан чиқолмасман.

Гарчи бошим ёрар алар отган тошлар,
Билмасларки, тог бўлгуси ётган тошлар,
Бошу кўксим ҳимоялаб нима қилдим,
Тангрим, қара, юрагимга ботган тошлар.

Бир тог бўлиб, бир тош бўлиб уйғонаман,
Кўзингизда кўз ёш бўлиб уйғонаман,
Қаро-қаро булутчалар ... кўп суюнманг,
Мен эртага қуёш бўлиб уйғонаман.

Эҳ булутлар... булутчалар...

2000 йил

АЖДОДЛАР ШЕЪРИ

Болам, менинг кишанларим кўп,
Уларга кўп чалишасан сен.
Ахир қанча уринмай, ёнмай,
Кишанларни узолмадим мен.

Болам, менинг хатоларим кўп,
Улар сени йиқитмасайди.
Мен бор этиб кетган йўқликлар,
Сенинг боринг йўқотмасайди.

Мен ҳайқирган минбарларим кўп,
Ярар дедим каму кўстингга.
Мен тиклаган минорлар бир кун,
Йиқилмаса эди устингга...

Дарёларинг қуритган ҳам мен,
Осмонларинг асролмаганман.
Бир кун чанқаб ёнингга борсам,
Бир ҳовуч сув тутармикансан?

Болам, мени кечирармисан,
Тигимдан қон бўлди кўп чаман.
Энг сўнгги бор қўлларим чўзсам,
Қучогига оларми Ватан?

Қара, қанча хавотирдаман,
Гарчи сени овутмас нолам.
Аммо сени суянсин дея,
Мен ... дарахтлар... экканман... болам!

2000 йил

КЎҲНА ҚОР

Яна қаро қорлар ёгди бошимга,
Бошим асрамадим бу кўҳна қордан.
Нимадир арзирди йиглашимга ҳам,
Мен майса топгандим бу хазонзордан.

Кўп шафқат қилгандим хазонларга ҳам,
Билмам, энди улар мен ҳақда не дер?
Ялиниб-ёлвориб боламга ўхшаб,
Кетма деб қўлимдан тортади кимдир.

Фақат шунинг учун қолгим келарди,
Сажда қилар эдим гиёҳларимга.
Кимлардир қоп-қора арқонлар эшди,
Менинг маъсумгина гуноҳларимдан.

Эй дўст! Маломатлар қиласиз, аммо
Кўзимдаги ёшлар менинг арзиммас.
Ахир яшашимга арзийди онам,
Ташлаб кетмогимга дунё арзимас!

Мен оппоқ қорларни сизга атадим!
Энди борай дедим Тангрим қошига
Афсус боролмайман... тойиниб кетдим,
Қаро қорлар... ёгди... менинг... бошимга.

2000 йил

УМИД

Гарчи йўлларимга девор урдилар,
Мен бу деворларни йиққайман, Ватан.
Қаерда бўлсам ҳам, қаён бўлсам ҳам,
Бир куни пойингга чўккайман, Ватан.

Гарчи мунглигингман, мушфиқ қизингман,
Сув бўлиб ўпарман қиргоқларингни.
Агар чоҳларингга ташласалар ҳам,
Уфққа қадагайман байроқларингни!

Қуш эдим, йўлдошим гумроҳлар бўлди,
Гарчи озор кўрдим калхатларингдан.
Ўксидим. Жонимга тиглар ботса ҳам,
Кўнгил узолмадим сарҳадларингдан...

Мен фақат кечикдим, сен кечир Ватан,
Етиб келолмадим сабоқларингга.
Фақат номинг сотиб кўкка чиқсалар
Термулиб йигладим... тупроқларингга.

Ватан! Саргайиблар яшадим сен деб
Менам бу дунёнинг гулхонасинда.
Бир кун жон бергайман қўксим чангаллаб,
Сенинг юрагингнинг остонасинда.

... Бир кун осмонингда ўлгайман, Ватан.

1999 йил

ИҚРОР

8-фасл

Ўн саккиз ёш — олов фаслим, ки бу ўтни титиб бўлмас,
Анордек бағри қон фаслим, пичоқ бирлан ситиб бўлмас.

Мен у ёрдин қадр кутмай ўн саккизта гулим тутдим,
Юзингга гул-ла урганга, юрагингни тутиб бўлмас.

Ёр олдидан шамол ўтса ўн саккиз гул лабин тутгай,
Кўрсам жоним тўкилгайдур, бу жон бирлан ўтиб бўлмас.

Ул маконсиз, пойи — аршим, дийдори-ку қиёматда,
Гар бошим-ла югурмасам, оёг бирлан етиб бўлмас.

Ўн саккиз ёшим-ку жаннат, ки ёрнинг васли дўзахдур,
Ўн саккиздин кетиб бўлгай, аммо ёрдин кетиб бўлмас.

ШАФҚАТ

9-фасл

О, шафқатга ўрин йўқ бунда,
Кўнгил учун келиб-кетасиз.
Бор борлигим ишқ сўраса ҳам
Шафқат қилиб севманг мени сиз!

Ўн саккизда севганларим рост,
Сизга бошим қилганларим хам.
Аммо ўйланг севармиканман
Сизни ёниб ўттиз бешда ҳам?

Мен ишқ кутдим, илтифот эмас,
Гулим ювдим сўнг қоним билан.
Энди сизни чорлармиканман
Қирқ ёшимда қирқ жоним билан?

Ҳамма нарса нисбий оламда,
Хазон ахир фақат куздами?
Сиз нега жим? Дил берган мен-ку,
Қирқ бешда ҳам кўнглим сиздами?

Эллигимда эллик тола соч
Оқ кийиниб ўланлар айтар.
Сиз ҳайқириб сўрайсиз шу дам:
«Ўн саккизни бир марта қайтар».

Йўқ, дейман мен. Отилар юрак,
Шафқат. Алдов. Кўнгил тўлмайди.
Ахир битта шафқатингизни
Олтмишгача севиб бўлмайди!!!

Ҳеч шафқатга ўрин йўқ бунда.

АЛДАНИШ

10-фасл

«Сизни севолмайман. Кечиринг».
Кўкда чақмоқ чақилди гўё.
Ўксиб-ўксиб йиглаб кетди сўнг,
Ёмгирпўшнинг остида дунё.

Ўн саккиз ёш, кўзлари ёшли,
Алам багрин кетяпти тиглаб.
Ўн саккиз минг олам кетмоқда,
Ёмгирпўшнинг остида йиглаб.

Отилади кейин ёмгирпўш,
Сочларига осмон томчилар.
Кеча гуллар сийпаган юзни,
Савалайди бедил томчилар.

Билиб бўлмас, бу кузми, баҳор?
Умримда гул қилмоқда фарёд.

Бир ёмгирпўш бўла олмадинг,
Менга бахтлар атаган ҳаёт!

1996 йил

БАЁТ

Кўҳна баётларим уйгонди маним,
Дилим кўрасинда ўт ёнди маним,
Кўнглим ёмгирларда тўлгонди маним,
Бизим кўнгилларда қўшкимиз бордир.

Қишнинг қатронидан ўтганлар билар,
Турналар васлига етганлар билар,
Қизгалдоқлар билан кетганлар билар,
Турналар оҳида ишқимиз бордир.

Сув бўлиб сойландик гуллар ичинда,
Қайтадан кўкардик куллар ичинда,
Бизам гулзодамиз, гуллар ичинда,
Ифоримиз бордир, мушкимиз бордир.

Баҳор, сенга етдик кўнгил догисиз,
Тунлар ёришгайму, куйган моҳисиз,
Ошиқлар айтадур: «Сиз ишқ богисиз,
Бизим бу боглара тушгимиз бордир».

Дўстлар, дилга қайтинг, насимлар каби,
Дийдорга ошиқмиш дарёлар лаби,
Асли гулламоқ-ку умр матлаби,
Эй, ишқдан бўлак не мулкимиз бордир...

Турналар оҳида ишқимиз бордир...

2000 йил

УЙҒОҚЛИК

Бу дорларни олинг бошимдан,
Менга торлик қилар бу сиртмоқ.
Надур ўзи, елкамни қучиб,
Кўзларимнинг ёшини артмоқ.

Надур ўзи бу ҳукмларни,
Оловларга отиб йўқ қилмоқ.
Ва эрмакка зарра айбимни,
Олов қилмоқ, тагин чўг қилмоқ.

Надур ўзи юраклардanмас,
Рўйхатлардан номим ўчирмоқ.
Ортиқ мени ҳайратга солмас,
Аввал айблаб, кейин кечирмоқ.

Кўзларимни уйготинг аввал,
Уйготингиз томирларимни.

Ғийбатлардан аввал бошимга,
Ёғдиринғиз ёмғирларимни.

Адолатми, ортимдан келиб,
Ғафлат чоғи менга тиғ санчмак.
Мен уйғониб тугилган одам,
Мен уйғониб ўлмогим керак.

Бу ғафлатни олинг бошимдан...

2000 йил

ТОҒЛАР

Ғулжамол эдим мен, ғулруҳ эдим мен,
Исмимни айириб қўйдилар ғулдан.
Мана қаршингизда магрур турибман,
Ўша сиз қаргаган тақдирим билан.

Мен писанд қилмаган ғулларга алам,
Ғоҳо йиғлагим, ғоҳо кулганим.
Сизга ҳам шунчалар оғир ботдими,
Бир тоғнинг ёнида тоғдек турганим.

Биламан, сизни кўп хушнуд этгайдур,
Менинг манглайимдан сизгиган қонлар.
Аммо билиб қўйинг, икки дунё ҳам,
Тоғларни кемира олмас сичқонлар!

Менинг қисматимдан башорат қилманг,
Гарчи ихлосимда кўрибсиз доглар.
Аммо йиқилса ҳам, ўзгаларнингмас,
Ўзининг пойига йиқилгай ТОҒЛАР!

2000 йил

ХАТО

Изтироблар ичра тугилдим,
Изтироблар ичра юрагим.
Мен кетяпман, дўстлар, алвидо,
Кетган сари келар яшагим.

Беихтиёр хатолар қилдим,
Беихтиёр кечди барчаси.
Ёпиб кетинг, шамоллар, келиб
Юрагимнинг очиқ дарчасин.

Шууримни ёриштирмайди,
Шайдо этмас шукуҳсиз шонлар.
Юзларимни ювиб кетмоқда,
Манглайимдан сизгиган қонлар.

Жилмаяман, огрийди кўксим,
Билолмасман чоҳ, жарларимни.
Пойингизга гул қилиб сочдим
Кўксимдаги ханжарларимни.

Бас, айбларим авф этилмагай,
Кечирмангиз хатоларимни.
Мен гуноҳкор қўлларим билан
Ўз-ўзимни жазоладимми?

Мен маҳкумман, азал ҳукм шу:
Тиламасман энди ободлик.
Хатодан сўнг ҳақиқат келар,
Қулликдан сўнг келар озодлик.

2000 йил

АЗАЛ ҚИСМАТ

Фолбин айтар: «Тахтингиз баланд,
Лек боглиқдир бахтнинг йўллари».
Термуламан осмонларимга,
Манглайимдек очиқ йўлларим...

Фолбин айтар: «Мудом тилдасиз
Лекин сизни сийламайди бахт».
Шивирлайман кафтим яшириб,
Мен одаммас, дарахтман, дарахт!

Фолбин айтар: «Ҳеч ишонмангиз,
Дўстларингиз сотар улар паст».
Мен айтаман: «Фарқимиз недур
Ахир мен ҳам сотдим қасдма-қасд».

Фолбин айтар: «Бир тоза ишқнинг
Сизни ёмон тутгайдир доди».
Лек қийнамас негадир мени
Мен йўқотган севгилар ёди.

Фолбин айтар: «Сиз эркпарастсиз,
Гам чекасиз зулм қўлинда».
Мен айтаман: «Эркка ташналар
Жон бергайлар қафас ичинда».

2000 йил

* * *

Садоқат ва меҳр майдони ичра
Шаҳид ўлдим, абад... ором олурман.
Бедил

Эй дўст, мандин садоқатлар кутурсиз,
Замон бундоқ, хавотирда толурман.
«Садоқат ва меҳр майдони ичра
Шаҳид ўлдим, абад... ором олурман».

Қачон жонимни тигдин рашк қилурлар,
Боқиб тўрт ёнима наъра солурман.
Садоқат ва меҳр майдони ичра,
Қабр топдим, абад... ором олурман.

Бу пойим, бу оёгим деб келурлар,
Мана бошим дея ман ҳам борурман.

Садоқат ва меҳр майдони ичра
Мен енгилдим, энди ором олурман.

Салафлар айтадур, догингда дог йўқ,
Тарафлар айтадур, бошинг ёрурман.
Садоқат ва меҳр майдони ичра
Макр топдим, энди қасос олурман.

Кел, эй, мандин кўнгил уз, эй гарибим,
Бир кун қонинг била қоним қорурман.
«Садоқат ва меҳр майдони ичра
Шаҳид ўлдим, абад... ором олурман».

2000 йил

АНГЛАШ

Мана ташлаб кетдим сизни ҳам,
Қуламади туйқус осмонлар.
Бехос тасдиқ топди, нетайин,
Мен ҳақимда кезган бўҳтонлар.

Садоқатми эди ёрлигим,
Хиёнатми эди инкорим?
Мен ўзимни парчалаб бўлдим,
Мендан кетинг, телбаи зорим.

Ёпасизми ўзингиз келиб
Гам тўлдирган қароқларимни?

Ёвуз шамол синдириб кетди,
Ичимдаги байроқларимни.

Сизсизликка маҳкумман ахир,
Ўзим билан кечяпти бу жанг.
«Бўлди, сендан кечдим» деб айтинг,
Фақат энди «кечирдим» деманг.

Бу осмонлик ер қилгай мени,
Кетаяпсиз кўксимни эзиб.
Мен йиқилдим, энди заминдан
Ололмаяпман багримни узиб.

Телбаманми, билмам, тентираб
Мен дарёдан кетган қиргоқман!
Сиз йиқилманг, қадни тутинг, мен
Ичингизда синган байроқман!

Қандоқ сизни кўтарай энди,
Гумон ахир етиб бормогим.
Кўз ёшим-ла юварман сизни,
Эй қонга гарқ бўлган байрогим.

2000 йил

ДАЪВАТ

Аҳли одамият, Ватандек қалқинг,
Ва жонни беринғиз унинг ёдига.
Ватан тупрогини тиз чўкиб ўпинг,
Қаддингизни ростланг Ватан олдида.

Бу шундай жонларга берилмас хилқат,
Унингдек азиз йўқ инсон зотига.
Агар тупроқларга қоришсангиз ҳам,
Руҳингизни тикланг Ватан олдида!

Эй фарзанд, миллатнинг жон томирисиз,
Меҳрингизни сотманг гуллар тотига.
Миллат байрогини юракка қаданг,
Байроқни кўтаринг миллат олдида!

Тоглардек юксалинг Ватан чорласа,
Боболар ўтдилар эрк деб гамдийда.
Багрингизга босинг Ватан сўзини,
Оёққа қалқингиз Ватан олдида!

Аҳли одамият, Ватандек қалқинг!

1999 йил

ОПАМГА НОМА

Мен ўпаман, юрагинг — байроқ,
Сенга дардим айтаман, опа.
Чорлаётир мени қизғалдоқ,
Мен қишлоққа қайтаман, опа.

Кимлар кулиб севинар гарчи,
Уларга ҳеч довим йўқ менинг.
Дунёсига ҳайқириб айтгил:

Инсонлардан ёвим йўқ менинг!

Ва сен каби ишонгайдирман:
Юрагимдек оппоқ бу дунё.
Кўзларимни очади бир кун,
Кўзларимни боглаган рўё.

Мени қаттиқ согингувчи сен,
Хазонлардек саргайиб рангинг.
Қизғалдоққа айланиб ҳар гал,
Йўлларимга чиқар юрагинг.

Гарчи бугун унутган дўстлар,
Шундоқ экан дунё матлаби.
Улар бир кун согингай мени,
Турналарни согинган каби.

Гарчи кўпроқ йиглатди ҳаёт,
Гарчи огриқ ботяпти жонга.
Кутиб олгил, юбораяпман,
Юрагимни Каттақўргонга.

Тангрим мени яхши кўради,
Қара, қандай тахтлиман, опа.
Онамга айт, хафа бўлмасин,
Мен ҳаммадан бахтлиман, опа.

Сен ўзингни асра, мени қўй,
Манглайимда мангулик тугун.
Дуоларинг топади мени,
Мен ўзимни топарман бир кун.

Ёмгирлардек борарман эрта,
Лек, айт, бугун қайдаман, опа?
Асраб қўйгил болалигимни,
Мен қишлоққа... қайтаман, опа.

1999 йил

* * *

Мани тўзон этиб кетсин,
Шамолларга бориб айтинг,
Маним жонимни тутсинлар,
Заволларга бориб айтинг.

Шу дўст йўли омон бўлсин,
Ганим йўли осмон бўлсин,
Маним йўлимни тўссинлар,
Деворларга бориб айтинг.
Ки қоним ичра гуллар бор,
Чаманларни кечиб боргум,
«Мастона бормангиз» дерлар,
Ман ишқ майин ичиб боргум
Бу улфатлар, бу давронлар,
Мунофиқ бўл деб айтурлар,
Булар бари кафан манга,
Кафанларни ечиб боргум.
Ичинг, минг йил хумда ётдим,
Манам сархуш гулоб ўлдим,
Гарчи қуёш этди Тангрим,
Ганимларга сароб ўлдим,
Вовайло этмагум, гарчи
Қаён борсам хароб ўлдим.
Маним пешонамга келсин,
Саволларга бориб айтинг.
Кел-эй, дўст жонингга ҳаргиз
Залолат истамасман мен,
Бир бошингга кулфатлардин
Далолат истамасман мен.
Гарчи қилдинг маломатлар,
Тилай сенга саодатлар,

Маломат тўла дунёда
Маломат истамасман мен.
Ганим айтар менга ҳар дам:
«Гуноҳ сизга яқин борсин»,
Сен ҳам айтдинг бугун ногоҳ:
«Минг оҳ сизга яқин борсин».
Мен айтаман: «Сиз дўстимсиз,
Сизга Аллоҳ яқин борсин!»
Маним кўнглимга келсинлар,
Малолларга бориб айтинг.
Шамолларга бориб айтинг,
Заволларга бориб айтинг,
Саволларга бориб айтинг.

1999 йил

МУНОЖОТ

Замонлардан сўраб кўрдим, замонлик йўқ,
Азаллик йўқ, абадлик йўқ, ҳамонлик йўқ.
Бу юрагим билан менга омонлик йўқ,
Умрингизни беринг менга, Усмон Носир.

Дўстларга жон берсам олар тиглар санчиб,
Гоҳ ўзимни ташлагайман янчиб-янчиб.
«Бир яшагим келди, дунё, тушунсанг-чи»,
Бўзингизни беринг менга, Усмон Носир.

Қирқадилар, бош кўтариб чиқмоқ бўлсам,
Қўлимни чоп, қўллаганни йиқмоқ бўлсам.
Осмонлари чидагайму чақмоқ бўлсам,
Дилингизни беринг менга, Усмон Носир.

Ҳақ бор! Бир кун ҳақ бошларни адл этгай,
Озодлик бор! Ҳар ҳукмни одил этгай.
Нари борса... дўстлар бизни қатл этгай,
Йўлингизни беринг менга, Усмон Носир.

Қабоҳатлар тарқаб кетди бир тумандай,
Эл гуллари бош кўтарди бир чамандай.
Энди ҳурмиз, юксалайлик бир Ватандай,
Руҳингизни беринг бизга, Усмон Носир.

Бошимдаги сиртмоқ учун ўзим келдим!
Энг ҳақ сўзни айтмоқ учун ўзим келдим,
Кўзёшингиз артмоқ учун ўзим келдим,
Багир қонингиз артмоқ учун ўзим келдим,
Кўзингизни беринг менга, Усмон Носир.

Бу юрагим билан менга омонлик йўқ...

1999 йил

ЭНГ СЎНГГИ ҲУКМ

Гуноҳи йўқ кўзидан бўлак,
Юрагидан бўлак айби йўқ.
Кўпроқ севди ва кўпроқ куйди,
Аллоҳ! Унинг ўзга гайби йўқ,
Гулжамолни дорга тортингиз!

У қулликнинг сўнгги инсони,
Озодликнинг ўзидир барҳақ!
Ана унинг ортидан яна,
Оёқяланг эргашди бир халқ...
Гулжамолни дорга тортингиз!

Эй сиз, дўстга ўхшаган дўстлар,
Жонимми ё шоним таъмингиз?
Бас, меҳрмас, қаҳр истадим,
Юрагимдан кетинг барчангиз.
Гулжамолни дорга тортингиз!

Ҳукм этинг кўзлар олдида,
Қатлин кўриб тўкмас кўз ёшин.
У ҳайқирар бир кун барибир:
«Бу дорингга сигмайди бошим».
Гулжамолни дорга тортингиз!

Зилзилалар учун осингиз!
Силсилалар учун осингиз!

Муҳаббатлар учун осингиз!
Сўнг нафратлар учун осингиз!
Куйган моҳлар учун осингиз!
Жару чоҳлар учун осингиз!
Бори оҳлар учун осингиз!
Бор гуноҳлар учун осингиз!
У энг ҳалол қурбонлиг бўлар
Юрагидан бўлак айби йўқ,

Гулжамолни... дорга... тортингиз!!!

1999 йил

КИТОБ ЖАВОНИМ ВА ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Кун келар, бир маҳзун китоб бўламан!
Яшайман кўнгиллар давонларида.
Асрлар шамолга тўзгитиб кетар,
Сигмасам дунёнинг жавонларига.

Кимларгадир огир ботяпти исмим,
Кимларга кўрсатай кўксимни ёриб?
Ёнингизда маҳзун китобдай турсам,
Улар огир олар, Абдулла Ориф.

Сиз ҳали билмайсиз, бу дунёлардан
Юрагим гўдакдек кетмоқда ўксиб.

Қаранг, халқ кўксига қадаб юрибди —
Юрагингиз тумор, Муҳаммад Юсуф.

Бу на исёндурки, жонимга тушди,
Ҳалимаи даврон — бедор қўнгироқ.
Сизга юрагимни олиб боряпман,
Эй эрк осмонига қадалган байроқ!!!

Бизни минорлардай яратмиш Тангрим!
Тагин минорлардай кўтарармиз қад.
Юзларимга ёпдим юрагингизни,
Юрагимдан кетманг, Ҳалима Аҳмад!

Кетаман! Кўксимда 40 мингта шамдай.
Шеърларим қирқ кеча ёнади ҳалол.
Йўлингизга туташ уфқ йўллари,
Сизга боргим келар Фарогат Камол.

Минг йилки, саждагоҳ излаб яшадим,
Қачон кўзларингиз кўнглимни топар?
Дунё покланармн бошига ёпса,
Юрагингиз эҳром, Гуландом опа.

Ҳув зангор йўллардан Сизга борилгай.
Бу адаш изларим сизга етарми?
Зебо Мирзо, айтинг, анов турналар
Бизни баҳорларга олиб кетарми?

Биламан. Майсалар йиглайди кетсам!
Овозим шу алвон уфққа етади.
О, фақат онамдек гамимдан куйиб,
Китоб жавонларим ёниб кетади!!!

Уфқлар лабида исмимни топдим!
Ёмгирдай мангуман! Ўзим биламан!
Мени ёндиринглз шеърларим билан
Мен олов ичинда овоз бераман!
Кун келар. Энг буюк китоб бўламан.

1999 йил

ОҒРИҚ

Гулларнинг атрига ишондим бекор,
Эй бўгэим, ким учун айтяпмиэ ўлан?
Онамни бахтимдан умидвор қилмай,
Кетсам бўлар экан турналар билан.

О, нега ҳайдайсиз, мунаввар гамим,
Қаранг кўзларимда ишқ берган сирлар.
Заррамни топмайсиз бир ажиб тонгда,
Ерга ювиб кетар мени ёмгирлар.

Майсалар тилида куйлагим келди,
Фожеам не эрур, ўзим биламан.

Атиргул лабида жон бериб бир кун,
Булбулнинг бўғзида қайтиб келаман.

Не тонг! Маним жоним озорга маҳкум,
Не тонг, гулларимни сочиб кетдингиз.
Қўлингизни ювиб қалбим қонида,
Мени юрагимда қатл этдингиз!

... Кетсам бўлар экан турналар билан.

1999 йил

ШОИРГА

Ялпизга суяниб ўлиб қоламан
Муҳаммад Юсуф

Дўстлар шароб бериб ўлдирар, ога,
Қону гулоб бериб ўлдирар ога.
Сиз меҳр тилаган гуллар осмонда,
Қизлар сароб бўлиб ўлдирар ога.

То бошдин оёгим кўнгил бўламан,
Ўлмасам, бир элга тенглиг бўламан,
Ялпизлар хушчеҳра, хушнуд синглингиз,
Мен сизга энг мунлиг сингил бўламан!

Ғаюрлар талашур маконлар учун,
Мансаб, минбарлар, унвонлар учун.

Сизни ўлдиради, менга ўқраяр,
Уларга келмаган давронлар учун!

Қўл силкинг! Ҳақ тутган ул гамни ичинг!
Наэм косасинда Ҳайёмни ичинг!
Дўстлар тутиб турган қадаҳни ташланг,
Қизгалдоқлар тутган шабнамни ичинг.

Не гамким, ялпизлар эмас...
Санамлар эргашар ҳур изингиздан.
Улар дур изламас бу пок денгиздан.
Қонингизни майдек ичмоқлик учун,
Кўза ясайдилар юрагингиздан.

Шоирлар осмондай ўлади, ога.

1999 йил

САИДА ЗУННУНОВА

Бегойим!
Кетсамми дейман сиз билан!
Сиз «Тупроқ бўл » дейсиз...
Мен эса осмон!
Тупроқлик шарафми девоналарга,
Нуройим!
Оппоқ руҳингизни согинадурман,

Сиз «Зина бўл» дейсиз,
Менинг эса ҳеч
Зина бўлгим келмас
Бу такаббур дугоналарга!
Хонойим!
Мени ҳам олиб кетингиз,
Мана бу ҳисларин ёг босган одам
Сени йўқотаман қишлоққа дейди...
Мана бу дугонам оқ тишин кўрсатиб:
«Сиз Навоий кутманг ҳаммадан» дейди...
Жон ойим!
Улар билармиди мени Сизчалик!
Қаранг ахир!
Бириси тишини кўрсатиб кулар,
Бири мансабини, бири пулини,
Бири кўйлагини кўрсатар менга.
Мен эса...
Сизнинг шоир қалбингизни согинадурман!
ва сўнг жилмайиб...
Алвон юрагимни тутаман кунга!
Қон-қон юрагимни тутаман кунга,
Жо-о-он ойим!
Кетсамми дейман
Сиз билан!!!

1999 йил

* * *

Ахир нега англамаяпсиз,
Дунёлар кетсалар қайтади бир кун,
Дарёлар кетса ҳам қайтади бир кун,
Аммо маним кўнглим қайтмайди.
Кўзларимни юмсам кета олмайсиз,
Кўзларимни очиб демасман: «Қайтинг».
Гурбатлар безаган дунёларинда
Мени ҳам согиниш мумкинми, айтинг?!
Кўзим қаро эди айриликдан ҳам,
Манглайдай қародир менинг хорлигим.
Худойимнинг кенг бу оламларида
Сизга малолмасми менинг борлигим,
.... Ва яна ҳеч қачон қайтмаслигим ҳам.

1999 йил

* * *

Тугадими яланг болалик?
Нуқта қўйдингизми бегуборликка,
Энди бошқачароқ яшаш керакми?

Сени севаман, деб алдайсиз мени.
Қанча севганингиз бор бу ер юзида,
Қанча севганим бор менинг ҳам.

Бугун умрим тақвимидан
Йигирманчи йилни узиб ташлайман
Ва сиздан узаман кўнглимни...

Энди севсак, ёлгонга ўхшайди бу ростлик.
Энди бундан кейин севиш керак осмонни,
Фақат осмонни...

1998 йил

ЖАВОБ

Ким бўлардим шоирдан бўлак,
Гарчи орзу қилдим шонларни.
Кўз ёшларни кўз ёшим билан,
Қоним билан ювдим қонларни.

Ким бўлардим шоирдан бўлак,
Гарчи менга шукуҳли тахтлар.
Дунёда энг гариб султонман,
Мендан мангу адашган бахтлар.

Ким бўлардим шоирдан бўлак,
Гарчи қасддан қиличлар тутдим.
Бир кун фириб бермогин юрак,
Мен унутдим, ёмон унутдим.

Мана энди бўгзимда жоним,
Мана энди қўлимда юрак.
Тангрим айтар: «Бандам ким бўлдинг?»
Жавоб бердим, маъюс жилмайиб:

«Ҳеч ким бўлмам... шоирдан бўлак».

1999 йил

* * *

Ҳаргиз исмимни айтмайсиз, сўзингизга сигарманми?
Дилингизга сигмадиму, кўзингизга сигарманми?
Бу дийдорсиз дунёсида дийдорталаб девонаман,
Манам битта сариқ хазон, кузингизга сигарманми?

Чорланмаган дунёнгизга қандоқ бўлсам бориб бўлгай,
Руҳимнинг оққушларидай оппоқ бўлсам бориб бўлгай.
Қарочиқлар диёрида мусофирдек маъюс ўлдим,
Кўзингизнинг қаросига тупроқ бўлсам бориб бўлгай.

Дил берганлар хор бўлади тил билганлар диёрида,
Гул берганлар кул олади йўл билганлар диёрида.
Маъюс ўлдим, мустар ўлдим, анда жоним, бунда жоним,
Севилмаган кун кўрарми севилганлар диёрида...

Кетаримда бир келингиз... дил дилга ҳамдамлик қилар,
Худо бор-ку... иккимизни оловдайин жамлик қилар.
Кўзларимни юмаяпман... тезроқ келинг... тезроқ келинг
Дийдорингиз бир кўрмоққа балки умрим камлик қилар.

Манам битта сариқ хазон, кўнглингизга сигарманми?

1998 йил

* * *

Дарахтлардай яшагим келди,
Яшилланиб сап-сариқ гамдай.
Бу бўризор, қашқирзорларда
Одам яшолмайди одамдай.

Майсалар ҳам ҳуррокдир мендан,
Озод яшар зангор йўллардай.
Бу чангалзор, ханжарзорларда
Яшолмадим атиргуллардай.

Собитмидим яралмишимда,
Яралдимми ё фалакалардай.
Гоҳи сувдай яшагим келар,
Гоҳи эса капалаклардай.

Ҳеч ўзимдай яшай олмадим,
Кўчаверди жоним қумлардай.
Тангрим! Энди нимадай яшай,
Тангрим энди яшай кимлардай?

Ўзим савол, ўзим жавобман?!
Баланд қурдим ўзни дорлардай.
Ҳамма гамни кўксимга кўмиб,
Жим яшаяпман... Қабрзорлардай...

1998 йил

МАШРАБОНА

Телба-телба изладим, гирён-гирён изладим,
Ўзим танда турдиму, руҳим ҳар ён изладим,
Бирор бандаси билмас, айтсин, қачон изладим,
Икки дунёларимни битта қилгувчи борми?

Бор борлигим ишқ маним, яна сароблигим ишқ,
Ҳар зарра тупрогиму томчи ҳар облигим ишқ,
Ободлигим ишқ маним, хору хароблигим ишқ,
Маним гулдай багримни гулда тилгувчи борми?

Кўзларим қамашдилар ишқи зиёларинда,
Дардимча сир яширин майса-гиёларинда,
Минг сирни билиб турган ўшал дунёларинда
Маним битта кўнглимни битта билгувчи борми?

Бу руҳи равоним-ла равоққа сигмагайман,
Манга қиё боқмангиз, қароққа сигмагайман,
Фироққа ташламангиз, фироққа сигмагайман,
Висолимга етгувчи, ман деб ўлгувчи борми?

Баҳорга боролмасман, кузимга келолмасман,
Тўзгиб ҳам кетолмасман, тўзимга келолмасман,
Ҳуш-беҳуш айламуш ишқ, ўзимга келолмасман
Ёрни, ишқни, ўзимни битта қилгувчи борми?

Кўнглим билгувчи борми, мен деб ўлгувчи борми?
Икки дунёларимни битта қилгувчи борми?...

1998 йил

АБАДИЯТ ЙЎЛИ

Самарқандга қайтмасам бўлмас,
Бу йўлларнинг бари ўткинчи...
Эй сен, қачон келасан, мени
Абадимга олиб кетгувчим!

Қишлогимда юраги қонаб,
Саргайиблар кутгувчи гул бор.
Менинг учун, биламан, фақат
САМАРҚАНДДА АБАДИЙ ЙЎЛ БОР!

Дўстларимдай панд берар кунлар,
Кунларимдай тахир бу гамлар.
Барчангизга мен гам бўламан,
Эй гамимдан узоқ одамлар!

Бибим, мени чорланг, бораман!
Кўзларимни куй билан юминг.
Мен юрагим устида ўлсам,
Сиз юрагим ичига кўминг.

Ахир қачон юксаламан мен?!
Мева бергум қачон бог бўлиб.

Ё кўксингда қабр бўламан,
Ё қоламан улкан тог бўлиб.

Самарқандга қайтмасам бўлмас!
Юрагимда қадимий титроқ.
Мени чорлаяпти Бибихон,
Ахир мени кутяпти тупроқ.

Самарқандда ўлмасам бўлмас!

1998 йил

САМАРҚАНД

Қандоқ сени ташлаб кетдим-а,
Эй, отамга ўхшаган тупроқ.
Тушларимга кириб ҳар туни,
Шоҳизинда беради сабоқ.

Бу юрт сизга тирногим бермас,
Эй ёгийлар, эй дунпарастлар.
Бир кафтгина тупроқ қизганган
Оёгимга ўралган хаслар.

Қизим қақшаб тупрогим демас,
Ўглим увлаб бормайди балким.
Лек ҳар кеча қон-қонлар қақшаб,
Самарқандга кетар юрагим.

Гулга ўраб таним ёқса ҳам,
Тупрогимни топгайдир кулим.
Фақат олиб кетолгай мени
Самарқанддек муаззам ўлим!

Таним қолмас хор кўчаларда,
Бир кун келиб қучса огир дард —
Шеърга ўраб, елкаларида
Олиб кетар мени Самарқанд.

1998 йил

ХАЗОНЧЕҲРА

Кўнглингизни тополмадим мен,
Кўнглингизни топади қизлар.
Йўлбарслардек ёмон яшайсиз...
Пойингизда янчилар гуллар.

Исмларин айтасиз такрор,
Нилуфаргул...Дилбар... Барногул...
Пойингизда тўкилаверар,
Ҳар исмдан қон бўлган кўнгил.

Юрагингиз гулдон бўлади,
Алвон-алвон гулларга тўлиб.
Саргаяман... илдизларимдан,
Мен гулларнинг жамоли бўлиб.

...Ва шундай жим яшашим керак!
Севилмоқнинг келгунча гали.
Сиз бемалол сархуш яшайсиз,
Бу дунёда гуллар кўп ҳали.

Фақат билинг, иноятиман
Оламларни берган оламнинг!
Хазончеҳра бекаси бўлдим,
Гуллар ҳидлаб ўлган одамнинг!

Қизил гуллар маст қилган гарчи,
Улар севмас юрагингизни.
Мен оқ гулман, энг сўнгги дамда
Битта оқ гул кўмади сизни.

1998 йил

ПОКЛАНИШ

Ҳурлигу хўрлик надир?
Эрксиз ҳар онингни юв!
Эрк аталмиш чашмада
Чашми гирёнингни юв!
Бошдин-оёқ тоза бўл!
Гадою хонингни юв.
Ўн саккиз минг оламинг,
Қибланг, тўрт ёнингни юв!

Азал-абад ободмас,
Шабнамда тонгингни юв!
Кўзларингни очмай уйгон!
Оппоқ иймонингни юв!
Сувларни юв сув билан!
Жисмимни жонимда юв!
Шунда ҳам уйгонмасам,
Руҳимни қонимда юв!
Руҳимни қонимда юв!
Руҳимни қонимда юв!

1998 йил

ИШҚ

Умри давонимда нега адашдинг,
Кўнгил айвонимда нега адашдинг.
Жонимдек бевафо чиқдинг-а охир,
Бўгзу тавонимда нега адашдинг?

Парвонаман, нетай жоним шамдадур,
Сендан айрилмогим ҳар бир дамдадур.
Тангрим! На балолиг қисматга қўйдинг,
Ўзи дилдордаю ишқи мандадур.

У бир гул, қўлимни теккизсам бўлмас,
Йўлига йўлимни теккизсам бўлмас.

Гарчи Гулжамолман, гулзодадирман,
Гулига гулимни теккизсам бўлмас.

Шундайин ишқ бердинг, йўлим қолдирмас,
Битталаб саргайтир, гулим қолдирмас.
Шундайин ишқ бердинг, шундай ёндирар,
Ҳаттоки бир сиқим кулим қолдирмас.

... Ўзи дилдордаю ишқи мандадур.

1998 йил

ХАЛҚ АЙТГАН: «МУСОФИРЛИКДА МУСУЛМОН БЎЛАСАН».

...Опаларим кўп эди менинг,
Содиқ дўстларим ҳам кўп эди.
Мусофирдай эзгин қаровдим,
Ҳаммасидан айрилдим бирдан.
Отамнинг сўзини эсладим...
Бироқ...
Мусулмон бўлмадим мусофирликда.
Кўчаларни кезинавердим,
Кўзларимдан тошаверди гам,
Бир тунгина тунайин десам,
Бошин чайқар бошпаналар ҳам.
Отамнинг сўзини эсладим...

Бироқ...
Мусулмон бўлмадим мусофирликда.

Ҳеч киминг йўқ экан одамзод!
Ҳеч кимим йўқ экан одамзод!
Юрагимда катта бир фироқ...
Лекин мен биламан, бир куни...
Бошпанам бўлади дарахтлар...
Ва маконим бўлади тупроқ...

Ўшанда ...
Мусулмон бўламан ... ота...!!!

1998 йил

ОЗОДЛИК

Бир бурда ҳуррият ҳам чириб битмасин ногоҳ,
Эрк соҳибларин эмас, эрк қулларин тилида.
Мегил Эрнандес

Ичар жомим бугун қалқиб турибди...
Асабларим салқиб-салқиб турибди...
Гам тогини шундоқ йиқитай десам,
Орқасида гулдай халқим турибди.

Гулни тоглар эзса халққа на дейман,
Гам мунчогин тизса халққа на дейман.

Туркнинг қони томирларимдан эмас,
Кўзларимдан сизса Ҳаққа на дейман.

Ким куяди кетсам қайтмаганимга,
Ким ишонар кўнгил сайдлаганимга.
Бугун фақат ишонавер, жон халқим,
Айтганимдан кўра айтмаганимга.

Озодликни тузум олиб келармиш,
Ким айтади, эулм олиб келармиш.
Отам айтар: агар Аллоҳ истаса,
Маним битта сўзим олиб келармиш.

... Шу бир сўзга келтиргали қўймангиз,
Ва шу сўзни бой берганни қўймангиз.
Айтилган сўз — кишанланган эрк бўлур,
Шу бир сўзни айттиргани қўймангиз.

... Ўларимда кетсин, майли, бўгзимда,
Озодман деб айттиргали қўймангиз.
Озодман деб айттиргали қўймангиз.

1998 йил

ИЛИНЖ

Тупроқлар тингланур дамлар келадур,
Келади кўзларни кечирмоқ фасли.
Совуқ ибтидонинг интиҳосида,
Тугаб бораверар дарахтлар насли.

Қўшилиб йиглайди ёмгиру тупроқ,
Лойлар пайдо қилар менинг исмимни.
Тупроқлар багрига олмаса агар,
Дарахтлар қучоқлаб йиглар, жисмимни.

Минг йилки, зулматлар ичра абасман,
Рўшнолик тўлдирар бир кун абримни.
Менинг юрагимни тингламаганлар,
Бир кун тинглайдилар менинг қабримни:

Дўстлар...
Сизни...
Яхши кўрардим...

1998 йил

РУҲИМ

Бугун бу гариблик жонимга тегди,
Гашимни келтирди ямоқ-жандалар.
Сиз юртга камолот тилаюрмисиз,
Жаҳолат тубинда ётган бандалар?!

Осмонга тикилдим. Учмоқ истадим.
Кўзларимга тўлди хашак-хасчалар.
Башарни бир силкиб шеър айтгим келса,
Бўгзимдан бўгади шоирваччалар.

Ўзимдан-да баланд яшагим келди,
Оёгим ўралди чигалларимга.
Ҳар тонг юзларимни ювишдан олдин
Ханжар санчгим келар жигарларимга.

Лекин мен биламан:
Ҳали бир ҳур кунларим келар,
Ҳали бир фарзона кунларим келар.
Гафлатлар чекинар ҳурликларимдан.
Кишанларни ечиб ташлар шукуҳим,
Дунёнинг энг зулмат осмонларида.
Бир куни қуёшдек порлайди руҳим!

Бир куни қуёшдек порлайди руҳим!

1998 йил

ЧИН ҲАЗИЛ

Мени катта гамларда ярат,
Фаррош этма майда гамларга.
Кўзларимнинг ёши бир санъат,
Санъат бердим мен одамларга.

Бу одамнинг, билдим, кенглиги
Менинг торлигимдан торроқдир.
Тангрим! Пастлар қўлида ўлмай,
Мени баланд айласин тақдир.

Мен ўзимга кетётган йўлман!
Мен ўзимга туташган гулзор.
Бу дунёнинг дорлари ҳам паст,
Осилсанг ҳам ўлмоқлик душвор!

Шу пастлар ҳам баланд кўринсин!
Ўнг айлансин бир бор чарх иши.
Мен ўзимга ўзим дор тикиб,
Оёгимдан осай яхшиси...

1998 йил

* * *

Нодўст чиқди бизга бу дунё,
Ё̈ кеч келдик, ё эрта келдик.
Кузги гулшан гуллари каби
Кеч гулладик, эрта экилдик.

Сариқ гулдек ишқдан бебаҳра,
Ё̈ндим рўзи шабларим билан.
Қучогингиз гулга тўлсин деб,
Мен гул уздим... лабларим билан.
Сиз куласиз лабларингиздан,
Гул тўкилар, боллар томади.
Менинг эса кўзларимдан ёш,
Лабларимдан...
қонлар
томади.

1998 йил

ЮРАК ЙЎЛИ

Санобарга

Биз юрак йўлиндан кетаётирмиз,
Бир фалак йўлиндан кетаётирмиз.
Агар соғинсалар дўсти ғумроҳлар,
Чашми ғирёнимдан излаб топсинлар.

Жами оламларга битта афсуним,
Жонимдан жон сўрар маним жунуним.
Соҳир жунунимда яшаётганлар,
Гулим хазонимдан излаб топсинлар.

Битта фироғинда манам девона,
Чашму қароғинда манам девона.
Исмим уйғотадур бир тонг барчани,
Муждам азонимдан излаб топсинлар.

Ман жаҳон истовдим! Жаҳон бермаслар,
Азал Маконсизлар макон бермаслар.
Худоё зулматда исташса васлим,
Ёруғ жаҳонимдан излаб топсинлар.

Мани фигонимдан излаб топсинлар!

1998 йил

* * *

Отам!
Шаробни пиёлага қуйиб,
Узоқ вақт тикилиб турар
Шаробга...
Отам!
Хаёл сурар Умар Хайёмни.
Мен эса ўйлайман фақат
Отамни...

ШАФҚАТЛИ «ШОИР»

Бу шоир ҳаммага шафқат қилади,
Ўзи ҳам шафқатдан шоир бўлганди.
Шафқат қилиб яшар унга ҳам ҳамма.
Шеърнинг кўчасидан ўтганни қўймай.
Бошини силайди, силайверади,
Гўё у олижаноб...
Ҳаммага «оқ йўл»лар тилайверади,
Устоз бўб бошини силайверади.
Билмайдики, унинг шафқати — ҳалокат.
Бир кун унинг ёқасидан тутар
Сочлари тўкилиб кетган шеърият!
... Гариб шеърият!

1998 йил

УЗИЛМАГАН ЯПРОҚЛАР

Чирт-чирт
Узиляпти япроқлар...
Менам бирдан
Узилиб кетдим...
Билмай қолдим
Қайси дарахтдан
Ва қаёқдан,
Эсган шамол бу...

* * *

Дарахтларни забт айлади куз.
Узилиб кетдилар
Жами япроқлар.
Битта менинг юрагим қолди,
Узилмаган ягона япроқ...
Узмайсанми, куз?

* * *

Фикрларим туб-тубларида
Хаёлларим тирқишида, жим
Кўнглимнинг ичида
Яшагим келяпти
Яшагим келяпти
Севгилим...

Сизнинг севгингиз
Ва сиз яшаган жами жойларда.

1998 йил

* * *

Дил-о, кетдик, энди дилга кетармиз,
Тўкилдим энг шаффоф титроқларимда.
Тогнинг этагида унган лоладек
Севги униб чиқар тупроқларимдан.

Мен энди кетмасам бўлмайди, дунё,
Хиёнат ичида йиглар йўлларим.
Ўзимнинг ёқамни тутиб кетмоқда
Бир нозик севгини бўгган қўлларим.

Мен энди кетмасам бўлмайди, дунё,
Йўқ, энди қайтмасман маҳрум хаёлга.
Ҳар тун қалбингизни ваъда этасиз,
Мендан бахтлирогу бахтсиз аёлга.

Нега кета туриб севги сўрадим,
Қаранг ишқимиздай алвон кўйлагим.
Қачон кўксингизга бориб санчилар
Ханжарга айланиб қолган юрагим?...

1998 йил

БЕШДАРҒАТДА

Бунда ҳамма нарса ўзгача,
Бунда дунё бегубор, оппоқ.
Гуллар тўшаб қадамларимга,
Мени келин қилади қишлоқ.

Келишимни билиб тонгданоқ,
Чугурлашиб ўйнайди қушлар.
Мўъжизадек тунда онамга
Мени ҳадя этади тушлар.

Салом берсам, дунё бергандек,
Дуо қилиб қолишар чоллар.
Кўкка мангу илтижо қилиб,
Келишимни ўтиларо толлар.

Осмонлар ҳам онамга ўхшар,
Онамдайин кутади йўллар.
Келишимни ўтиниб ҳар тонг,
Багри қонар қизғалдоқгуллар.

Тангрим! Шулар ўтинчи ҳаққи,
Шеърлар ёздир, юрагимни тил.
Мен одамман. Лекин барибир
Яна бир бор, минг бор одам қил!

1996 йил

ЭРК

Мендек мўъжизангни қабул эт, дунё!
Гуландом Тоғаева

Дарахтларда гуллайди Худо,
Майсаларда кўкаради у.
Ёгилади қуёш нуридан,
Ёмғирларда тўкилади у.

Туну кунлар тик турар дарахт,
Кўк Худо деб кўзин ёшлайди.
Бутун борлиқ Тангрига сассиз,
Ҳамду сано айта бошлайди.

Мўъжизаман десам хўрлама,
Азобим — ишқ, азоб — хўрагим.
Бир кун келар тўлгоқларимдан
Мўъжизалар тугар юрагим.

Ки мен ишқман, Худонинг ишқи,
Ҳар бир ҳарфи менинг исмимда.
Таҳқирлама, ахир Худонинг
Нури яшар менинг жисмимда.

Шундан руҳим хурланган, учар,
Дил ишқига банди, дарбадар.
Гарчи бу эрк Оллоҳ бўлолмас,
Лек эркинлик — Оллоҳим қадар.

1998 йил

АЙРИЛИҚДАН СЎНГ

Дил банди, ишқпараст хуморим,
Ичавер бўлгунча девона.
Мен соқий, дунёни унутгил,
Кўзларим — энг тоза майхона.

Қошингда ўлтириб хуморман,
Аршгами учамиз пастликдан.
Уйгонмай яшаймиз бир умр
Бу узун, бу мангу мастликдан.

1998 йил

ОТАМГА МАКТУБ

Мен булутни оқ деб юрибман,
Юрагингиз бунча оқ, ота?
Тошкентида ўйнаб юрибман,
Дунё менга ўйинғоҳ, ота.
«Кайфиятинг қандай», дейсизми?
Доимгидек кўнглим чоқ, ота.
Кўзмунчоқлар бермасин онам,
Худо менга кўзмунчоқ, ота.
Дуоларинг асрайди мени,
Кўнглим — мангу яшил бог, ота.
Ёлгонларга ўргатмагансиз,
Ҳақни излаб дилим дог, ота.

...Ростин айтиб қўйдим барибир,
Юрагимда минг ямоқ, ота.
Қайтгим келар қишлоққа буткул,
Бунча огир яшамоқ, ота?
Артолсайдим этигингизни,
Ер қаттигу кўк йироқ, ота.
Ўпиб яшар оёгингизни,
Тупроқ мендан бахтлироқ, ота.
Қайтгим келар қишлоққа гоҳи...

1995 йил

ШЕЪРИМГА

Абдували Қутбиддинга ўхшатма

Ҳали минг сарбонлар келадур,
Тусланиб замонлар келадур,
Яхшию ёмонлар келадур,
Шеърим, сен барибир яшайсан.

Ёзилар минг битта тарихлар,
Кўксимдан қазилар ариқлар.
Битади юракда ёриқлар,
Шеърим, сен барибир яшайсан.

Минбарлар йиқилар сурилиб,
Янтоқзор йўл бўлар юрилиб,

Гоҳ осмон гоҳ ерга урилиб,
Шеърим, сен барибир яшайсан.

Кўксимга санчилар киприклар,
Юракдан тўкилар ўкриклар,
Сочимдан ясалар кўприклар,
Шеърим, сен барибир яшайсан.

Хазонлар саргаяр сабримдай,
Илдизим шовуллар жабримдай.
То абад чўкмасдан қабримдай,
Шеърим, сен барибир яшайсан.

Ҳали кўп савдолар бошингда,
Мен руҳлар истадим лошингдан,
Йиглайди онам ҳам қошингда,
Шеърим, сен барибир яшайсан.

Жигарни маконлар қилгайсан,
Қуллардан султонлар қилгайсан,
Руҳимсан, исёнлар қилгайсан,
Шеърим, сен барибир яшайсан.

Кимлардир ўтадур ўтпараст,
Кимлардир шоҳпараст, бутпараст.
Мен фақат шеърпараст, шеърпараст,
Шеърим, сен барибир яшайсан.

Топтарлар, дорлиқлар берарлар,
Ёмон деб «ёрлиқ»лар берарлар.
Борлиқлар, хорлиқлар берарлар,
Шеърим, сен барибир яшайсан.

Вафою хиёнат ўтадур,
Оқибат-диёнат ўтдадур,
Ҳаттоки қиёмат ўтадур,
Шеърим, сен барибир яшайсан.

1993 йил

АБАДИЯТ ТОҒЛАРИ
(Достон)

Шавкат Раҳмоннинг мунаввар руҳларига багишладим

ШОИРНИНГ СЎНГГИ СЎЗИ

Бу катта ўлиммас Ҳақнинг олдида,
Саргайиб кетдимми, айтинг, сомондай.
Мен ўжар шоирга ўжар ўлим бор,
Мана, ўлаяпман Шавкат Раҳмондай.

Бу катта ўлиммас халқнинг олдида,
Яшамоқ ўлимдир ёвга эгилиб.
Ва яна ўлимдир жонингни сўраш,
Оёқлар остига тўкилиб.

Ўзимдан-да ўзга узлатим Халқми?...
Балки тогларимда қолар кўзларим.
Бўгзимга тиқилмай жоним чиқару,
Бўгзимга тиқилиб чиқар сўзларим.

Яшил шеърларимни ўқийман магрур,
Бошини чангаллаб йиглар карахтлар.
Ёвга тик қарайман эрк фарзандидай,
Йўлларимга чиқар яшил дарахтлар.

Алвидо айтаман: сўнг бор алвидо,
Руҳимга бегона маъволар, хайр.
Мана кўксингизга тўлгали кетдим,
Кўксимга тўлмаган ҳаволар хайр?

Бўгзимни куйдириб оқади бир оҳ!
Осмонлар оқариб борар армондай
Қаранг ахир:
Шавкат Раҳмон кетиб борар бир халқдай,
Бир халқ кетиб борар Шавкат Раҳмондай.

* * *

Тогларимни чақирдим,
Догларимни чақирдим,
Қизларимни чақирдим —
Богларимни чақирдим.

Кўзларимга тик қараб,
Ўлимлар келаверди.
Огриқ лашкарин тортиб,
Зулмлар келаверди.
Гарчи ўлим ёв эмас,
Ўлим гарчи ёв эмас.
Лек Худонинг ёвидан
Юзимни бурсам бўлмас.
Дўст дўстдан юз ўгирган
Бу терс замонасинда
Ўлимга тик боқмаган
Асло мусулмон элмас.
Ўшларимни чақиринг,
Хушларимни чақиринг.
Турким, Туркистонимнинг
Шоирларин чақиринг.
Усмон Азим келдими,
Келдими азал-абад.
Фарогат Камол қани?
Қани Ҳалима Аҳмад?
Хуршид Давронни чорланг,
Етим қолди оҳларим.
Энг баланд шоирларим —
Менинг маҳзун тогларим.
Гулом Мирзо, йўқлагил,
Юрагим кетди ўксиб,
Унутмадингми мени,

Келгил, Муҳаммад Юсуф.
Биттангиз келсангиз бас,
Кўзларим кулса бўлди.
Бу Ўзбекистониммас.
Шоиристоним дейин,
Келдими жами шоир,
Келмаса кўнглим тўлмас,
Кўзларим куйса бўлмас,
Кўзларимга қараманг,
Кўзларимга қараманг,
Шоирга тик қараган
Асло мусулмон эмас,
Асло мусулмон эмас!

* * *

Шоирни ўлдиради
Ўзининг ёмонлари.
Тутунга тўлиб кетди
Шоирнинг осмонлари.
Чекаверди бостириб,
Торлик қилди йўлаклар.
Йўлини тўсиб чиқди
Кузда қаро чечаклар.
Шоирнинг юрагини
Кулфатлари тиндирди.
Уни ганимларими,
Улфатлари ўлдирди.

Мен тоглардан сўрайман,
Дилдоглардан сўрайман.
Шоир кўксин доглаган
Бедоглардан сўрайман.
Шоир огам қани-эй,
Қани унинг юраги?
Миллатга ялов бўлгай
Унинг алвон куйлаги
Қўлларим мушт тугади,
Гумбурлайман осмондай.
Бу тоглар вазмин турар
Худи Шавкат Раҳмондай.
Шунда менга ҳайқириб,
Китоблар айтиб берар,
Шоир огам сўзини,
Осмонлар қайтиб берар.
Мен гул экдим осмонга,
Гуллаб берди беадог.
Чўкиб кетди бу оқшом,
Ўшнинг йўлинда бир тог.

* * *

Ҳали менинг халққа айтарим кўпдир,
Кўксимга тўлмангиз яна армондай.
Ҳуррият хўрланган бу кир макондан,
Бир кун кетадурман Шавкат Раҳмондай!

Ҳурлигим қоладур дунёингизда,
Зўрлигим қолмагай, кўрлигим қолгай.
Нари борса назм жавҳарзорида,
Энг тиниқ, энг шаффоф дурлигим қолгай.

Йиглаб эсламоққа фурсат топасиз,
Фурсат ҳам топасиз йиглаб севмоққа.
Менинг кетмогимга йўллар излайсиз,
Мен йўл изламасман қайтиб келмоққа.

Эй назми гумроҳлар, эй руҳи хорлар,
Биласиз, ер искар курагингизни.
Қаламни қиличга айлантиринг-да,
Тилиб-тилиб ташланг юрагингизни.

Булбулларни бўгиб ташламоқ нечун,
Рўшнолиги йўқдир бу бад ниятнинг.
Сизга эшикларин қандоқ очарман,
Даричасин топсам абадиятнинг.

Бу шундай майдондир, ҳурлар қолажак,
Оёқлар остида ётманг замондай.
Минг битта ханжарни юракка қадаб,
Магрур кетмоқ керак Шавкат Раҳмондай!

* * *

Жоҳиллар жонингни олармиз деди,
Ёндирмоқ бўлдилар мени гулханда.
Менинг тириклигим нима деган гап,
Шавкат Раҳмон деган инсон ўлганда.

Жоҳиллар қаламинг олармиз деди,
Айтдим: Мен шоирман, юрагим жанда.
Менинг шоирлигим нимадир ўзи,
Шавкат Раҳмон деган шоир ўлганда.

Сўнг айтдим! Мангулик ўлмагай зинҳор,
Чўкса ҳам ҳеч қачон хок бўлмас тоглар.
Шоирнинг юрагин еб кун кўради
Бу майдон ичинда адашган зоглар.

Зангор осмонларда руҳингиз кўрдим,
Руҳингиз қайтарди эл деган эрлар.
Қиёмат кунида, Тангрим олдида
Тогларга айланиб қолар шоирлар!

1998-1999 йил

МАНГУЛИК ДАРАХТИ

Сен шоирсан! Барча кулфат сеникидур.
Витезслав Незвал

Халима Худойбердиевага бағишлайман

«Мени асрагувчи дил топиларми?»

Кўзимдан кўнглимга ўтиб борасиз,
Кўнгил берган сари... кетиб борасиз.
Биз дил сафарига бирга чиққандик,
Энди қандоқ менсиз етиб борасиз?

* * *

«Паноҳ керак қошу кўздек бир паноҳ»

Ўзни севдирмоққа урингим келмас,
Оёқлар остида суринғим келмас.
Ишқингизда фақат руҳим қолмишдур,
Кўргим келади-ю, кўрингим келмас.

* * *

«Маҳшар куни бир-бирини топар ошиқлар»

Азобингиз озурда дил яросидур,
Васл умри қошу киприк оросидур.
Кўзингизга қаро тупроқ тўлса, билинг,
Ўша менинг кўзларимнинг қаросидур.

* * *

«Ерда мендек гуррос солиб йиглар дарё йўқ»

Аллоҳ берса, ўларда ҳам бу ишқнинг ҳеч малоли йўқ,
Ким айтади, ибтидонинг интиҳодек заволи йўқ.
Дунёсинда тўлиб-тошиб асов сувлар оқиб ётир,
Бу дарёлар орасинда кўз ёшимдек ҳалоли йўқ.

* * *

«Ҳаққос. Рост. Мен дарахтман чоги»

Жим турса ҳам, тиги тилмай, ганжи тилган халқ,
Ярогинмас, байрогини санчи билган халқ.
Дарахтимсан! Қуриб қолма, ҳеч ҳам ўксима,
Илдизидан баргигача ранжитилган халқ.

* * *

«Асрамоқни ҳамон билмайсан»

Кузнинг келарини боққа айтмасман,
Ўзи англагайдур, Ҳаққа айтмасман.
Халқ гарчи қудратдир, бироқ қодирмас,
Ҳаққа айтаримни, Халққа айтмасман.

* * *

«Ёрдин олдин жон чиқарин ёрга айтингиз»

Ишқни кўзингизда сифот этдингиз,
Мени ўзингизда исбот этдингиз.
Англолмай карахтман, қайга бош урай,
Обод этдингизми, барбод этдингиз?

* * *

«Бизни ёри азиз унутгандайлар»

Бир васлсиз ишққа ҳамон қурбонман,
Азал қурбон эдим, мудом қурбонман.
Икки дунёсида дийдор бермагай,
Тоабад қурбонман, тамом қурбонман.

1998 йил

ИБОДАТ

Бу ишқ даштидур. Саргузашти
жон офатларидандир.
Алишер Навоий

1

На осийман, итоатдин адашдим ман,
На гумроҳман, бор тоатдин адашдим ман.
Нега кўрдим, нега кирдинг юрагимга,
Сани кўриб... ибодатдин адашдим ман.

2

Минг бор Лайли бўлай, Мажнун бўлмассан,
Бошдин оёқ куяй, мамнун бўлмассан.
Гулжамол ўлади! Сен гар айрилсанг,
Ҳаргиз Гулжамолдек маҳзун бўлмассан.

3

Мандин кетма! Кетсанг ҳолим хароб этгум,
Сенинг-чун ҳам Тангримга ман жавоб этгум,
Сани тупроқ этиб сочсин ер юзига,
Ҳар заррангни топиб ўзим тавоф этгум.

4

Мандин кет! Хазондай абгорлигим бор,
Ташлаб кет! Гар сенга озорлигим бор.
Куймасман! Сен менинг бир хорлигимсан,
Чидайман! Олдимда минг хорлигим бор.

5

Ҳар жўяму ножўям ўзимдадур,
Кофириму ҳожиям ўзимдадур.
Мен борурман, қисматимга тик боқиб
Ҳар уқубат, фожиам ўзимдадур.

6

Ёр эдим бошдин-оёқ, ёрлигим англатдилар,
Хорсан деб ҳар кеча хорлигим англатдилар,
То абад йўқлик аро бор этар Тангрим мани,
Минг шукр! «Йўқсан» дебон борлигим англатдилар.

7

Менга бу йўл имтиҳон бошдин-оёқ,
Воажабким, интиқом бошдин-оёқ.
Бир яшай деб бош кўтардим, ё Рабо,
Интиҳо бу, интиҳом бошдин-оёқ.

8

Эй сен! Нафратингдан нафратим бунёд,
Ҳаргиз шафқатингдан шафқатим бунёд,
Каъбаи кўнглимга тоат айлагил,
Билки, тоатингдан тоатим бунёд.

9

Савдоларим, адоларим сеҳрингдандур,
Хатоларим, атоларим меҳрингдандур,
Исмимга минг имзо чекмиш бандаларинг,
Булар бари Сенинг битта муҳрингдандур!

10

Кўзингни оч! Сендан кўзин юмарлар бор,
Кўксингга боқ! Тангри берган туморлар бор.
Ишон! Қанча чоҳ қазсалар йўлларингда,
Ўшал йўлда шу чоҳларни кўмарлар бор.

11

Эй сен! Кўзларингму жонни бож этди,
Кўзинг деб жон надур, дилхирож этди.

Ўздин йўқолгани ўзимга аён,
Йўқотмишларимдан Тангрим тож этди.

12

Билсам ўзимдайин абгор экансан,
Ўзимдай ўзингдан безор экансан.
Сендан табибим деб даво истовдим,
Эй-й, бемор экансан, бемор экансан!

13

Мен зорман! Зорингни топсанг ўлмасман,
Бошимни қиличда чопсанг ўлмасман,
Энг сўнгги нафасда сени чорласам,
Келиб, кўзларимни ёпсанг, ўлмасман!

14

Бунёд эмас эдим, борлигим билдинг,
Оловга отдилар, хорлигим билдинг.
Қиёматлар ўтди... Кўз очдим, ё Раб,
Қиёматдин сўнг ҳам яна сен келдинг.

15

Бул ишқ санамларга...
Анда маним на ҳаддим бор,
Фалак, санга на фарёдим, на додим бор.
Ҳар неники вақт ҳукми қатл этгай,
На ёдингиз қолгай ул дам, на ёдим бор.

16

Мендан юз ўгирма, ҳеч хуш оним йўқ,
Куйдирмоқ истама, хонумоним йўқ.
Ишқинг кетар бўлса абасман, абас,
Жоним кетар бўлса, пушаймоним йўқ.

17

На ҳушким, насимлар ичра биз бормиз,
Эй соқий, ишқ ичдик, биз-да хуммормиз.
Бир кун тупроқ бўлсак кўзга сургайлар,
Гулларнинг хокидан бунёд тумормиз.

18

Бир дийдор истадик дийдордин,
Бошимиз қутулмас эуннордин.
Бу қандай аҳилким, аҳли йўқ,
Бедори ҳол сўрмас бемордин.

19

Ичсам — чогир бўлмогинг ҳам муқаррардур,
Борсам — багир бўлмогинг ҳам муқаррардур.
Маним тупроқ бўлмогим-ку аён ҳар дам,
Санинг ёмгир бўлмогинг ҳам муқаррардур.

20

Озодмиз, гарчи кишанлар била ҳам биргамиз,
Руҳмиз биз кўрки-эй кир танлар била ҳам биргамиз.

Озоримиз кўриб ранжиб кетманг биздин, эй дўст,
Гулмизки, демак тиканлар била ҳам биргамиз.

21

Аввал фирогингдин бегона бўлдим,
Шаму чирогингдин бегона бўлдим.
Ишқ кетди, дил кетди, кўзга ёш келмас,
Чашму қарогингдин бегона бўлдим.

22

Тонги насимлардек елсак бўларми,
Эй шамим! Парвона бўлсак бўларми.
Сиздан бир кадарлар етди бу дилга
Энди маъюс, маъюс ўлсак бўларми?

23

«Тангрим, дедим, ҳар неники ижобат эт»!
Тангрим айтди: «Ҳар не айтсам итоат эт!
Мангу обод бўлай десанг оёққа тур,
Дарахтлардек кеча-кундуз ибодат эт!»

24

Ё Раббимо, тиловатни хато қилма,
Садо келди: «Саловатни хато қилма»!
Кўнглимга бир нурлар тушди: манам покман!
Тангрим, шу бир ҳаловатни хато қилма!

25

«Кўнглингизни меҳробларга ёринглар» де,
«Гулжамол ҳок, унга ишқни қоринглар», де,
Тангрим, покла, тупроқлардай покла мени,
«Мендин кейин... Гулжамолга боринглар», де.

26

Мен ўкиндим: манглайимда ёрлигим йўқ,
На барбодлиг, ўзим бору, борлигим йўқ,
Тангрим айтди: «Сен бандамсан, қаддингни тут,
Ўзин бунёд этмаганга ёрлигим йўқ».

27

Билмам, маним қандоқ хислатларим бор,
Анжуманлар аро хилватларим бор.
Мани кўрмоқ эсанг онамга боққил,
Унда маъюс-маъюс сувратларим бор.

1999 йил

БЕДОР ҚЎНҒИРОҚ



* * *

Насим бўлдим ҳур Ватаннинг богларида,
Тупрогига илдиз отиб кетди юрак.
Тошларини ёриб чиқиб тогларида,
Мен бир куни дарахт бўлиб қолсам керак.

Кўзларида олиб кетсам гамларини,
Мадор бўлсам, устун бўлсам, бўлсам тиргак.
Кўзга суртиб шу Ватаннинг пойларини,
Мен бир куни дарё бўлиб қолсам керак.

Қадим карвон, мунис элим, мунглиг онам,
Сен иймонсан, керак сенга жонни бермак.
Ватан мени болам деса бошим қучиб,
Мен энг гўзал осмон бўлиб қолсам керак.

Насим бўлдим ҳур Ватаннинг богларида.

ЭЙ ХУДОЙИМ

Майсаларнинг иши йўқми илдиз билан,
Осмоннинг ҳеч иши йўқми юлдуз билан.
Эй Худойим, наҳот мени унутгансан,
Ёлгизнинг ҳеч иши йўқми ёлгиз билан?

Мени сев, деб бўйларида ўлтирибман,
Телба бўлиб кўйларида ўлтирибман.
Ташнасига бир култум сув бермайди у
Ариқнинг ҳеч иши йўқми ялпиз билан?

Уни севдим, томирга қон сигмай севдим,
Уни севдим, жисмимга жон сигмай севдим.
Эй Худойим, бунча оздир унинг ишқи,
Жилгаларни тенглаштирма денгиз билан.

Ўн беши тун, ўн беши кунинг ёруг бўлар,
Айтдиларки: — Энди дардинг фориг бўлар.
Ўн бешидан ўн беш минги ўтиб кетди,
Кўзларим ҳеч учрашмади кундуз билан.

Гариб дунё гариб шонин қизгонади,
Қизганч дунё бурда нонин қизгонади.
Эй Худойим, дунёингга айтиб қўйгил.
Меҳмонман-ку, сийласин-да нон-туз билан.

Куйлаб-куйлаб юрагимни яро қилдим,
Яшаб-яшаб юзларимни қаро қилдим,
Эй Худойим, бош кўтармай кетарман мен
Ахир сенга юзлашарман қай юз билан?

Майсаларнинг иши йўқми илдиз билан,
Осмоннинг ҳеч иши йўқми юлдуз билан.
Эй Худойим, мени наҳот унутгансан
Ёлгизнинг ҳеч иши йўқми ёлгиз билан?

2002 йил

ДУО

Мендан кетган, йигит алвидо!
Олмадингиз нечун ишқ дарсин.
Худо дедим! Сиз мен деб куйинг,
Сочларингиз мен деб оқарсин.

Кўзингизга гам бўлиб чўкай,
Мен ўгирлай тунлар хобингиз.
Кўксингизга ўқдай санчилай,
Ўзим бўлай изтиробингиз.

Гарчи бугун кетдингиз ташлаб,
Гарчи сиз деб чекяпман алам.
Аммо билинг сиз ҳам кўксимда,
Бир лаҳзага ёниб ўчган шам.

Мен ўзимни овутиб дедим:
— Бир йигит деб куймоқлик нечун?
Қиёматда жазо бор ахир,
Гулжамолдан кечганлар учун.

Кўксимдаги гуллар, алвидо!
Нолаларим Тангримга борсин.
Икки дунё сиз мен деб куйинг,
Сочларингиз мен деб оқарсин.

2001 йил

ВИДО

...Ва ниҳоят кўнглимни уздим,
Ошиқлардек маъюс, дилафгор.
Сендан келган озорлиг надур,
Мен ўзимдан безорман, безор.

Ишққа ташна маъюс қиз эдим,
Юрагимга нур бўлиб индинг.
Бу дунёнинг зулматларида,
Сен ҳаммадан яхши кўриндинг.

Билмадимки, бу ишқ ўткинчи,
Билмадимки, сенга етмасман.
Сени ташлаб кетиб соз қилдим,
То сен мени ташлаб кетмасдан.

Майли, ёрим сендан гинам йўқ,
Тақдиримда мангу куз фасли.
Сен бевафо бўлсанг айб эмас,
Бу бевафо дунёдир асли.

2001 йил

* * *

Қаҳратондай жон-жонимдан ўтдингиз-ку,
Баҳор эдим бошгинамга етдингиз-ку,
Секин-секин кўнгил узиб кетдингиз-ку,
Мендан кетмоқликка бирор йўл бўлдими?

Юрагимнинг, эй қадрдон бегонаси,
Кўзларима кўзларингиз девонаси,
Сочларимнинг шамолида уйғонасиз,
Сочим қўмсаб кипригингиз ҳўл бўлдими?

Тунларимни ёритмаган ёруг шамим,
Кўнглингизда кўринмади заррa гамим.
Беқасамдан тўнлар кийган беқасамим,
Ўнг деб юрган йўлларимиз сўл бўлдими?

Кўксингизга ишқдан тумор таққан эдим,
Кўзингизга олов бўлиб боққан эдим,
Кўнглингизда гур-гур ўтлар ёққан эди,
Биз ёққан ул ўтлар бугун кул бўлдими?

Гулларингиз хазон бўлди, бўзладингиз,
Қайси гулнинг пойларида тизладингиз?
Гулзор кезиб қандоқ гулни изладингиз?
Ўзга гуллар Гулжамолдай гул бўлдими?
Гулжамолдай гулистон ҳам чўл бўлдими?

Юрагимнинг, эй қадрдон бегонаси.

2002 йил

ЎТИНЧ

Энди видо айтмасак бўлмас,
Нима қилдим кўнглингни бузиб.
Баҳоримиз тугади энди,
Энди бўлдик гулларни узиб...

Сеҳр этдими ўзга гулзорлар?,
Қадамингга поёндоз ёзиб.
Давру даврон сурарсан энди,
Гулларингни багрингга босиб.

На ишқ қолди ва на гам қолди.
Туманлардай кетдинг ёдимдан.
Мен тоабад видолар айтиб,
Кўзларимни юмганман сендан.

Қиёматда дийдоринг борми?
Сен сўрадинг кўзларингда гам.
Мен ўтиндим: Худо, Художон,
Кўз очмайин қиёматда ҳам.

АРЗИ ҲОЛ

Гулдан бино бўлгандим,
Гилдан бино бўлгандим,
Дилдан бино бўлгандим,
Нега севмайсан мени?

Қошим қаро эмасми?
Багрим яро эмасми?
Дил ишқ аро эмасми?
Нега севмайсан мени?

Гамдан уй қилиб олдим,
Дарддан куй қилиб олдим,
Гулдан бўй қилиб олдим,
Нега севмайсан мени?

Гулзорларнинг нақшиман,
Бўгзи куйган бахшиман,
Ҳурларданам яхшиман,
Нега севмайсан мени?

Ойдек пойлоқчиман-ку,
Жонингга соқчиман-ку,
Сен деб ўлмоқчиман-ку,
Нега севмайсан мени?

Гуллар ухлар қўйнингда,
Тушингда ҳам ўнгингда,
Гуноҳ қолар бўйнингда,
Нега севмайсан мени?

Бошимда ридосан-ку,
Кўксимда нидосан-ку,
Сен ахир...Худосанми,
Нега севмайсан мени?

2001 йил

ИЗҲОР

Изларингга тўкилдими,
Маржон-маржон ёшим маним.
Остонангга қўйилдими
Шундоқ азиз бошим маним.

Бир борарда юз бородим,
Юз борарда бир кўрорим.
Тупроқ бўлсам сани топгай,
Лабим, кўзим, қошим маним.

Эй дийдорсиз, эй бедорлиг,
Бу на хорлиг, на абгорлиг.
Ҳажрларинг келган сари,
Кетди сабр-бардошим маним.

Эй маҳшарим, ёрижоним,
Бу дунёим, у дунёим.
Қайда ўлсанг, шунда ўлгум,
Сенсан... Қабрдошим маним.

1998 йил

ЎЗИМ

Қачон сизни севмадим, қачон согинмадим дил,
Қачон чашмингизга мен абрў найсондек тўлдим.
Садолар бермагайсиз, чорлаб согинмагайсиз,
Ўзим яратган ишқнинг ўзим садоси бўлдим.

Келар манзилингиз дил, кетмоққа изн йўқдир,
Дилдан кетиб дилдорга етмоққа изн йўқдир.
О, нечун қалбингизда япроқча изим йўқдир,
Ўзим яратган ишқнинг ўзим адоси бўлдим.

Сизни кўрдим. Оловни кўрган парвонадайман,
Азал девона эдим, баттар девонадайман,
Жону кўнглим боглиқ-ку, нега бегонадайман,
Ўзим яратган ишқнинг ўзим хатоси бўлдим.

Сиздан тиландим бунча, кўзингиздан ҳайдангиз,
Хокдан-да хор хазонман, кузингиздан ҳайдангиз,
Изингиздан ҳайдаманг... ўзингиздан ҳайдангиз,
Ўзим яратган ишқнинг ўзим гадоси бўлдим,

Ўзим хатоси бўлдим,
Ўзим адоси бўлдим,
Ўзим фидоси бўлдим.

1998 йил

* * *

Нетай ёрим гул билан гул топишмади,
Тақдир экан: йўл билан йўл топишмади,
Азал шундоқ: ўнг сўл билан топишмайди,
Мендан кўнгил узган ёрим, омон бўлинг.

Айвонингиз пештоқига қўниб ўтдик,
Биз шам эдик, Сиз деб ёниб-сўниб ўтдик,
Неки жафо айладингиз кўниб ўтдик,
Мендан кўнгил узган ёрим, омон бўлинг.

Бирга бўлсак бахтимиз бир кулармиди,
Мени эслаб юрагингиз тўлармиди,
Ахир сиздан кўнгил узиб бўлармиди,
Мендан кўнгил узган ёрим, омон бўлинг.

Сиз жонимга харидорсиз нақдингиз йўқ,
Ёнимга бир келмоқликка шаҳдингиз йўқ,
Айтиб қўяй, менсиз сизнинг бахтингиз йўқ!
Мендан кўнгил узган ёрим, омон бўлинг.

Лабларимда гул терсам ҳам парво қилманг,
Пешонамга мушт урсам ҳам парво қилманг,
Йўлингизда жон берсам ҳам парво қилманг,
Мендан кўнгил узган ёрим, омон бўлинг.

Биздан кечиб топганингиз хуш бўлдилар,
Мен-ла кечган кунларингиз туш бўлдилар.
Хайр энди, қирқ жоним қирқ қуш бўлдилар,
Мендан кўнгил узган ёрим, омон бўлинг.

2002 йил

КЕЛИНЧАККА ХАТ

Қандоқ экан ёр васлига етиш бахти,
Оловлардан уч айланиб ўтиш бахти.
Қандоқ экан бегойимдек давр сурган,
Ота уйдан бегонадай кетиш бахти.

Аввал чалган куйингизга бегонасиз,
Келинсизу, тўйингизга бегонасиз.
Ўн саккиз йил супурдингиз бу ҳовлини,
Энди иссиқ уйингизга бегонасиз.

Қошингиздан икки тола олишдилар,
Ўраб-чирмаб чимилдиққа солишдилар.
Кеча сизни дунёларга бермасдилар,
Бугун сизни тиллоларга алишдилар.

Халқ билмаса бир гап айтиб кулармиди,
Атиргуллар нур бор жойда сўлармиди?
Минг уринманг кулдан девор бўлмагандек,
Қайнонадан она бунёд бўлармиди?

Йўқ, сингилжон бу шунчаки ҳазил гапдир,
Чап ниятли одамларнинг иши чапдир,
Меҳрингиз-ла ҳар не чўлни бўстон этинг,
Сиз яхшисиз, қайнона ҳам сиз тарафдир.

Келин бўлинг китоб тўла сеплар билан,
Оила гуллар «ҳар бир ишни эплар» билан,
Бу дунёнинг лаззатини қориштирманг,
Майда-чуйда, аччиқ-чучук гаплар билан.

Тақдир сизга тилло тахтлар ато этсин,
Тойдек ўгил, шиддат-шахтлар ато этсин,
Дуога қўл очиб тилак айтадурмиз,
Худо сизга ойдек бахтлар ато этсин.

2002 йил

ОНАМ, ДУНЁ ВА ЎЗИМ

Билдим энди дунё нимадир —
Маҳзунлардан қолган изтироб.
Дунё менинг онамни алдаб,
Ҳам отамни қийнаган азоб.

Билдим. Билдим дунё нимадир —
Кузги богдек рутубат дунё,
Гўл онамга кетмон чоптириб,
Хақ бермаган ҳукумат — дунё...

Мен онамдек маъюс бўлмадим,
Суягимни гам кетди тоблаб.
Отам, онам ҳаққи ҳурмати,
Дунёсини алдадим боплаб.

Мушфиққина яшайди онам,
Менда савол: НЕГА, НЕ УЧУН???
Бешта хушбўй гул экди ахир,
Бу дунёни яшнатмоқ учун!

Яшнатмади онамни дунё!
Лек дунёни кечирди онам.
Сув бермади онамга дунё,
Кўз ёшларин ичирди онам!

«Топташмасин, ўтмасин» дейман,
Онам айтар: «Ахир йўлман мен».
Изтиробга солмас кўз ёшлар,
Кўз ёш ичиб ўсган гулман мен!

Шунданмикан шафқатим йўқроқ,
Юрагимда куй тинди менинг.
Исёним йўқ руҳимда ёнган,
Оловларим йўқ энди менинг.

Тегирмонлар айланди тинмай,
Ёлгизгина бошимда менинг.
Кўнглимда бир тирик одам йўқ,
Йигирма уч ёшимда менинг!

Ишонтирманг мен кўриб бўлдим,
Эзгуликнинг йўллари гадир.
Она сиздек яшай олмасман,
Чунки билдим ...дунё... нимадир...

2002 йил

ҒАМГИН ҚЎШИҚ

Қандоқ яшаяпман
ўзимдан нари,
Ўтиб бораяпман
сувлар каби жим

Тугаб бораяпман
яшаган сари,
Мен сени согиниб
кетдим юрагим!

Алдашни ўргандим
кўзларга боқиб,
Юракни сотишни
ўргандим ҳатто
Аммо, шу лаҳзалар
кўксим огрийди
Дунёга келганим
хатодир хато!

Қандоқ одам эдим,
тоглардек баланд.
Тошлардек тўкилдим,
тупроқларга мен.
Ўзинг бошлаган бу
дил ўйинида
Дунё,
ютиб олдинг
Юрагимни сен!

Энди кетиш керак
гулларга айтмай,

Жимгина сингимоқ
керак тупроққа,
Сиз ҳам кўп куюнманг
дўсти ҳарифим,
Маним баҳорим ҳам
бормас узоққа.

Гарчи кўп қўшиқлар
айтаман ҳали,
Кўксимга наволар
кетмоқда тўлиб,
Юрагим ўксима,
Ўксима қалбим
Яшармиз
дунёнинг
виждони бўлиб!

Қандоқ... яшаяпман.

КЕЧА ВА БУГУН

Ўйлар эдим: ҳаёт бизни сийлайди деб,
Биз куйлаган қўшиқларни куйлайди деб.
Бугун бўм-бўш юрагимни сийлаяпман
Ҳаёт қандай айтса, шундай куйлаяпман.

Ўйлар эдим: сўнмас менинг гурурларим,
Кўксимдаги ҳайратларим, сурурларим.
Бугун қолдим икки ўтнинг озорида,
Йиглаяпман гуруримнинг мозорида.

Ўйлар эдим: дўстларим бор дил чог этар,
Йўлимдаги чоҳларимдан огоҳ этар,
Ё раб, бугун бу уйинда ўзиб чиқдим:
Дўстим ташлаб кетган чоҳдан ўзим чиқдим.

Ўйлар эдим: севган ёрим ташлаб кетмас!
Жондай севар, кўзларимни ёшлаб кетмас!
Ўйлар эдим: мен деб ундай адо йўқдир,
Бугун ундан садо йўқдир, садо йўқдир!

Ўйлар эдим: тогдек баланд яшайман деб,
Қирчаларга қандоқ назар ташлайман деб,
Тогдек чўкдим! Нелар ларза солди менга?
Бугун тоглар, қирдек бўлиб қолди менга.

Дунё экан тогларингни қир қилгувчи!
Дунё экан осмонларинг ер қилгувчи!
Келишмадим тоши ёлгон савдо билан,
Она-бола бўлолмадим дунё билан!

Дунё экан... дунё экан...ай... дунё-я...

2002 йил

ТОШЮРАК

Шу туманлар тарқаса эди,
Ҳаётимни солардим изга.
Шундоқ магрур бошимни эгиб,
Ялинмасдим ҳеч қачон сизга.

Гарчи ҳаёт бошимни силаб,
Эркалатиб қўйганича йўқ,
Лекин сизга эрмак бўлмагай,
Юрагимга теккан ҳар бир ўқ.

Тулкиларни тан олмай баъзан,
Аждар билан ўйнадик чиллик.
Тегирмоннинг бошида туриб,
Гоҳи янчдик, гоҳи янчилдик.

Лек ҳар қачон, ҳар қандай онда,
Сиз тош каби турарсиз сассиз,
Қўлимдаги тошни кўриб ҳам,
Кўзимдаги ёшни кўрмассиз...

2002 йил

* * *

Қандоқ қайгу, гуллаган чогим,
Юрак санчиб қўймоқда сим-сим.

Улгурайин бир сўзни айтиб,
Гинанг йўқми мендан, жон дўстим?

Йигирма тўрт... гарчи ишқ фасли,
Лекин юрак огриққа лим-лим.
Ёруг ёдинг бормидир мендан,
Кунглинг тўқми мендан, севгилим?

Боланг бўлиб яшнатмадим ҳеч,
Тундай чўкди кўзларингга гам.
Багрингни бер, бош қўйиб ўлай,
Багринг бутми мендан, волидам?

Елкаларинг кунглимдай чўккан,
Юрагингни англамас осмон.
Шодлик, шараф, ҳасратлар бердим,
Қайгунг йўқми мендан, отажон?

Бир кун кетсам, нур бўлиб кетсам,
Руҳим келса, юксалса таним,
Эшитилар қабримдан бир сўз:
Розимисан, мендан ... Ватаним?!

2001 йил

ҚИСМАТ

Томиримда сўз оқар тинмай,
Шеърлар ёздим қонимга ботиб.
Юрагимни тинглаб англадим:
Ўлсам керак шеър ёзаётиб!

Мен англадим: шеърдан бошқаси
Бу дунёнинг исмидек бедард.
Бир дард мени эзади тинмай —
Навоийнинг руҳидек бир дард.

Мен дунёни гул деб ўйловдим,
Кечди умрим рўёлар билан.
Кейин суҳбат қурмай қўйдим мен,
Гуллари йўқ дунёлар билан.

Шовуллади томиримда сўз,
Ва яшадим руҳимдек бедор.
Дўстлар қаранг, кўксимга қаранг,
Юрагимнинг ўрнида сўз бор.

Манглайимда шодлик изи йўқ!
Билмам нелар ёзмоқда котиб.
Англаганим! Энг гўзал тонгда
Ўлсам керак... шеър ёзаётиб.

2001 йил

БАҲТИЁРЛИК

Яна сенга гам келтирдим мен,
Яна огир ботдим кўксингга.
Мен жаллодга ўхшайман кўпроқ,
Ўхшамайман ҳечам синглингга.

Мен ҳаётдек бешафқат, бедил,
Кечир опа, огриқларимни.
Сен онамдек хокисор майса,
Майсам мендан огринмадингми?

Баъзан гулдек яшагил дея,
Шивирлайди атиргул барги.
Ўз-ўзимга пичирлаб дейман,
«Бекор келдим, дунёга балки...»

Араэладим, дунёдан опа,
Лек кетмоқнинг йўллари қани?
Ҳеч кетмоққа қўймас кўзлари,
Сенга ўхшаб кетган қизчанинг.

Яшаяпман гамларни кўриб,
Гамлар гамгин кўрмади мандай.
Кўзларингни ёшга тўлдириб,
Бу дунёда яшайман қандай?

Гарчи дўстлар ташлаб кетса-да,
Кўзимга ёш кетсада тўлиб,
Мен яшадим хазондай маъюс,
Бу дунёнинг устидан кулиб.

Хайр, мангу бахтли бўл, опа,
Менинг умрим — бахтга зорликдир.
Бу дунёда битта фалсафа:
Кулиб ўлмоқ бахтиёрликдир!

2001 йил

УМИДСИЗ ҚОЛГАН ОДАМ

Менам парвонаман, шамларим сўнган,
Оловлари ташлаб кетган парвона.
Бу дунё рақсига ҳайрона бўлиб,
Маъюс яшаяпман далли девона.

Изтироб эмасдек изтиробларим,
Руҳим — бўгзи гамга тўлиб кетган най.
Судраблар юрибман жонсиз лошимни,
Юрагим — севгисиз қолган одамдай.

Кўксимда бир уюм кулдан бўлак йўқ,
Кўзларим ненидир жовдираб излар.
Бу дунёда мангу далли кетмасам,
Мени кечиргайму маъсума ҳислар.

Оппоқ кўйлакларда келар бир хаёл,
Оппоқ булутларни ичгим келади.
Анов оққушларга айланиб тонгда,
Оппоқ осмонларни кечгим келади.

Нега уйгонмайман бу гафлатдан ҳеч,
Не учун абгорман муқаддас қайгу.
Айт, нечун сен менинг кўксимда йўқсан,
Қабрлар лабида яшаган туйгу.

Менам парвонаман шамларим сўнган...

2001 йил

ДИЛ ОҚАДИ

Томиримда гул оқади, гул оқади,
Бу гулларга қўшилибон дил оқади,
Мен яшириб овворалар бўлиб юрсам,
Кўзларингиз кўзларимда чўг ёқади.

Сиз деб олов кечганларим бекор бўлди,
Бекорликда юракларим бемор бўлди.
Мен сизни деб жаҳонимдан кечган эдим,
Бугун сизга ўзга ёрлар дилдор бўлди.

Кўксимдаги оловларни ўчиринг ёр,
Кейин яна ишқ оловин ичиринг ёр,

Биламанки, мени Худо кечирмайди,
Ҳеч бўлмаса Сиз ўзингиз кечиринг ёр.

Ишқ бобида хато айтсак ярашмайди,
Хуш чогимиз нидо айтсак ярашмайди,
Хайр деманг, айрилмоққа кўзим қиймас,
Баҳорларда видо айтсак ярашмайди.

Ишқингизда ҳамон ширин жоним куйгай,
Сизни кўрсам томирдаги қоним куйгай,
Ўзга билан ишқ қасрин қурган саринғиз,
Маним уйим, борим, хонумоним куйгай.

Томиримда гул оқади, гул оқади.

2002 йил

* * *

Тонгда шаффоф тўкилдим,
Япроқларни ўпдим дўст.
Ишқсизларнинг ёнидан
Атиргулдай ўтдим дўст.

Осмонлардай юксалдим,
Пойларида янчилиб.
Юрагига йўл олдим,
Товонига санчилиб.

Ёрга айтдим: Ёрижон,
Кўнглинг олсам майлими
Кўзларингга термулиб,
Ўлиб қолсам майлими?

Юрагингни тобут қил,
Юрагимни солиб бор.
Кипригингдан гул ясаб,
Мозоримга олиб бор.

Ёрижона, ёрижон!
Сувга ўт сололмадим.
Кўнглингни кўчасида
Бир зум ҳам қололмадим.

На зорим бор, на эўрим,
Ёр бўлмасим, алвидо!
Сен ёрингга ёр бўлгин,
Сенга ёр бўлсин Худо!

* * *

Севги изҳорларин тингладим гарчи,
Гарчи кўп бора мен ишқ майин ичдим.
Тиг билан кўксимни ярадор айлаб,
Не-не ҳаловатлар баҳридан кечдим.
Бироқ...Сароб бўлди барча ҳисларим,
Қандай севган бўлсам, ўшандай тондим,

Сен мени кечиргил, юрак, мустарим,
Бир лаҳза бўлса ҳам ёндим-ку, ёндим.
Мана қўлимдадир бетафт хотира,
Ва мана кўксимда ишқ кукунлари,
Мени бир кун қатл айласа керак,
Беқарор, беқадр беишқ кунларим.
Севги изҳорларин тингладим гарчи,
Гарчи севмоқ эди қалб фалсафаси.
Севмайман, севмайман, севмайман дедим,
Димогимга келди...
ўлим нафаси.

2001 йил

МУНОЖОТ

Минг йил тузганимни барбод айларсан,
Минг йил бузганимни обод айларсан.
Қандоқ қиёмат бу, қонлар бузилди,
Ҳар лаҳза айларсан бот-бот айларсан.
Гоҳ мани гам билан мустарин айлаб,
Ганиму касларни дилшод айларсан.
Шукрким, хонимлар қавмига қўшдинг,
Ахир не бандангни безот айларсан.
То бунёд бўлдимки занжир тўқийман,
Қачон бу қулликдан озод айларсан.

Умидлар этарга изн бер, Тангрим,
Минг дод этганимда бир ёд айларсан.

2002 йил

УСМОН НОСИР

Бу кўзлар мозийдан сўзлайди,
Ҳақликдан сўзлайди бу кўзлар.
Сибирнинг қорларин эритиб,
Бир огир бўзлайди бу кўзлар.

Тангрим! Унинг ватани йўқдай,
Юрагида маҳзун илдизлар.
Онаси ўлдирган боладай,
Юрагимда йиглар бу кўзлар.

Қон тупурди осмонга ўша,
Сўнг куйдирди қуёш қасрини.
Тангрим мени айлантириб қўй,
Кўзларига Усмон Носирнинг.

1994 йил

ҚАДИМИЙ ҚЎШИҚ

Дарвешлар хирқасин эгнимга илдим:
Менга ҳеч диндорлар ошно бўлмагай.

Зари кўп зорлини кўзга илгайму?
Зорлига безорлар ошно бўлмагай.

Бошингни адл тут, шундоқ яшасанг,
Бўйнингга зуннорлар ошно бўлмагай.

Найнинг ноласини най чалган билар,
Дардсизга дуторлар ошно бўлмагай.

Шоҳга гадонинг ҳеч нисбати йўқдир,
Ишқсизга бедорлар ошно бўлмагай.

Одам одам эрур ўз ори бирлан,
Орлига беорлар ошно бўлмагай.

Дунё китобиндан бир дарс ўқидим:
Ошиққа дилдорлар ошно бўлмагай.

Қадимий қўшиқ бу: тенг-тенги билан,
Шоирга ... пулдорлар ошно бўлмагай!

2002 йил

БАХШИНИНГ АЙТГАНИ

Ёзга-қишга кўникади одамзод,
Ҳар не ишга кўникади одамзод,

Садафдек оқ тишлари ташлаб кетса,
Темир тишга кўникади одамзод.

Йўққа-камга кўникади одамзод,
Ҳар не дамга кўникади одамзод.
Гуриллаган қувончи ташлаб кетса,
Ҳатто гамга кўникади одамзод.

Тахтин олсанг кўникади одамзод,
Бахтин олсанг кўникади одамзод.
Суякларин битта-битта синдириб,
Шаҳдин олсанг кўникади одамзод.

Солганига кўникади одамзод,
Олганига кўникади одамзод.
Фақатгина... фақатгина
Боласи ўлмаса бас,
Қолганига кўникади одамзод.

2002 йил

ШОИР

Заминнинг ойи бўлмас,
Саҳронинг сойи бўлмас.
Одамлар-у одамлар,
Шоирнинг бойи бўлмас.

Бежизга сақламас кек,
Ёлғонларга қўяр чек,
Сўзга чўри бўлар, лек,
Пулнинг гадойи бўлмас.

Шоирлик ҳеч бахт эмас,
Топган шони тахт эмас.
Ўнта тахт ясаб беринг,
Шоирнинг шоҳи бўлмас.

Япроқни тингламаса,
Тупроқни тингламаса,
Худойим сўз бермаса
Шоир илоҳий бўлмас.

Унинг умри — узун гам.
Сўзи — зулмат ичра шам.
Бу дунёнинг ўзи ҳам,
Шоирдек боқий бўлмас.

Нафаси аршга етса,
Жаннатда базм этса,
Шоирдан бошқасига
Парилар соқий бўлмас.

2002 йил

БОБОМНИНГ ҚАРЗИ

Билиб-билмай бу дунёга келиб қолдик,
Гаддор дунё, қандайлигинг билиб қолдик.
Шундайлигинг билганда-ку келмас эдик,
Сочимизни юлиб қолдик, юлиб қолдик.

Султонлари суягини хорлатмади,
Зари борлар ўзини ҳеч хўрлатмади.
Биздек гариб шоирларга тўзим йўқми?
Дунё бизим богимизни гуллатмади.

Сувлар келиб-келиб яна сойга оқди,
Замонлари бориб-бориб бойга боқди,
Дунё, санинг эшигингда кўп айландим,
Юраккинам увлаб-увлаб ойга боқди.

Дунё айтар: Бобонг қарзин тўлатарман,
Дунё айтар: мен жонингга хавф-хатарман.
Дунё, сен-ку маним богим гуллатмадинг,
Лек мен сени бошдан-оёқ гуллатарман.

Дунё, сени бошдан оёқ гуллатарман.

2002 йил

ДУНЁ БУ

Кўпкаридай ажаб савдо дунё бу
Муҳаммад Юсуф

Отанг бозор дунё бу,
Онанг бозор дунё бу.
Тилайвериб қўймадик
Биздан безор дунё бу,
Отанг бозор дунё бу,
Онанг бозор дунё бу.

Шоирдан бахт сўрайди,
Гадойдан тахт сўрайди.
Бўйнинггача қарз қилиб,
Тагин у нақд сўрайди.
Отанг бозор дунё бу,
Онанг бозор дунё бу.

Худога суйдирмади,
Айт кимни куйдирмади?
Жонимдан тўйдирди-ю,
Қорнимни тўйдирмади.
Отанг бозор дунё бу,
Онанг бозор дунё бу.

Ҳиди йўқ райҳони бу,
Гап бермас кайвони бу,

Офтобида тоблатмас,
Шайтоннинг айвони бу.
Отанг бозор дунё бу,
Онанг бозор дунё бу.

Нелигин билиб бўлмас,
Дорга мол илиб бўлмас.
Шундай галат бозор бу,
Бозорлиг қилиб бўлмас.
Отанг бозор дунё бу,
Онанг бозор дунё бу.

2002 йил

ФАЛСАФА

Йўқчиликда элга бордим, эл қўшмади,
Тўқлигимда дилга бордим, дил қўшмади.

Йўқчиликда ор дедилар ёвгонимни,
Тўқлигимда рост дедилар ёлгонимни.

Йўқчиликда ҳеч ким мени туш кўрмади,
Тўқлигимда юрак қургур хуш кўрмади.

Йўқчиликда итга йўлдош айладилар,
Тўқлигимда хонга қондош сайладилар.

Руҳим ичра кезиб юрар руҳлар саси,
Бордир фақат дунёнинг бир фалсафаси:

Эй одамзод, балки абад тўқ бўларсан,
Лек барибир бир кун келиб йўқ бўларсан.

2002 йил

ЗЕРИКИШ

Туйгуларни ақл билан тангиб юриш,
Яна қирқ йил бу дунёда сангиб юриш.
Малол келяпти менга...
Аё дўстлар, юзи догсиз ой қайда бор,
Жонни нисор айлайдиган жой қайда бор?

Юрак бемор, дардларига даво кўрмас,
Машраб бобом кулоҳини раво кўрмас,
Нима бўляпти менга...
Аё дўстлар, кўкка етар дод қайда бор,
Энди Машраб бобомдайин зот қайда бор?

Қўлларимга тиллолардан занжир солдим,
Вужудимни қориб ерга тандир солдим.
Олов тўляпти менга...
Аё дўстлар, энди менда гард қайда бор,
Худойимга айтсам арзир дард қайда бор?

Юракка гам солиб қулфлаб қўйган эдим,
Дилнинг қадим шаробидан тўйган эдим,
Сабо еляпти менга...
Аё дўстлар, йўқ камонга ёй қайда бор,
Ичса мангу маст айламиш май қайда бор?

Юрагимни осмонларга ёргим келди,
Мени қўйинг Худойимга боргим келди,
Қуёш куляпти менга...
Аё дўстлар, олов бўлмай кул қайда бор,
Худойимдан адаштирмас йўл қайда бор?

2002 йил

ОТАМ ВА ТУПРОҚ
(Туркум)

«Деҳқон меҳнати ҳаётнинг
илоҳий ақидасидир»
Асқад Мухтор

Ота! Мендек телба кўрдими
Худойимнинг девоналари,
Кўнглинг мендан яхши билдими
Бу дунёнинг майхоналари?

Кўргулигим кўрганингдан кўп,
Кўксингдаги нолангман сенинг.

Мен энг буюк фарзандинг яна,
Мен энг нощуд болангман сенинг.

Лекин сира куймагил, ота,
Сенинг ёруг изинг бўларман.
Руҳим юлдуз бўлиб қолган кун
Мен энг бахтли қизинг бўларман.

Мени кутиб бахтлар қариди
Кўксимда гул сўляпти, ота.
Менинг энди бахтли бўлгиммас,
ТУПРОҚ бўлгим келяпти ОТА!

* * *

Ўжар руҳим туфайли бахтим
Йўқолса ҳам куймадим, ота.
Яшамоқчи эдим мен магрур,
Лекин ҳаёт қўймади, ота.

Ота, мунглиг тупроқда топдим,
Мен энг буюк тариқатларни.
Ва руҳимга байроқ айладим,
Энг покиза ҳақиқатларни.

Ҳеч тан олгим келмади, ота,
Ишқ ўзимга қайтар ўқлигин.
Бу гариба шеърларим билан
Мангуликка дахлим йўқлигин.

Лекин менинг гариб шеърларим
Қиёматга ёзган хатимдир.
Сен тупроққа ўхшайсан, ОТА,
ТУПРОҚ менинг тариқатимдир.

* * *

Чўкиб қолар қадаҳ тубига,
Кўҳна майнинг қадим дурдлари.
Юрагимга кўчиб ўтади,
Ота, сенинг қалбинг ўтлари.
Руҳинг оташ оловларини,
Сўзларимга тўкади, ота.
Кўксингдаги боқий изтироб,
Кўзларимга чўкади, ота.
Ва дунёни тўлдирар бир кун
Кўксимдаги гамгин нолалар,
Оққушларга айланиб кетар
Бошингдаги оппоқ толалар.
Шундай бир кун келади, ота,
Уфқларга кундай ботарман.
Майсаларни устимга ёпиб
Тупроқларни тинглаб ётаман.
Қара бугун далаларингга,
Меҳрим сувдай тўляпти, ота,
Сени англаб борганим сари,
ТУПРОҚ бўлгим келяпти, ОТА.

* * *

Ота, дилинг ёритсин,
Кўксимдаги шамларим.
Оқартирди сочингни,
Менинг қаро гамларим.
Бу дунёнинг гамини,
Қадаҳимга суздим мен.
Дунёнинг кўнгли менда,
Ундан кўнгил узди мен.
Ота, телба айлади,
Мени шеърнинг туйгуси.
Лаҳзагина умримда,
Абадият қайгуси.
Лекин билдим. Англадим,
Бир «уҳ»га тенг дунё бу.
Не зотларни унутган,
«Улдинг — ўчдинг» дунё бу.
ОТА, дилхун тунларда,
Қалам, шеър, чироқ яхши.
Бу норасо дунёнгдан,
Бир сиқим ТУПРОҚ яхши.

* * *

Руҳинг билан тебратдинг ота,
Менинг руҳим бешикларини.
Хотирамга мангу ёдлатдинг,
Болалигим қўшиқларини.

Айтар эдинг оппоқ қўшиқлар,
Айтар эдинг дунёни ёқиб,
Овозингни тўлқинларида
Кетар эди юрагим оқиб...

«Булбулдайинким фарёд этарман,
Ишқ дафтарини бунёд этарман,
Куйган дилимни мен шод этарман
Ёрга етар кун борми ёронлар».
(Машраб сатри)

Кейин мен ҳам улгайдим гўё,
Жиддийлашди маъюс кўзларим.
Кейин... қўшиқ айтмай қўйдинг мен,
Хазин тортиб қолди юзларим.

Кейин... Ундай қўшиқ топмадим,
Юрагингда дарё бормиди?
Ота, сенинг қўшиқларингдан
Келар эди тупроқнинг ҳиди.

Болаликка қайтаргил, ОТА!
Куйга тўлдир бешикларимни.
Мен ТУПРОҚни согинганимдай,
Согинаман қўшиқларингни.

* * *

Ота, қандоқ яшасам бўлар?
Кечалари маҳзун ўйладим.
Ота, дунё узун йўлакча,
У эртакдир руҳимдай қадим.

Ота, дунё — узун йўлакча!
Ҳоргин кўрдим бу йўлда Сени.
Сен бу йўлда ёмон толиқдинг,
Зериктирди бу эртак мени.

Ота, дунё — узун йўлакча!
Унда руҳим топмади Ватан.
Катта йўлга чиқардим, ота,
Ўтиб олсам... шу йўлакчадан..!

* * *

Ота, шеър азоби уйготди мени,
Юрагимга кўчди уфқлар туси.
Эл деган мушфиқ сўз улгайтди мени,
Мени одам қилди миллат қайгуси.

Ёвга бермагайман эътиқодимни,
Бир кун авраса ҳам кўринмас ҳалқа.
Лекин бу олифта сўзларим билан,
Нафим тегармикан шу мунглиг халққа!

Чорламасми мени кибор давралар,
Кўксим оловлари ўчмасми яна?
Мен ул давраларда шоҳона юрсам,
Осилган чоригим қилмасми таъна?!

Бир кун Ватан дея юксалса руҳим!
Бир кун Ватан дея юксалса руҳим!
«Халқ» десам бошимга тиг келмасидан.
ОТА,ТУПРОҚларинг эсларми мени,
Ватан ўчирмасми... хотирасидан..?!

2001-2002 йил

* * *

Кетди гафлат дердим аммо,
ҳамон кўзларда хобим бор,
Синди жомлар дердим аммо,
кўзимда чашми обим бор.

На уйлар тикладим, буздим,
бу кошинлар кўрингайму,
То эл ичра кўзи ёшлиг,
бирор ҳоли харобим бор.

На гул бўлдим, на гил бўлдим,
Худо заррангни кўрсатма,
Бу ишқ эҳромларим кирдир,
то ул шайтонга тобим бор.

Мани ишқсиз деса кетма,
хумор этмас деса кетма,
Ёрижон ёнимга келгил,
лабимда ишқ гулобим бор.

Кеча ишқинг ила ёндим, на боқдинг,
на ризо қилдинг,
Бугун ўшал олов ишқдин, на кул,
на изтиробим бор.

Бу на кундир, бу на қисмат,
у ҳам сўрди, манам айтдим,
Манга ҳаргиз жавоб йўқдир,
маним анга жавобим бор.

Аё, Тангрим хайр сўрсам
қўлларимга сароб тутма,
Икки дунёмга етгувчи маним
умри саробим бор.

2000 йил

* * *

Ишқи жонимдан ўтганнинг ҳажри жонимдан
ўтмасми?
Ҳажри жонимдан ўтганнинг васли ёнимдан
ўтмасми?

Нечун бу айрилиқлар деб манга иддаолар
қилманг,
Ишқи комимга етганлар, ҳажр тўфонимдан
ўтмасми?

Сизга ёрлиг ўлди васлим ва лек қадр
этмадингиз,
Ишонч ёрлигим олганлар, ҳеч гумонимдан
ўтмасми?

Ўзга барно, ўзга дилдор қалбингизни макон
этмиш,
Ул ўқ суяк қадар етмиш, гирибонимдан
ўтмасми?

Сизни гулдай гўзал қизлар гулистонларга
чорлайдур,
Куз аталмиш фотиҳ фасл, гулистонимдан
ўтмасми?

Жону жаҳонимсиз менинг, давру давронимсиз
менинг,
Мендек гулдан ўтган даврон, ўшал хонимдан
ўтмасми?

Неки бўлсам ишқда бўлдим, бунёд ўлдим,
барбод ўлдим,
Бу ободлиг, бу барбодлиг хонумонимдан
ўтмасми?

2000 йил

* * *

Инону ихтиёримни муҳит эркига бердим ман,
Қарору беқароримни замон илкига бердим ман.

Муҳит деворлари ичра на қалб, на эътиқод қолмиш,
Садафу зарларим кетди, синиқ дурларни тердим ман.

Бу қасрлар, бу асрлар улуснинг қонидан бунёд,
Сўз-ла малҳам бўларман деб, бекор кўкракни
кердим ман.

Йўлбарсча шиддатим йўқ-ку, шамширим давлатим
йўқ-ку,
Сўзимда ҳикматим йўқ-ку, нечун майдонга
кирдим ман.

Бу қуллар ичра қон қусдим, бу гуллар ичра
қон қусдим,
Телбаму соглигим билмай, ажаб ҳайрона
юрдим ман.

Бошинг ур деб неча хонлар, оёгин кўрсатиб келди,
Қонимда қон қилди исён бошни тошларга
урдим ман.

Гулжамолман, гарчи кўнглим вайроналиг ичра,
лекин,
Юрак қонимдан лой қориб, сўз-ла кошона
қурдим ман.

2000 йил

* * *

Бу дунёда юрагимга фироқдин яқин дўст йўқ,
Бу чўлу биёбон ичра Ширoқдин яқин дўст йўқ.
Бора-бора манзилим не, на ўзим, на ўзга билгай,
Бу йўл сўнгги кўринмайдир, йироқдин яқин дўст йўқ.
Ўзим ёқдим, ўзим ёндим, ўзим парвоналар бўлдим,
Шоирингга қалам бирлан чироқдан яқин дўст йўқ.
Неча дўсту ёрларимга кўзим гавҳарисиз дедим,
Энди билсам гавҳаримга қароқдин яқин дўст йўқ.
Не ёзгандур, не ёзмоқда, ўзим нелар ёздим билмам,
Бу шўриши пешонамга ? суроқдин яқин дўст йўқ.

2000 йил

ХИЁНАТ

Момо Ҳаво мени кечиринг!
Юзингизга оёқ босдим мен!
Сочларимни қирқиб осдим мен!
Дор бўлмади барибир улар...

Жаҳон Отин, мени кечиринг!
Тузингизни туэлуқ демадим.
Бу гумбаэдан чиқиб кетдим мен,
Пардаларни тортдим юзимдан...

Сиэ кечиринг, Тўмарис момо!
Қон лим мешга ганим бошинмас,
Бошин тиқдим ўэ дўстларимнинг
Мендан олинг қиличингизни...

2000 йил

ХАВОТИР

Менинг кимсасиэ бу ҳаётим...
Унга кимдир келади кириб
Тикилиб қарайди:
Оёқлар изи,
  Қўллар изи йўқ,
    Гуноҳлар изи йўқ
      Гуллар иси йўқ
        Лабларнинг изи йўқ ҳаттоки...

Фақат кўзи тушмасмикан-а
Қалбимдаги қалблар изига.

2000 йил

* * *

Бунчалар мен эрта таниб қўйдима,
Дунёни, кирларни бўйи бадларни.
Ҳаммадан кеч билдим ва кеч англадим,
Ўзим ҳақимдаги «ҳақиқат»ларни.

Илондай яшадим сиринғиз кўмиб,
Ўзим ҳам сув ичмай ариқларимдан.
Сиз илоним дея эркаламайсиз,
Илондай тўлгонсам огриқларимдан.

Ит каби вафодор бўлмадим, узр,
Хазинабон бўлдим, тамом, етади.
Игнангизни санчиб эркаласангиз,
Сизни илонлар ҳам ташлаб кетади.

Шундоқ ичингизга кирган бу илон,
Йигласангиз йиглар, кулинг кулади.
«Чиқмай» деса сиз ҳам қўймайсиз, энди,
«Чиқай» деса энди ўзи ўлади...

Шундоқ ичингизга кирган бу илон.

2000 йил

ОЛИС ОРЗУ

Мен бугун шеърларимни қоралаб қўяман,
Эрта улар мени қўяди оқлаб.

* * *

Сени шундай қаттиқ севаманки...
На юрагим, на кўксим чидайди бунга.

* * *

Менга шундай ишқ бердинг...
На ўлгим, на яшагим келар...

БУРИЛИШ

Отам йўлда ранги саргайган
Онам йўлда ранги саргайган,
Мен йўлдаман рангларим сариқ.

Кетмон ўйди отамнинг елкасини,
Тупроқ ёрди онамнинг товонини,
Қалам тилди менинг қўлларимни ҳам.

Отам тупроқ бўлиб яшади,
Хокисор яшади онам тупроқдай,
Лекин мен... Бу қисматга кўнмадим,
Мен яшадим фақат осмондай.

2000 йил

ОНАМ БИЛАН КЎЗИМ СУҲБАТИ

— Бошимдан қор эримади, онажон!
— Куйма сенга қуёш бераман, болам!
— Кўзимдан ёш аримади, онажон!
— Сен чидайсан, бардош бераман, болам!
— Она, менинг оёгимдан чалдилар.
— Дунёси шу, менам куяман болам!
— Нима қилай юрагимда қасос бор?
— Мен Тангримга айтиб бераман, болам!
— Бу бўҳтонлар ичра қандоқ яшайман?
— Сен шоирсан, сени биламан, болам!
— Она, ёмон санчияпти юрагим...
— Йўқ-йўқ...
Энди нима қиламан, болам!!!

2000 йил

НАФРАТ СОЯСИ

Мен қайдан билибман,
Сичқондай ерларни ковлаб яшашинг
Чоҳларингни ўзинг кўмдингми...
Мени кечир,
Мен бир адл яшаб ўрганган одам.
Оёгим остига қарамабман ҳеч,
Билмай босиб олдим думингни.

Мени кечир,
Тушимда илонга айланиб қолдинг.
Кейин бир шеър ёздим ўзингга ўхшаш,
Илондай чақади сени мисралар...
Мени кечир,
Биламан нафратинг кўп эрур менга,
Яна қора тортиб бормоқда руҳинг...
Сенда моҳият йўқ, Гўзал бўлсанг ҳам
Мени кечир,
Игво қилма!Мени қийнамас
Мен деб қийнаганинг тунларни.
Фақат товонимда гимирлаб қўяр,
Хунук хотираси Гўзал кунларнинг.

2000 йил

ЭНДИ

Бир тонг ёмон тушдан уйгондим,
Кўксимда бир гулим йўқ эди.

Ёмон куним ор қилди дўстим,
Чунки ёруг йўлим йўқ эди.

Давраларда мустарин турдим:
Дўстлар, дўстлар... пулим йўқ эди.

Қибла эди тўрт томоним ҳам,
На ўнгим, на сўлим йўқ эди.

Мажнун каби кетай дедим ёр,
Саҳройим йўқ, чўлим йўқ эди.

Нега ахир севмадинг, менга
Бундан ортиқ зулм йўқ эди.

Ёндим-куйдим, Ё раб не савдо,
Бир сиқим ҳам кулим йўқ эди.

Ҳаммасига қўл силкдим, бироқ,
Ўлай десам ... ўлим йўқ энди.

МУНАВВАР ТУЙҒУ

Ҳали узоқ яшаса бўлар
Хосият Рустамова

Ҳали узоқ яшаса бўлар,
То кўзимиз ишқдан интизор.
Бу дунёда гуллар бор ҳали,
Бу дунёда капалаклар бор.
Ҳали узоқ яшаса бўлар,
Токи ишқдек мунаввар гам бор,
Тонгдек маъсум гўдак кулгуси,

Ва майсадек маъюс онам бор.
Ҳали узоқ яшаса бўлар,
Токи танда ул азиз жон бор,
Пойимизда муқаддас замин,
Бошимизда ёруг осмон бор.
Ҳали узоқ яшаса бўлар,
Кўксимизда ширин зорлар бор.
Сотмайдиган дўстлар бор ҳали,
Садоқатли азиз ёрлар бор,
Ҳали узоқ яшаса бўлар,
Оппоқ сутдек оқ экан саҳар,
Кўксимдаги гуллар ўксиманг,
Ҳали баҳор келади, баҳор.
Ҳали у-з-о-о-оқ яшаймиз дўстим,
Токи ишққа ташнадир юрак,
Омон бўлса шу азиз туйгу,
Капалакка айлансак керак.

2000 йил

ШОИР ДЎСТИМГА ҲАСРАТ

Биз галати авлод бўлдик, жиндай шоирроқ,
Қалбимиздан туйгуларни қолдик чегириб.
Аросатда қолиб кетди бизни севганлар,
Биз севганлар кетди биздан юзин ўгириб.
Бўлсин дедик шаънимизни шонларга тўлиқ,

Гард юқмасин дея унинг гамини едик.
Бойвучча қиз жандалардан ор қилган каби,
«Ишқ дегани бизнинг шаънга ярашмас» дедик.
На қалб билан кенгашдик биз на ақл билан,
Икки ўтнинг аросида юрдик саросар,
Бир ҳайдалган остонага одам қайтмайди,
Ишқ қайтарми энди бизнинг қалбга, биродар.
Бекор бўлди туйғуларни қийнаганимиз,
Билдик, бизлар гамни эмас, гам бизни чеккан.
Дунё бизни олма янглиг отиб ўйнади,
Биз кеч билдик, шоирлик бу, ошиқлик экан.
Шоирмиз деб яшамабмиз шоирга ўхшаб,
Ишқдан боллар йигмабмиз ҳам биз боларидек.
Турибмиз биз даврнинг энг мансуб одами,
Ва давлатнинг энг фидойи аскарларидек.
Орзу эди менга Машраб осилган дорлар,
Бор борлигим билан бугун исёнга ётман.
Олдга қадам ташлай десам оёқларим йўқ,
Мен қўрқаман дўстим ахир тараққиётдан.
Жасоратдир бу замонда шеър ёзмоқ балки,
Балки шондир гап бошламоқ ишқ сурасидан,
Мен англамоқ истайдирман моҳиятим не,
Чиқиб кетсам дейман баъзан ер куррасидан.
Йигирманчи аср, менинг қалбим қаерда,
Дўстим, нега оқибатнинг меваси тахир?
Биз асрнинг фожиаси эмасмизми, айт,

Аср бизнинг фожиамиз эмасми ахир?
Қалбимизни асраб келдик боламиз каби,
Бўлмасин деб уни риёларга ҳамхона.
Биз ўшамиз, боласини багрига босиб,
Асрай-асрай боласини ўлдирган она.

Биз қалбига аза очган авлодмиз, дўстим....

2000 йил

ҚАДИМ САДО

Қанча шонинг бўлса Ватанни кўтар.
Ҳалима Худойбердиева

Боболар, мангусиз ватан багрида,
Хокларни ювдингиз қонингиз билан.
Овозингиз келар мозий қаъридан:
«Ватанни кўтаринг жонингиз билан!»

Руҳингиз қўллади Соҳибқироним,
Қаддимиз тикладик номингиз билан.
Темурий қиличлар садо беради:
«Ватанни кўтаринг жонингиз билан!»

Миллатни юракдек авайлаб, асранг,
Қиблангиз шу тўртта ёнингиз билан.

Қадимий садолар келмоқда, қаранг:
«Ватанни кўтаринг жонингиз билан!»

Юртнинг юрагини тинглангиз кўпроқ,
Унинг дардларидан айтингиз ўлан.
Ватаннинг ичидан овоз келади:
«Ватанни кўтаринг жонингиз билан!»

2000 йил

ШУКРОНА

Мен нажотсиз қолувдим,
Мен баётсиз қолувдим,
Ҳаётда яшаб туриб,
Мен ҳаётсиз қолувдим.
Бу ожиз тилларимга
Тиловатлар келдилар.
Шукр, бедор руҳимга
Ҳаловатлар келдилар.

Тўрт-беш кун яшаш учун
Умримни қарз олувдим,
Энди бас кетсамми деб,
Руҳлардан дарс олувдим.
Не бахтки тилларимга
Саловатлар келдилар.

Бу хароба руҳимга
Ҳаловатлар келдилар.

Кўз ёшларим кўзимда,
Дарёми денгиз эди,
Ёнимда дўстим кўп-у
Ич-ичим ёлгиз эди.
Дунёдан дилларимга
Надоматлар келдилар,
Маним бедор руҳимга
Ҳаловатлар келдилар.

Қирқ йил қақраган чўлда,
Суякларим қақшади,
Бир илоҳий кун кутиб,
Юракларим қақшади.
Ул кун келмасдан аввал
Маломатлар келдилар.
Шукр, энди руҳимга
Ҳаловатлар келдилар.

Сиз айтдингиз «Гулдек бўл,
Тошдан қаттиқдир бошинг».
Баъзан қоқилсин дейди
Қондан яқин қондошинг.
«Сен адосан», деб не-не
«Валломатлар» келдилар.

Қаранг адо руҳимга,
Ҳаловатлар келдилар.

Қуёшимсиз тоабад,
Нурларингиз сўнмагай.
Маҳшаргача ишқ билан
Сийланганлар ўлмагай.
Энди ўлмайсан деган
Аломатлар келдилар.
Шукр, қалбу жонимга
Ҳаловатлар келдилар.

2002 йил

ЎЛАН

Бог эрамдан атирлар келди,
Сариёглик патирлар келди,
Оқ рўмолли ботирлар келди,
Ё «ҳа» дегил, ё «йўқ» де, дилим.

Пари қизлар ҳолвангни ерлар,
Ош тортармиш мардона шерлар,
Тақдирингдан кўрасан дерлар
Ё «ҳа» дегил, ё «йўқ» де, дилим.

Кўнгил сўрар сендан бир мард бу,
Бошинг дорга қўйгувчи шарт бу,

Тангри ёзган азалий хат бу,
Ё «ҳа» дегил, ё «йўқ» де, дилим.

«Ҳа» десанг бас, мўъжиза ҳосил,
Бир умр бор баҳордек асил.
Навбат кутар бешинчи фасл
Ё «ҳа» дегил, ё «йўқ» де, дилим.

Шартин қўйгил Барчин парини,
Чорла тўқсон қалмоқларини,
Алпомишинг енгди барини.
...Дилим, барча ноэни қўй энди,
Қирқ кечаю, кундуэ тўй энди.

1996 йил

* * *

Ўларимда келоласизми,
Хат жўнатсам япроқ кафтида.
Энг сўнгги бор уйгонасизми,
Юрагимнинг қайноқ тафтида?

Бирга олиб кетоласизми,
Атиргулдек маъюс жисмимни,
Энг сўнгги бор ҳазин пичирлаб,
Айтасизми менинг исмимни?

Қиёматда суякларимни,
Йигиб келса агар Худойим,
Ўша куни лабим пичирлар,
Сизга бўлар менинг дуойим.

Омон бўлинг қиёматгача,
Юрагимни ёқмоқда видо.
Унутсангиз агар исмимни
Мени сизга эслатар Худо.

1998 йил

ЖАЖЖИ ДИЛФУЗАГА

Жонимдаги жон дарахтим,
Бу дунёнинг бўстонида.
Турна бўлиб учгим келар,
Кўзларингни осмонида.
Эртаклардан келган қушим,
Жонимга пайвандим менинг,
Ўрмондаги тулкичалар,
Қуёнчалар дўстинг сенинг.
Дилфузамсан, дилфайзимсан,
Кел, кўзингни бир бор кўрай.
Эртакларни қўй, мен сенга,
Дардларимдан айтиб берай.
Маъюс-маъюс кўзчаларинг,

Йўлларимга қарайдими?
Бир кун кетсам, тупроқлардан
Мени Ватан сўрайдими?
Жоним, менинг, ҳумо қушим,
Кўксимдаги тилагимсан,
Сени қучиб шивирлайман:
Юрагимсан, юрагимсан!

2000 йил

ТОҒЛАРИМ

Укаларим Умиджон ва Акрамжонга

Икки тогим, икки суянчим,
Қаролари икки кўзимнинг.
Кўзингиздан ахтараяпман,
Мен йўқотиб қўйган ўзимни.

Худо мени шоир қил дедим,
Бу дунёга келмасдан ҳали.
Лек арзирми маним шеърларим,
Кўксингизга фахр бўлгали?

Мен дунёга дадил айтаман:
Эй сен дунё — гуноҳнинг кони.
Отам умри тариқат бўлсин,
Байроқ бўлсин онам иймони!

Ўргандикми яшаш илмини,
Биз бу қондан қандоқ тонамиз.
Билинг отам тупроқдайин пок,
Нондек ҳалол бизнинг онамиз.

Сиз бор бўлинг менинг тогларим,
Мангу баланд бўлинг илойим.
Сиз отамни, онамни асранг,
Шунда Сизни асрар Худойим.

Шундай яшар шоир опангиз,
Юрагидек қўриқлаб гамни.
Сизлар тогсиз... лек тупроқ бўлинг,
Пойларида мунис онамнинг.

2002 йил

КАТТАҚЎРҒОН АЁЛЛАРИ

Дур тўкилгай забонингиздан,
Гул тўкилгай товонингиздан,
Қушлар учсин айвонингизда,
Хонимлари Каттақўргоннинг
Ойимлари Каттақўргоннинг.

Тахт, кўшклардан аталган жойи,
Сиз бор, бўлмас қиёмат қойим.
Сиз кўргони катта бегойим,

Хонимлари Каттақўргоннинг
Ойимлари Каттақўргоннинг.

Дарёни банд айлаб сўз билан,
Тогни йиқитасиз кўз билан,
Хонлар ҳисоб қилган сиз билан,
Хонимлари Каттақўргоннинг
Ойимлари Каттақўргоннинг.

Ноқис ўтди ишқингизда дог,
Не шоирлар туздилар гулбог,
Сиз севилинг, севинг беадог,
Хонимлари Каттақўргоннинг
Ойимлари Каттақўргоннинг.

Ўн саккизда ҳурга ўхшайсиз,
Қирқда қирмиз қирга ўхшайсиз,
Элликдаям гулга ўхшайсиз,
Хонимлари Каттақўргоннинг
Ойимлари Каттақўргоннинг.

Гулга тўлсин босган изингиз,
Мудом ёруг бўлсин юзингиз,
Юрт сўрасин ўгил-қизингиз,
Хонимлари Каттақўргоннинг
Ойимлари Каттақўргоннинг.

2000 йил

ЭҲТИРОМ

Ажойиб инсон Ҳалима опа Мардиевага

Сиз ойимсиз осмонларга бериб бўлмас,
Жаҳонимсиз жаҳонларга бериб бўлмас,
Сизни бизга худо сийлов қилиб берган,
Минг бир давру давронларга бериб бўлмас.

Каттақўргон гули сиздан сиёҳ олган,
Биздек дарвешлари нарзу ниёз олган,
Жаннатдаги париларни ҳеч гапирманг,
Фаришталар асли сиздан қиёс олган.

Камтаринсиз, кўшкингизга етмас биров,
Йўлингизни қилча кесиб ўтмас биров,
Сиз яхшилик, одамийлик тимсолисиз,
Остонангиздан ноумид кетмас биров.

Гарчи ҳажр кўнглингизни ярим қилди,
Ҳеч айтмангиз: топган мулку зарим қилди,
Қандай тақдир берса кўнмай илож йўқдир,
Неки қилса ўшал Аллоҳ Карим қилди.

Кўнглингизни ҳеч чўктирманг, дарё бўлинг,
Давраларда сиз булбулигўё бўлинг,
Беш ўгил, беш қиз набира гиргиттону.
Боглари ҳеч хазон бўлмас дунё бўлинг.

Сиз онамсиз, суянч тоғим, омон бўлинг,
Мен юзларга кирган чогим, омон бўлинг,
Сочдан тирногингиз қадар худо суйсин,
Мангу хазон бўлмас богим, омон бўлинг.

Сиз ойимсиз осмонларга бергим келмас.

2000 йил

ЎЗБЕКИСТОН АЁЛИГА

Йиқитару тиргаклар бор бу дунёда,
Бизни алдар эртаклар бор бу дунёда.
Тўртта чўпни уй деб тикка қилолмайин,
Ўтиб кетган эркаклар бор бу дунёда.

Сиз аёлсиз, сирингизни гулга айтинг,
Кетаётиб узун-узун йўлга айтинг.
Дард кўрмаган дард биларми, жоним опам,
Эр билмаса дардингизни кулга айтинг.

Қиличларнинг шиддатидек шиддатингиз,
Эл ичида эъзоз топсин ҳурматингиз,
Аёл шаънин бошингизда асраб юринг,
Париларга мавзу бўлсин суҳбатингиз.

Дил давронлар сургунича бор бўлингиз,
Кўзингиз бахт кўргунича бор бўлингиз,

Бу дунёда ойю қуёш тургунича,
Ўзбекистон тургунича бор бўлингиз.

2000 йил

ВИДО АЙТИМИ

Устозим Муҳаммад Юсуф хотирасига

Дарёлардек оқиб ўтган огам қани,
Худойимга ёқиб кетган огам қани,
Эски уйдай чўкиб қолди елкаларим,
Бошларимни эгиб кетди бу гам мани.

Қабрингиздан чиқинг, бир бор кўрай ога,
Не бўлди деб ўзингиздан сўрай, ога,
Сиз йўқсиз-ку, наво тинган, бу дунёда,
Қандоқ қилиб шоирман деб юрай ога?

Ялпизларга айланмоққа шошдингизми?
Биздан кўра ер олдими тафтингизни?
Қишлогингиз ялпизларин кўрпа қилиб,
Тупрогига юзларингиз босдингизми?

Кўзингизда кўрганларим мунг эканми?
Шундоқ огам тупроқларга тенг эканми?
Худойимнинг кенг дунёси тор келди-я?
Қайиқчадек қабри шунча кенг эканми?

Руҳингиз бор бул чаманнинг гулларида,
Яшагайсиз қизгалдоқнинг дилларида.
Қадамимда кўзларингиз қараб турар,
Қандоқ юрай Андижоннинг йўлларида?

Юрагимни ярим қилди бу гам ахир,
Гамга дўниб қолди бунда ҳар дам ахир,
Хаслар тирик, гиёҳчалар, тошлар тирик,
Нега ўлар маним шоир огам ахир?

Ўлди дерлар! Кўзимда нам: Розимасман!
Кўксимда ўт, багримда гам: Розимасман!
Худойимга айтдим: ахир бу не ҳукм,
Сизни кўмган тупроқданам розимасман!

Сиз тинч ётинг, бирга-бирга гул кечармиз,
Кавсар гулин гулобидан ичишармиз,
Майса бўлиб, ёмгир бўлиб ога-сингил,
Қиёматда ҳали шеърлар ўқишармиз.

Эски уйдай чўкиб қолди елкаларим,
Бошларимни эгиб кетди бу гам мани.

2002 йил

БЕДОР ҚЎНҒИРОҚ

«Дог ўлдик, догимиз устидан юринг».

Дилимдан гам тошин кўтарсам,
Киприкда кўз ёшим кўтарсам,
Ўн саккиз минг олам бузилгай,
Пойингиздан бошим кўтарсам.

«Умримга киринг деб ёзиб юбордим»

Насим бўлиб боглардан ўтдим.
Кимга келдим, кимлардан кетдим.
Англаганим: Сизни топдим-у,
Ўздан кетдим, ўзимга етдим.

«Хизматимга қуёш, шам лол келармиш».

Маломатлар келди кўнглимга.
Надоматлар келди кўнглимга.
Гамлар ичра исмингиз айтсам,
Ҳаловатлар келди кўнглимга.

«Қайга кетди бизни суйган қуёшлар, ойлар».

Фақат кўкка кўксимизни ёрайлик, дедим.
Руҳимизни руҳимизга қорайлик, дедим.

Сиз бошимда туринг мудом қуёшим, ойим,
Маҳшаргача бирга-бирга борайлик, дедим.

«Турк — Туроннинг қўнгироги бўлурман»

Дунё — зулмат. Сиз чироқдирсиз.
Ич-ичимда тик байроқдирсиз.
Гафлатлардан уйготмоқ учун,
Руҳимдаги қўнгироқдирсиз!

(Қўштирноққа олинган сатрлар Ҳалима Худойбердиеваники)



БАХТ ДАСТХАТИ



УМИД

Биламан бир кун келиб,
Руҳим оппоқ бўлгайдир.
Билмам қирқ йилдан кейин,
Ҳолим қандоқ бўлгайдир.

Хазон бўлди гулларим,
Хазон бўлди йилларим,
Бу хазонлар қайтадан,
Қачон япроқ бўлгайдир.

Гулдан яралгандим-ку,
Нурдан яралгандим-ку,
Наҳот оппоқ қўлларим,
Қаро тупроқ бўлгайдир.

Гоҳ гамларга тўларман,
Эй не бўлсам бўларман,
Не бўлсам ҳам сўзларим
Элга байроқ бўлгайдир!

2003 йил

КЎЗИМГА ҚАЙТИНГ

Эй кўнгил, бунчалар гам сели қайдан,
Дарахтлар гуллаган шундай гўзал дам.
Гуллаган богларда хазонга не бор?
Баҳорда ҳам бахтсиз бўларми одам?

Эй ёр, сизга бердим гулгун фаслимни,
Эй ёр сизга бердим, кўнглим-аслимни.
Баҳорнинг боглари кузга таслимми,
Гулламоқ фаслинда сўларми одам?

Мен энди бегона, мени қўйингиз,
Боқсам кўзларимга сигмас бўйингиз,
Бир кун ўлдирмаса эди кўйингиз,
Дийдор учун жонин тўларми одам?

Эй ёр, пойингизга тўкилмиш байтим,
Минг йилки, кўрмадим кўзимга қайтинг,
Оввора бўлмасин...ажалга айтинг,
СИЗни бир кўрмасдан... ўларми одам?!

2004 йил

МЕНИ КЕЧИР

Кечир сени асрай олмадим,
Балолардан, зимистонлардан.

Ҳаётингга фариштa бўлиб
Киролмадим, мени кечиргил!

Кечир, сени севдиму лекин,
Бир тумордек асрай олмадим.
«То ўлгунча севасанми» деб
Сўролмадим, мени кечиргил!

Сенгача йўл бир қадам эди,
Сени излаб кездим дунёни.
Лекин ўша битта қадамни,
Юролмадим, мени кечиргил!

Қўлларингни қўлларим топди,
Кўзларингни кўрди кўзларим.
Аммо қалбинг яраларини
Кўролмадим... Мени кечиргил.!

Мен ишқингда не бўлсам бўлдим
Ҳолим хароб адолар бўлдим.
Фақат сенга битта кўзмунчоқ,
Бўлолмадим, мени кечиргил!

Мана бугун келдим, қошингга,
Сахроларни кезиб сарсари.
Энг сўнгги дам сени бир кўрмай,
Ўлолмадим... Мени кечиргил!

Ўлолмаяпман. Мени кечиргил
Ҳаётингга фариштa бўлиб
Киролмадим, мени кечиргил.

2003 йил

МЕНСИЗ

Менсиз ҳам ҳаётинг чиройли эди,
Мен билан бўлди у яна чиройли.
Ва яна менсизсан, лекин барибир,
Кунларинг қуёшли, тунларинг ойли.

Мен сенсиз бахтларнинг исмин унутдим,
Сенсизлик... тоабад зулматдир тақдир.
Не учун менсиз ҳам яшнайверасан,
Нега менсиз бахтсиз эмассан ахир?

Сенсизлик қалбимни кетмиш пичоқлаб,
О, сенинг куйларинг ҳамон авжида.
Мен сенсиз Худодан кетдим узоқлаб,
Сен эса Худога яқинсан жуда.

2004 йил

СИЗГА

Сизнинг борлигингиз
нақадар яхши,

Дунёда гулларнинг
борлиги каби...
Сизнинг борлигингиз
нақадар яхши,
Яшил майсаларнинг
овози янглиг.

Сизнинг борлигингиз
нақадар яхши,
Муқаддас сўзларнинг
мавжудлигидек...
Сизнинг борлигингиз
нақадар яхши,
Самимий қўлларнинг
эҳтиромидек.

Сизнинг борлигингиз...
Бу гўзал маъно,
Осмон каби улкан,
осмон каби кенг.
Сизнинг борлигингиз
нақадар яхши,
Дунёда борлиги каби
ХУДОнинг!!!

2003 йил

* * *

Мен бир кун ўлганимда
Ёримни бир кўрай деб,
Очиқ қолган кўзимни
Юмиб қўйсинлар, дедим.

Мен бир кун ўлганимда
Эсиз-а, эсиз жони,
Дея маҳзун хаёлга
Чўмиб қўйсинлар, дедим.

Ёрижоним васлинг деб
Мен бир кун ўлганимда
Остонангга бошимни
Кўмиб қўйсинлар, дедим.

2004 йил

ХАВОТИР

Энди бахтли бўлармиканмиз,
Дилда яна қайгулар, гамлар.
Энди бахтга кечиккандаймиз,
Сўнгандайин биз ёққан шамлар.

Биз деб куйган фасллар ўтди,
Ўтди бизни ўпган саболар.

Тарк этгандек ишқ шивирлари,
Дилда тагин гамгин наволар.

Бир пайтлар, эй ошиқ йигит,
Айтар эдинг:
— Ҳаётимга кир!
Олдда мени кутяпти бахт деб,
Сени ташлаб кетгандим, кечир!

Жуда бахтли бўлгим келяпти,
Кўзимдан ёш қуйилар кулсам.
Нима гуноҳ ахир менда ҳам,
Саробларга ишонган бўлсам.

Бугун шундоқ бир гариб ҳолман,
Юрак тўла қайгудай, оҳдай.
Не қиларим билмайин лолман,
Олтинлари мис чиққан шоҳдай.

2002 йил

ЭЪТИРОФ

Юрагимда тинчим йўқ,
Дунёдан илинжим йўқ.
Худодан ўтинчим йўқ,
Сизга қолган куним бор.

Рангим сомон, азизим,
Бу не замон, азизим?
Ҳолим ёмон, азизим,
Сизга қолган куним бор.

Тиглар занглар кўксимда,
Губор, чанглар кўксимда,
Мудом жанглар кўксимда,
Сизга қолган куним бор.

Сизми бошимда тожим,
Ишқим — дунёга божим.
Бору йўқ эҳтиёжим,
Сизга қолган куним бор.

Руҳим бор нур, зиёда,
Бугун қайгум зиёда.
Ҳеч нарсам йўқ дунёда,
Сизга қолган куним бор.

2004 йил

ДЕЙДИЛАР

Куярмиш кўрган кўнгил,
Ишққа юз бурган кўнгил,
Ёшликда берган кўнгил,
Ёмон бўлар дейдилар.

Йиллар қоқсалар чангинг,
Кетказармидир зангинг.
Севганингда ол рангинг
Сомон бўлар дейдилар.

Кўксида бўлса бошинг,
Тўкилмаса кўз ёшинг.
Васл онларинда қошинг,
Камон бўлар, дейдилар.

Ҳолим гам сиёҳинда,
Унсам ҳар гиёҳинда,
Бошинг ёр оёғинда
Омон бўлар, дейдилар.

Ишқ йўлинда гам чексанг,
Ҳажрында чўксанг, чўксанг.
Кўз ёшларинг юзингда
Равон бўлар, дейдилар.

Икки дунё йўқ висол,
Висолинг менга завол.
Ёрни кўрса Гулжамол,
Тамом бўлар, дейдилар.

2004 йил

ОШИҚ ХАЁЛИ

Мен дунёни ишқим билан забт этсайдим,
Ошиқларнинг оёқ гардига етсайдим.
Дунёсига хайр-хушлар айтиб кейин,
Тупроқ билан ошно бўлгали кетсайдим.

Тахтим баланд бўлса шоҳлар тахтидан ҳам,
Бахтим гўзал бўлса ҳурлар бахтидан ҳам.
Ишқ шаҳрида маликалар тожин кийиб,
Ёр багрига ойдай тўлгали кетсайдим.

Недин ахир руҳимдаги хавотирлар,
Сиз қайдасиз эртакдаги баҳодирлар?
Неча йилки, дунё дилим маъюс қилди,
Энди бахтдан хушнуд кулгали кетсайдим.

Гулман дедим, ёр, багрингда яшнатмадинг,
Бир лаҳза ҳам ободликда яшатмадинг.
Сенинг азиз дийдорингни кўрарман деб,
Остонангда гулдай сўлгали кетсайдим.

Бир бор тўлса кўзларимга у қоматлар,
Кейин майли бўлиб кетса қиёматлар.
Не бўлса ҳам ёр кўксига бошим қўйиб,
Васлин кўриб, сархуш ўлгали кетсайдим,

Ёр багрига ойдай тўлгали кетсайдим.

2002 йил

ДЎСТИЖОН

«Қани анҳор, маниким оқибат
дарёга етказгай!»
Румий

Ай дўстижон, кўзларингни бир кўрай,
Худо бизга бахт берганми билмадим.
Менинг учун борлигингни ўзи бахт
Дунё сендай гул кўрганми, билмадим.

Юрагимни қийнаб ётар дийдоринг,
Сочларингни толасича озоринг.
Йигиштирсанг бўлмасми бу бозоринг,
Ахир мен ҳам гамсиз юртдан келмадим.

Дўстижоним, дунё биздан қолар-ку,
Қолганда ҳам ўз ҳаққини олар-ку.
Бошимизга не савдолар солар у,
Бахт бозордан бир бозорлик қилмадим.

Юзларингда Худойимдан нур кўрдим,
Кўзларингда ҳеч ким билмас сир кўрдим.
Ёлғиз сени ҳур кўрдима-а, ҳур кўрдим,
Сендан ўзга нурни кўзга илмадим.

Дийдорингни кўролмайин догдаман,
Ҳолингни бир сўролмайин догдаман.

Багрим ерда, туролмайин догдаман,
Минг йил бўлди жилмаймадим, кулмадим.

Магрур эдим, тикка кетган йўл эдим,
Согинчингда олов бўлдим, кул эдим.
Эрта-индин сўладиган гул эдим,
Сени бир бор кўрай дея сўлмадим.

Ўтиб қўйсанг бўлмайди-ку баҳримдан,
Қаҳратонлар қўрқар эмиш қаҳрингдан.
Сенга боллар ясаб берай заҳримдан,
Ўзим бемор, ҳеч табибинг бўлмадим.

Ганиматман, кўзларимни кўриб қол,
Бу офтоблиг юзларимни кўриб қол.
Кетаяпман, изларимни кўриб қол,
Меҳр тилаб осонангдан жилмадим.

Дўстижоним, айтгин қачон сенсизман,
Пойинг ўпганларинг аро тенгсизман,
Мен меҳрдан бунёд бўлган денгизман,
Багрингни оч, ҳеч баҳрга тўлмадим.

Бу эл ичра шоир деган шоним бор,
Шарафларга тўлиб кетган номим бор.
Бу лаззатлиг неъматларга тўйдиму,
Сенинг мунглиг дийдорингга тўймадим.

Худойимнинг дунёсида зерикдим,
Бощдин охир рўёсида зерикдим.
Ўзинг менга бир дунё бўл дўстижон,
Бу дунёда ман сани деб ўлмадим.

Кел дўстижон кўзларингни бир кўрай.

2004 йил

СЎНГГИ СЎЗ

Мен сизни безовта қилмасман ортиқ,
Билдим, бўгзингизга келди малолим.
Аммо мен нетайки ишқсиз дунёда,
Мудом буйнингизга тушмиш заволим.

Ёдингизга ёдим малоли келмиш,
Кўзингиз зериккан, мендан, биламан.
Гўзал туйгуларим хўрланган жойда,
Мен нима қиламан?

Йиглаб чорламасман иложин топсам,
Энди кўзингизда отмас тонгларим.
Нурдан тупроққача сирли дунёда,
Мен Сизни англадим.

Нур излаб келгандим дунёингизга,
Зулматлар дарчасин ёполмадим ҳеч.

Айрилиқ ранглари тўлган дунёда,
Мен яшил рангимни тополмадим ҳеч.

Хайр, мен — ўзига бегона одам,
Сизга ҳам қадрдон бўлмогим қийин.
Мабодо согиниб қолсангиз агар,
Кўнгироқ қиларман...
Минг йилдан кейин.

2004 йил

САН ЎЗИНГ

Сан ўзинг дўстижоним,
Ҳам ўзинг қасди жоним.
Сенга гам тутса синсин,
Дунёнинг дасти, жоним.

Қанча жабр етказдинг,
Онча сабр етказди.
Жаннатлардан кўринди,
Бўйингнинг басти, жоним.

Кўзларингда ўлмасам,
Сўзларинг деб ўлмасам.
Бўлармидир кўзларинг,
Кўзимнинг масти, жоним.

Чорламадинг, келмадим,
Ҳеч билмадим, билмадим.
Пойларингда бул қадрим,
Хазонми, хасми, жоним.

Дерлар: чин ишқ нурамас,
Ошиқ қадр сўрамас.
Лек беқадр дунёнгда,
Дилни гам босди, жоним.

Не гамларни кўрдим-ку,
Аламларни кўрдим-ку,
Чикора энди дуннинг,
Баланду пасти, жоним.

Қонларингда оқмасам,
Жонларингни ёқмасам,
Дунёларин ёқарман,
Гапимнинг рости, жоним.

2004 йил

ҚАҲРЛИ ГУЛ

Яхши бўлди, сендан айрилдим,
Кетмогим чун топиб бердинг йўл.
Бу дунёда сени топдим, деб,
Йўқотибман ўзимни буткул.

Яхши бўлди, ечилди бугун,
Оёгимдан бу занжир, бу гул.
Икки дунё сени шоҳим деб,
Қул қилибман ўзимни буткул.

Яхши бўлди, ёмон бўлса ҳам!
Юрагимни эзса ҳам дардинг.
Мен ақлини топган телбадай,
Пойларингдан бошим кўтардим.

Кечир, озор бериб меҳрим-ла,
Зериктирдим, мен — содда, мен — гўл.
Бу дунёда сени борсан деб,
Бошқалардан кечибман буткул.

Худойимнинг жазоси қутлуг!
Сендан кетдим, эй қаҳрли гул.
Шукр, шукр сени ёд этиб,
Унутмабман Худони буткул.

Шунинг чун ҳам омон бўл энди,
Мен барига силкиб қўйдим қўл.
Англадимки, сени йўқотсам.
Худойимни топарман буткул!

Энди хайр, энди алвидо!
Бари рўё, бари сароб, кул.

Даргоҳингга сигмаганимдай,
Юрагимга сигмассан буткул.

Мен меҳрманд, телба гўдакдек,
Кўз ёшимга ёмон тойирилдим.
Яхши эди... сени топганим,
Яхши бўлди... Сендан айрилдим.

2004 йил

ҚАҲРАТОН

Нима бўлди, нималар бўлди,
Икки ёнга кетдик айрилиб.
Кетарканман қарагим келди,
Сўнг бора ортимга қайрилиб.

Қарамадим, қарай олмадим,
Эгсам ҳамки бу магрур бошни.
Ҳеч кўрсатгим келмади Сизга,
Кўзларимга тўлган кўз ёшни.

Мен меҳрлар бергандим Сизга,
Ёниб ёниқ оташ меҳрлар.
Бугун менинг қўрларим сўнган,
Бугун Сизни кимлар сеҳрлар.

Маъюсланиб қоласиз, ногоҳ,
Нафратмидир кўксимда ўсган?
Зор бўласиз бир кун, барибир,
Жаннатларда топилмас ҳисга.

Кимдан хато ўтди, билмадим,
Сиз ҳануз жим, мен ҳамон жимман.
Қаҳратонли бир совуқ кунда,
Худо бир ўт олар кўксимдан.

«Қайтариб бер меҳрингни» дейсиз,
Билмайсиз, қалб гамдан толганин.
Пичирлайман совуқ, хотиржам:
«Банда бермас Худо олганин».

2004 йил

ЁМҒИРЛИ КУНЛАР

Мени кузатасан ёмғирлар билан,
Илоё офтоблар кузатсин сени.
Кетяпман дардингни тузата олмай,
Энди дуоларим тузатсин сени.

Мана кетаяпман шу сўзни айтиб,
Уфқларга сачраб дилимнинг ранги.
Мени таъқиб этар қиёматгача,
Ёмғир шивирию исминг жаранги.

Менам дарвеш эдим, эй Машраб бобо,
Бугун жонга тегди кулоҳ-жанда ҳам.
Менинг кўзларимдан ёш тинмагандай,
Ёмгирлар тинмабди Самарқандда ҳам.

Энди хайр эмас, алвидо, дўстим,
Ранжима согинчлар эзган багирдан.
Сен — кузда адашиб қолган баҳорсан,
Мен — ёзда адашиб ёққан ёмгирман.

Сен сира куйинма, бори айб менда,
Йўллар юрагингга бошлади мени!
Тошкентга келгандим, гуноҳкорсан, деб,
Ёмгирлар савалаб ташлади мени.

Энди кузатмайсан ёмгирлар билан.

2004 йил

МАКТУБ

Эй дўст, ҳаётингдан кетмасам бўлмас,
Мен шундоқ жавоби йўқ бир саволман.
Сочдан тирногингга қараб англадим,
Сочимдан тирногим қадар малолман.

Сени унутсайдим тонглар отгунча,
Сени унутсайдим ойлар ботгунча,

Қиличинг озорин севибман бунча,
Ўзимнинг жонимга ўзим заволман.

Юзимга дог тушди кўкдаги ойдан,
Дилга гамлар келди сен борки жойдан,
Кўксим яраланди сен отган ёйдан,
Сенинг қўлларингда сен деб уволман.

Дилинг қудугига боглаб сол мени,
Ҳолим шундоқ забун, хаста ҳол мени.
Пойингда топталдим... ердан ол мени,
Сочингни согиниб ётган рўмолман.

Гарчи кўксинг аро тўкилдим, тўлдим,
Меҳринг айёмида йигладим-кулдим,
Қумдан кўза ясаб оввора бўлдим,
Лойи ҳеч пишмаган ношуд кулолман.

Меҳрингни қизганма йўлларимга соч,
Эй меҳрибон жаллод, бошимдаги тож,
Гадолар тиланса эшигингни оч,
Пойингга бош уриб ўтган шамолман.

Энди юрмагайман тошга дил ёриб,
Хазондай саргайиб, гарибдан гариб,
Қиёмат кунида қошингга бориб,

Секин шивирлайман:
Мен....
Гулжамолман !!!

2004 йил

БАХТ ДАСТХАТИ

Умидландим, кўп умидландим:
Манглайда бахт дастхати бордир.
Сендан айрилдим-ку бунда ҳам
Худойимнинг ҳикмати бордир.

Топганим ҳам бежизга эмас,
Ҳикмат туйдим йўқотганим дам.
Мен сендан ўзимни топибман,
Эй ўзини топмаган одам.

Сени топиб, топдим ўзимни,
Гарчи багрим, юрагим яро.
Ахир умрим йиглаётибди,
Йўқотишлар-топишлар аро.

Бир ҳикматни англадим, етдим,
Бежизга ҳеч кирмамиш тикан.
Топганим бу — йўқотганимдир,
Йўқотганим топганим экан.

«Дийдор энди қиёматгами?»
Дилга шундай қайгулар келди.
Топганимда йиглайман маъюс,
Жилмаяман йўқотсам энди.

2004 йил

БЕВАФО ДЎСТ

Сочимдан тирногим қадар севилдим,
Оловдан тупрогим қадар севилдим.
Бир ёруг юз излаб дунёлар кездим,
Худойим, юзингдек юзни топмадим.

Ҳар ким муҳаббатга ҳар йўлдан борар,
Ким арқондан борар, ким қилдан борар.
Ишқни ўйин билган йигит кўрдиму,
Ишқ деб йигламаган қизни топмадим.

Менам яхши шоир бўламан чоги,
Сенга шеър ёзолмай ўламан чоги.
Онажон, сен мендан огринма сира,
Таърифингга арзир сўзни топмадим.

Тунларим ёнади: Сени бир кўрсам,
Кунларим ёнади: Сени бир кўрсам.
Ёрни кўрганида васл завқиндан,
Юлдузедек порламас кўзни топмадим.

Кеча юрагимга нурдек тўлган дўст,
Бугун қаргаларга ошно бўлган дўст,
Багримни минг бора пайпаслаб кўрдим,
Негадир... негадир... Сизни топмадим.

2003 йил

ХИРГОЙИ

Қачон гул очаркинман,
Қачон нур сочаркинман.
Худойим-а, Худойим,
Айтгил, ўзи мен КИММАН?
Айтгил, ўзи мен КИММАН?

Дунёнгдек золим йўқдир,
Заҳрим кўп, болим йўқдир.
Мен курашиб чарчадим,
Яшашга ҳолим йўқдир,
Яшашга ҳолим йўқдир!

Ёр, кўзим бойла мани,
Кел, телба айла мани,
Ўлиб қолсам нетарсан
Жонингга жойла мани,
Жонингга жойла мани!

Замон ҳолим сўрмади,
Макон ҳолим сўрмади,
Манам томчи эдим-ку,
Уммон ҳолим сўрмади,
Уммон ҳолим сўрмади!

Қачон гул очаркинман,
Қачон нур сочаркинман.
Худойим-а, Худойим,
Айтгил, ўзи мен КИММАН?
Айтгил, ўзи мен КИММАН?

2003 йил

АЗАЛ ҚОНУН:

Менам банда, Худойимдан бир нур сўраб юрибман,
Атрофим лой, мен қалбимни гулга ўраб юрибман.

Дўсту ёр кўп, лек барибир, азал қонун биттадир:
Ўз бошимга ёққан қорни ўзим кураб юрибман.

Эҳтимолки, зоҳиримга тоглик бермиш Худойим,
Оҳ, нетайки, юрагимни доглиқ бермиш Худойим.

Айтурларки: сиз бир тогсиз, гамлар сизга кор қилмас,
Билмасларки, ич-ичимдан нураб-нураб юрибман.

Билмай қолдим, ўз умридан безорликми тириклик,
Ё шунчаки бир ўйинми, бекорликми тириклик.

Эл корига ярайман деб қўлга қалам тутгандим,
Бу не замон, ўз коримга зўрга яраб юрибман.

Мунофиқлар ичра қолиб кетган тошман эҳтимол,
Қибласини тополмайин қолган бошман эҳтимол.

Тилимдаги тиловатни қушлар олиб кетдилар,
Не бахт, бугун Худойимни дилга жойлаб юрибман.

Бир умрида бир гуллашга зориққан дарахтдекман,
Баҳорини кутавериб зериккан дарахтдекман!

Бир пайтлар ажал маним йўлим пойлаб юрарди,
Не тонг, бугун ажал йўлин ўзим пойлаб юрибман.

Бир умрида бир гуллашга зориққан дарахтдекман...

2003 йил

ИККИ ҚЎРҒОН

Онанг кетса савлатларинг кетгайдир,
Отанг кетса давлатларинг кетгайдир.
Шу иккала қўргонингдан айрилсанг,
Манглайдаги зархатларинг кетгайдир.

Отаси йўқ, чўлда қолган гиёҳдай,
Онаси йўқ, ранги рўйи сиёҳдай.
Кимнинг агар қўргонлари йиқилса,
Тўрт томондан тўрт минг озор етгайдир.

Нари борса тўрт йил кутар дилдоринг,
Ўн йил кутар садоқатли дўст-ёринг.
Отанг шунда сабртошга айланар,
Онанг қирқ йил кўз юммайин кутгайдир.

Отанг ўлса, ўлди дема ҳаёт у,
Кўксингдаги сўнмайдиган баёт у.
Ногоҳ агар йўлларингда қоқилсанг,
Онанг руҳи қўлларингдан тутгайдир.

Бошингга иш тушганида синаб кўр,
Гамингга гам қўшганида синаб кўр.
Кимларингдир сен деб кўз ёш ютар лек,
Отанг қилич, онанг қонлар ютгайдир.

Шон-шуҳратинг кетса кетар дўстларинг,
Мол-давлатинг кетса кетар дўстларинг.
Отанг-онанг қолар сенла, қолгани
Шунчаки... кўчангдан бир-бир ўтгайдир.

2003 йил

АФСУС

Майса бўлиб келсам дунёга,
Бўлармидим балки бахтлироқ.
Худойимнинг бандаларгамас,
Ялпизларга шафқати кўпроқ.

Дарахт бўлиб келсам дунёга,
Япроқларда яшарди сирим.
Дарахт бўлсам гуноҳ ичрамас,
Ибодатда ўтарди умрим.

Мен на майса, на дарахт бўлдим,
Қайгуларга ўралди сатрим,
Одам бўлиб яшолмаяпман,
Қачон осмон бўламан, Тангрим?!

2003 йил

ДУОТАЛАБ РУҲ

Яхши фарзанд бўлолмадим ҳеч,
Кўпайтирдим бошимда гамни.
На отамнинг дуосин олдим,
На дуосин олдим онамнинг.

Бировларга эгилавериб,
Кетди отам берган гурурлар.

Пойгакларда эзилавериб,
Ўлди онам берган сурурлар.

Мен шайтондек қувгинди одам,
Юраклардан ҳайдалган итман.
Мен — ўзимга қазилган қабр,
Мен ўзимга келган тобутман.

Тугилдимки, кўзгуга боқсам,
Кўзимда ёш турар жовдираб.
Ота, сенинг дуонгни излаб,
Сарсон руҳим юрар довдираб.

Мен ҳеч кимни ризо қилмадим,
Сиртмоқлардек тақдирим чигал,
Қарға, мени отажон, қаргаб,
Ажалимни чақириб бергил.

Жаннатларга ярашмас руҳим,
Тириклигим ўзимга хатар.
Ўз жонимга жабрим кўп менинг,
Бир жазом бор дўзахдан баттар.

Кимман ўзи, одамманми мен,
Босган ҳар бир қадамим гуноҳ.
На яшашни эплаган гулман,
На ўлишни эплаган гумроҳ.

Бир кун кетсам дунёни ташлаб,
Ота, ризо қилмасам сени.
Сен руҳимга оятлар айтма,
Бахтли бўл деб дуо қил мени!
Яхши фарзанд бўлмадим кечир.

2003 йил

ҲАВАС

Она, қандоқ ўйин бошлаб қўйдим мен,
Қандоқ савдоларга бошимни бердим.
Қандоқ саҳроларда юргандим, она,
Қирқ йил товонимдан тиканлар тердим.

Ҳаёт эгиб борар магрур бошимни,
Боқсам юрагимда мислсиз доглар.
Лекин ҳавасимни келтирар мудом,
Бировга суянмай юксалган тоглар.

Мен ахир тупроқдан куч олган қизман,
Тупроқнинг ичида қотган суягим.
Онажон, бу ўхшаш қисматни қара,
Отамнинг қўлидек қадоқ юрагим.

Ҳамон болалигим чорлайди мени,
Ҳамон турналарга келар ҳавасим.

Мен мудом гўдакка ўхшайман, она,
Ойнинг ёгдусига ўхшар нафасим.

Ҳануз майсаларнинг бошини силаб,
Шивирлаб айтаман:
— Нурдек тозаман.
Мудом капалакка эгиздир руҳим,
Ҳамон япроқларга шеърлар ёзаман.

Бироқ, қандоқ ўйин бошлаб қўйдим мен,
Бу қандоқ жангоҳдир еяр руҳимни.
Ҳар тонгки ортимга қараб айтаман,
«Мен шу оловлардан омон чиқдимми?!»

Тобора руҳимни эзар бир азоб,
Ҳар лаҳза руҳимда чақмоқда чақин.
Бўгзимга қадалиб келмоқда бир оҳ,
Тобора бошимга қиличлар яқин.

Онажон, мен бир кун осмон бўламан,
Сен ишон, руҳимда гуллайди боглар.
Ахир, ҳавасимни келтирар мудом,
Ҳеч кимга суянмай юксалган тоглар.

2003 йил

РУҲИМНИНГ ШЕЪРИ

Гарчанд бугун пойгакларда менинг жойим,
Гарчанд бугун унутилган бир даламан.
Лек бир куни пойим ўпиб келар тоглар,
Булутларга оёқ қўйиб юксаламан.

Ватанимга юрагимдан қон ичирдим,
Ҳур руҳимга ор ичирдим, шон ичирдим,
Шу ватаннинг юрагига бошим қўйиб,
Мен куёшга қўлим бериб юксаламан.

Азал абад шу тупроқнинг қизиман мен,
Тўмариснинг қонда қолган изиман мен.
Гарчи бугун осмон чорлар, лек барибир,
Мен тупроққа кўксим қўйиб юксаламан.

Шу тупроқдан юксалгайдур қўргонлар ҳам,
Тупроқ қучса қайнагайдур қумгонлар ҳам.
То тупроқда экан маним илдизларим
Мен тоабад юксаламан... юксаламан!

1997 йил

ШОИР ҲАСРАТИ

Она!
Давраларнинг гули бўлдим мен,
Ёлгон мақтовларнинг қули бўлдим мен.

Қуёшнинг тик кетган йўли бўлдим мен,
Қумлари тўзгиган чўлча қадрим йўқ.

Тўкила олмасман тўлганим билан,
Кимнинг ҳам иши бор ўлганим билан,
Нархимни осмонлар қилганим билан,
Бозорда сотилган қулча қадрим йўқ.

Юраги уйғоқлар хор ўтдиларми,
Мен каби қабрида қон ютдиларми.
Қандоқ олов эдим, унутдиларми,
Ўчоқда совиган кулча қадрим йўқ.

Ишқлари қиёмат қадар эдилар,
О, кошки билмасам, алдар эдилар,
Дарёдил шоир деб алқар эдилар,
Ай, бугун кўлмакча, кўлча қадрим йўқ.

Ватан, илдизларинг ватан айловдим,
Ялпизлардан яшил кафан айловдим,
Не-не чўлларингни чаман айловдим,
О, бугун қуриган гулча қадрим йўқ.

Бир ҳақ сўзни излаб сайёра эдим,
Бу юртда энг машҳур фаввора эдим.
Оввора эдим-а, оввора эдим,
Ҳамонки, тупроқча, гилча қадрим йўқ.

Мен бир шоир эдим, оҳанглари ҳуш,
Онамнинг қорнида кўрган эдим туш.
Мен озод богларда куйлаган бир қуш,
Қафасда ўлган...булбулча қадрим йўқ.

2003 йил

* * *

Ўзимни ўзимга қамаб қўйганман,
Дилимнинг дарзини ямаб қўйганман.
Сочим толасини санаб қўйганман,
Энди асрамасанг бўлмас, Худойим!

Қайгуни ўсмадек қошимга қўйдим,
Қандоқ гуноҳим бор, лошимга қўйдим.
Неки дард бердинг сен, бошимга қўйдим,
Энди асрамасанг бўлмас, Худойим!

Юқтирмайин девдим, дунё наҳсини,
Кўрдик-ку ганимнинг турфа рақсини,
Яшай деганимда кетсам яхшими,
Энди асрамасанг бўлмас, Худойим!

Туморлар таққулик шеърлар ёздим мен,
Офтоблар боққулик шеърлар ёздим мен.
Дунёни ёққулик шеърлар ёздим мен,
Энди асрамасанг бўлмас, Худойим!

Кимлардир мусаффо тонгдан айтурлар,
Шуҳрат истаганлар шондан айтурлар,
Қон кечиб келганлар қондан айтурлар,
Энди асрамасанг бўлмас, Худойим!

Шеърга жигар қонин ичирган қизман,
Кўксини тоглардан кўчирган қизман.
Манглайдан бахтини ўчирган қизман,
Энди асрамасанг бўлмас, Худойим!

Шундоқ бир жавобсиз саволман ўзим,
Лек бир ҳақиқатга етгайдир кўзим.
Мени ўлимдан ҳам қутқарар Сўзим,
Фақат асрамасанг бўлмас, Худойим!

2003 йил

ИЧИМДАГИ ИБОДАТИМ

Гулчиройга

Опа, қўлларингни согинаяпман
Мушфиқ елкаларимни силовчи
Меҳрибон қўлларингни...
Тинмай менга бахт сўрайсан
Худодан!
То бошинг омон экан,
25 ёшимда англадим, опа

Бахтсизлик ёмон экан,
Бахтсизлик ёмон экан.
Опажон!
Сўзнинг орқасидан юрибсан дейсан,
Тузнинг орқасидан юрибсан дейсан.
Кўзларингга термулсам
Пешонамдан ўпасан, гўё
Бахтим қулфларини очадигандек...

* * *

Опа!
Отам 40 йил кечган тупроқ бўлсайдим,
Онам 40 йил ўпган тупроқ бўлсайдим.
Бахтлироқ бўлармидим?
Опа!
Отам ичган шаробнинг қуйқусича
қадрим бўлсайди бу дунёсида.
Онам супурган хазонларча
Қадрим бўлсайди бу дунёсида
Яхши одам бўлардим, балки...

* * *

Опажон!
Саросар ўтмоқда умрим.
Тириклик шамига парвона бўлиб,
Бўгзимгача изтиробим бор,
Бўгзимгача гамим бор менинг.

Опажон!
«Қандайсан, омонмисан» дейсан
«Ҳаммаси яхши» дейман жилмайиб,
«Ҳеч қачон ҳаммаси яхши бўлмаган»
дейди кўзларинг...
Кўзларимни олиб қочаман.
Опа!
Изтиробга қорилмиш умрим.
Ким-кимларга улашдим-а меҳримни
Эвазига лаънатлар олдим...

* * *

Опа!
Азоблардан қорилмиш лойим,
Менга сўз дардини бермиш Худойим!
Ҳайрон бўлиб қараб турибман
Худойимга ҳам
Ўзи мен ростдан ҳам шоирманми, деб.
Опажон!
Рози қилолмаяпман отамни,
Онам мендан розимикан, билмадим.
Чумолидек уйимга ризқ ташидим.
Жаннатга айлантирай дегандим
Мен бу дўзахни...
Кўнглимда ҳеч нарсам қолмади, опа!

* * *

Опа!
Сен Самарқанддасан
Мен Тошкентдаман.
Ўртамизда масофалар залвори...
Икковимиз икки томонда
Юэланиб турибмиз Худога!
Сен менга бахт сўрайсан,
Синглим ёлгиз юрибди дейсан.
Мусофир юртларда хазоним дейсан.
Сен мени ўйлама, опажон!
Худо менга муножот лаззатин бермиш
Менда шундай нодир имкон бор.
Ҳар куни Худойим билан
Гаплашиб олиш имкони...

* * *

Опа!
Иркит бу ташвиш — тирикчилик бўлмаганда эди
Ўйламаганимда эди, юрагимдан кўра нафсимни,
Пулдан баланд қилсайди қадримни замон
Тахтлардан ҳам баланд бўлсайди руҳим,
Кишанлардан қўрқмаганда эди қўлларим
Сиртмоқларни кўзга илмасам эди,
Азиз қилса эди бошимни Худо,
Қандоқ шоир бўлардим-а, опажон!?

* * *

Опа!
Қушга ўхшайди укаларимиз,
Йиглагинг келади соддалигига.
Бизнинг шу уй, шу оила,
Дўзахлари, азоблари бўлса-да,
Қашшоқликнинг нукси келса-да, баъзан
агар қайта дунёга келсам,
шу уйда тугилмоқни танлардим яна,
Сенинг борлигинг учун!

* * *

Опа!
Сингилдан ҳам яқинроқ сўз излайсан,
Исм тополмайсан менга бўлган туйгуларингга,
«Яқинсан жон томиримдан ҳам» дейсан,
Айтасан бошимни қучиб:
«Сенга бир гап бўлса, ўламан, Гули»
Шунча йил яшаб топган меҳрим шу бўлди менинг.
Шунчалар яшаб,
Нима топганимни билмадим.
Лекин йўқотганларимнинг жароҳати турибди юрагимда
Илдизи қўпорилган дарахтларнинг ўрнидек...

* * *

Опажон!
Суврати малойиклардан олинган опам,
Сенинг жонбахш овозинг,
Ичингда айтган дуоларинг,
Бошимдаги бойқушларни ҳайдайди!
Бошимда бўл мудом,
Бошимда тур мудом.
Мен Тошкентдаман,
Сен Самарқанддасан!

ЖОЙНАМОЗ ТЎШАДИМ САМАРҚАНДГАЧА...

* * *

Опажон!
Ибодатларим ҳаққи омон бўл!
Ишон, бир куни уйғонаман,
Мен бу рўёдан.
Ва бир куни бахтли бўламиз,
Акамнинг кўзидек гамгин дунёда!

* * *

Опа!
Ичимда ибодат қилдим:
Азиз бошинг омон бўлсин деб!
Юрагингни топиб боргайлар,

Юрагингга ёзган хатларим.
Икки дунё асрайди сени,
Ичимдаги ибодатларим!

2003 йил

УЙҒОТУВЧИ АЛЛА



АЗИЗ КИТОБХОН!

Сиз кимнидир жуда қаттиқ яхши кўрганингиз ҳақидаги китоб бу. Арзимаган бир одамни, бебаҳо тўйгулар билан севганингиз ва яна гуруурингизни унинг пойларидан кўтариб олсангиз-да, кўнглингизни ундан узолмаганингиз ҳақидаги китоб бу.

«Эй худо, уни бир марта кўрсам бўлди» деган ўтинчларнинг бир мисқоли, юрагингизда ёниб ётган оловнинг бир учқуни жамланган китоб бу.

Ўзингизнинг у билан ҳеч қачон бу дунёда бирга бўлолмаслигингизни билиб, мумтоз муҳаббатлар тарихидан дардингизга даволар излаб юрганингиз хусусидаги китоб бу.

Тонгда кўзларингизни очиб, қаергаки қараманг унинг сиймосини кўришингиз, кўзларингизни юмиб, уни ўйлаб, кўзларингизни очгингиз келмаслиги, бу дунёнинг ҳисларингизни масхаралайдиган, туйгуларингизни топтайдиган кундалик ташвишларига ўралашмасдан фақат У ҳақида ўйлагингиз келаётгани ҳақидаги китоб бу.

Ишга борасиз, ишдан қайтасиз, кейин қаерга боришингизни билмайсиз ва ўша ишдаги расмият-

чиликлардан руҳингизни озод қилиб У ҳақида ўйлайсиз. У Сизни Худога олиб борар сарбонингиз, У сизни Худога севдирувчингиз. Сизни севмас севдирувчингиз ҳақидаги китоб бу...

Баъзида унинг қўнгироқларини кутасиз. У кўнглининг кўчасига келганда бир қўнгироқ қиладиган, сизни меҳридан умидвор қилиб кейин ёдига ҳам олмайдиган замонангизнинг энг замонавий айёр одамларидан бири. Тавба, кимлигини билиб ҳам бунча уни севасиз. Узингиз ҳам билмайсиз. Билмаслигингиз ҳақидаги китоб бу...

Қани эди унинг телефонлари бўлмаса эди, қани унинг яшайдиган манзилини ҳам билмасангиз эди. У маконсиз бўлганда эди. Ёнига бориб қўйиш азобидан оёқларингиз, қўнгироқ қилиб қўйиш ранжидан қўлларингиз қутулар эди. Узингизни ўзингизга танитгани, ўзингизни ўзингиздан айиргани, йўлларингиздан адаштиргани, йўлларингизни топиб бергани учун унга раҳмат ва ташаккур! Изҳорларингизни еткизгувчи китоб бу...

Исмини эшитганингиз заҳоти томирларингизда кезаётган титроқ, овозини эшитганингиз они юрагингизда уйғонаётган азоб тарихидан сўйлагувчи китоб бу.

Узоқдан бўлса ҳам бир кўрсам... Шу илинж учун дунёга келганмидингиз? Усиз сизга бахт қайда, Усиз сизга шодлик қайда? Ичингизда жим турган фарёдларингиз ҳақидаги китоб бу...

Кўчада беҳол, бемажол кетиб бораётганингизда руҳингизга мадорлар багишлаб, У чиқса, кузги хазонларга тўлган йўлакчада кетаётганингизда У ўтиб қолса ўша йўлакчадан... Сиз ўша йўлакчада умрбод турмасмидингиз? Сиз унга ёлворасиз, ундан эса садо йўқ. Унинг оёқлари қаерга босилган бўлса, Сизнинг бошингиз ўша жойда. Лекин бу қадар фидойиликни У қаердан тушунсин, қаердан билсин? Ахир У фақат севилиш учун яратилган-ку. Севилавериб севгига тўлиб кетган, аммо севишни билмайдиган одам ҳақидаги китоб бу...

Яшашингизга халал бераётган ақлингиз, кўнглингиз истакларини бир зумда йўққа айлантираётган ҳукмларингиз бор. Рисоладагидек яшашингиз лозим бўлган, бироқ туйгулар тугёнга келиб, жунунингиз бошингизга чиқадиган онларда ўзингиздан ва ўз ақлингиздан безор бўладиган лаҳзаларингиз хусусидаги китоб бу.

Токи юрагингиз уриб турар экан, бу азоб юрагингизда қондек кезаверади, қачондир юрагингиз уришдан тўхтар экан, суякларингизни қақшатиб кезаверади бу азоб. Бу — ишқ азоби, бу — жавобсиз севги изтироби, бу — минг йилларки ошиқларнинг кўзида қотиб қолган кўз ёшларнинг сўздаги аксидир. Баъзида ҳеч бир сабабларсиз кўзингизга гилтиллаб ёш келаверади, кўзингиз ойнасида жовдираётган ёш, кўзингизни юмсангиз тўкилиб кетади. Сиз кўзингизни юммайсиз, чунки шу томчида Унинг акси бор.

Сиз тўккан ва тўка олмаган кўз ёшлар хусусидаги китоб бу...

Минг йилдан буён занжирларидан эрк кутаётган қулдек унга бўлган севгингиздан туҳфа кутасиз, бахт кутасиз. Бекор илинжлар, бефойда умидлар ҳақидаги китоб бу...

Майли-да, нима бўлса ҳам қалбингизда бир хазина бор-ку. Ўша хазина ҳақидаги китоб бу...

Азизим, шу китобни ўқинг дардлашайлик, юракларимиз бир-бирларини топсинлар.

Гулжамолингиз. 2006 йил

МУҲАББАТНИНГ ШАРТИ

Гоҳида қизларнинг кўз ёши бекор,
Йигит севгисидан тонган дунёда.
Булбул ҳам чаманни ташлаб кетармиш,
Барглари саргайган гулни кўрганда.

На-да бу севгидан аразим бордир.
На-да ташлаб кетган ўша йигитдан.
Дунё ўзи шундоқ, қуриган гулни,
Барибир қайгадир ташлаб кетишган.

Эскирган туйгунинг қисмати ҳам шу.
Шарт эмас бу ҳолга ёқа йиртмоқлик.
Муҳаббатнинг шарти —
жим термулмоқдир.
Муҳаббатнинг шарти эмас етмоқлик.

2006 йил

ЭРТАК

Энди кўришмаймиз ҳеч қачон,
Бизни учраштирмайди йўллар.
Сени менга туҳфа этганди,
Кўзларингда очилган гуллар.

Сочларинг ҳам қаро эмасди,
Мен улардан муҳаббат кутдим.
Ўша рангсиз сочларинг ҳаққи,
Мен дунёнинг рангин унутдим.

Унутдиму, сўнг узоқ кездим.
Билдим ишқда қисматим қаро.
Мен умримни йўқотиб қўйдим,
Ўша рангсиз сочларинг аро.

Юрагингни йўлакларини,
Кезиб чиқдим қадам-бақадам.
Юрагингда олиб қол мени,
Эй умримга сигмаган одам.

Сариқ эди сенинг сочларинг...
Хазонлардек сариқ эди у.
Баҳорларда топгандим сени,
Менга кузлар олиб келдинг-ку.

Мен шу рангга ошиқман азал,
Дерлар: Сариқ видонинг рамзи.
Олтин сочли шаҳзодам айтгил,
Энди ҳечам учрашмаймизми?

Майли, майли учрашмасак ҳам,
Эшит дилнинг жим ноласини.

Қолдириб кет сен менга фақат,
Сочларингнинг бир толасини.

2006 йил

РАШК КАСАЛИ

Кўнгироқлар қилмай қўйдим,
Менсизликка ўрган дедим.
Ахир тунлар ботиши бор,
Кунсизликка ўрган дедим.

Ўз рашкимдан ўзим тўйдим,
Ҳар не кўрсам сенга йўйдим,
Кўзларимни силаб қўйдим,
Кўзларингни кўрган дедим.

Нима қилай, ёниб турсам,
Рашк касалман, энди билсам,
Ёнингда бир қизни кўрсам,
«Шу қиз билан юрган» дедим.

Гийбатчилар гап қилдилар,
Пок номимни чап қилдилар,
Мийигида кулиб секин,
«Ким у менга ҳурган» дедим.

Кўзга сурма суриб юрма,
Ҳар нарсани кўриб юрма,

Ишқи йўқни уриб юрма,
Ўзи Худо урган дедим.

Нима қилай ёмон севсам,
Юз ўгириб юзин кўрсам,
Мендан юзин ўгирганни,
Менга юзин бурган дедим.

Эй ишқдан ҳеч саводи йўқ,
Савол берсам жавоби йўқ,
Сени ҳеч кимга бермайман,
Сени... Худо берган дедим.

2006 йил

СЕН КЕЛГАН КУН

Сен бир қучоқ гул билан келдинг,
Атиргуллар келтирдинг менга.
Шундан буён гулга айланиб,
Фақат боргим келяпти сенга.

Баҳор эди, маст эди дунё,
Ишқ фаслида телбароқ эдим.
Кўзларимга тикилиб бир дам,
«Кўнглингизда борманми» дединг.

Жуда содда туюлди бу сўз.
Титроқ ичра жилмайдим, кулдим.

«Кечирасиз мен сизга эмас,
Шу гулларга ошиқман» дедим.

Шундан буён сени кўрмайман.
Шундан буён кўзларим кулмас.
Ҳар йил кулиб баҳор келару,
Лекин сенинг гулларинг келмас.

Бахт келса ҳам сенсиз келмасин
Бирор оним ўтмасин сенсиз.
Ахир умрим умр бўларми,
Қайноқ севгинг ва гулларингсиз.

Қўй осмонга чорлама мени,
Кузатмагил бахт саройига.
Ахир одам бормоги керак,
Фақат кўнгли чопган жойига.

Йўлламагил қўй бахтлар томон,
Таскин сўзлар айтмагил менга.
Тушун, ахир, гулга айланиб,
Фақат боргим келяпти сенга...

2006 йил

ҚАДРИ ТУГАГАН СЕВГИ ҲАҚИДА

Азал шундоқ: топишмоқ қийин,
Абад шундоқ: ажралмоқ осон.
Мен сен билан хайрлашаман,
Энди ёрдам бермайди осмон.

Кўзларингни унутдим мана,
Мени хаёл авради зимдан.
Йиллар ҳукмин ўтказди яна,
«Ўчди азиз сиймонг ёдимдан.»*

Билдим, яна англадим охир,
Ишқ бу нурдир, мен нурсиз адо.
Сен севмасанг қиёматми айт,
Ахир мени севади Худо.

Энди менга азиз эмассан,
Кўрганида қувонмас кўзим.
Сенла бориб бўлмас Худога,
Ва...
Қиблага ўхшамас юзинг.

2006 йил

* Пушкин сатрлари

МЕН ВА СЕН

Мен шеър ёздим, билмам кимга керак бу шеър,
Кўксимдаги булоқларим сўнмасмикан?
Қўнгироқлар тақдим умрим карвонига,
Қўнгирогим садолари тинмасмикан?

Художоним, менам бахтли бўлай дейман,
Минг йигладим, бир боргина кулай дейман.
Мен кўндим-ку бу тақдирнинг таҳқирига,
Тақдир менинг таклифимга кўнмасмикан?

Бориб-бориб ёлгон билан чинни билдик,
Ичимизда бир устунлар синди билдик,
Кеча мен деб телба бўлиб юрар эдинг,
Жоним ўша севгиларинг чинмасмикан?

Иккимизнинг икки ёнда зоримиз бор,
Айтолмаймиз, айтмоқликдан оримиз бор,
Умримизда бир бахтсизлик кезиб юрар,
Шу бахтсизлик менмасмикан, сенмасмикан?

2006 йил

БИР ҚАДАМ

Ўтаётган ҳар бир кун —
Ўлимга бир қадамдир,
Ҳиссиз назар ташламоқ,
Зулмга бир қадамдир.

Ўнгдан юрибман дема,
Дўнг*дан юрибман дема.
Ўнгимдан адаштирмоқ,
Сўлимга бир қадамдир.

Тилим кўнглим бекаси
Сўз деб гамлар чекасиз,
Дунёнинг энг чеккаси
Тилимга бир қадамдир.

Ишқ илмини билмадим,
Шунданми ҳеч кулмадим,
Эй ёр кўнглингни олмоқ
Илмга бир қадамдир.

Ҳаётимга кирмогинг,
Учун бир лаҳза керак,
Дилингдан йўл азизим,
Дилимга бир қадамдир.

2006 йил

ОРЗУ

Мақбаралар қурдирса бегим,
Руҳим келиб парвона бўлса.

* Дўнг — баланд маъносида.

Топилмаса дунёда тенгим,
Мумтоз Маҳал каби севилсам.

Тупроқ бўлиб юксалса таним,
Гул бўлиб гулзорга қўшилсам.
Ҳеч бўлмаса энг сўнгги оним,
Мумтоз Маҳал каби севилсам.

Бўлмаса ҳам саройга дахлим,
Муҳаббати шоҳона бўлсам.
Тавоф қилса ошиқлар аҳли,
Мумтоз Маҳал каби севилсам.

Бир ишқ берса менга Худойим,
Подшоҳни қул, қулни шоҳ қилсам.
Осмонларга сигмаса ойим,
Мумтоз Маҳал каби севилсам.

Гарчи ундоқ оройишим йўқ,
Шабнамдек гулкосага тўлсам.
Маликалик фармойишим йўқ.
Мумтоз Маҳал каби севилсам.

Жаҳон ичра жаҳон бўлардим,
Фақат ишқни, Худони билсам.
Бўлмас эди заррача гардим,
Мумтоз Маҳал каби севилсам.

2005 йил

ДУГОНАМГА ХАТ

Бунча согинтирди бизларни бу бахт,
Нечук кўксимизда чўглар узра чўг.
Баҳорда орзулар қилгандим, бироқ,
Кузда ҳам бахтимни тополганим йўқ.

Бошимга қорларин ёгиб келар қиш,
Қаҳрли қаҳратон менга қилди дўқ.
Яна бошланди шу машъум зерикиш,
Қишда ҳам бахтимни тополганим йўқ.

Энг яхши дугонам ёз асли менинг,
Кўнгли тоза унинг, ундан кўнглим тўқ.
Ниначидек яйраб парво қилмадим,
Ёзда ҳам бахтимни тополганим йўқ.

Яна баҳор келди, орзулар фасли...
Онамнинг кўксига санчилди бир ўқ.
Келинлик либосин бермади баҳор,
Чунки мен... бахтимни тополганим йўқ.

2006 йил

КЕРАК

Интиқомми интиқом олмоқ керак!!!
Ҳар базмда қўлга жом олмоқ керак.

Бу қаламни қўлга олдингми тамом,
Тоабад, кундузми шом олмоқ керак.

Дийдорин кўрмакка имкон қайдадур,
Дийдоридин дил ором олмоқ керак.

Ёр лабида бол тутар, у ёр ахир,
Бол ҳалолми ё ҳаром, олмоқ керак.

Гул тотин татиб асал пайдо бўлур,
Ҳар васлдин бир инъом олмоқ керак.

Эй биродарлар анинг ёрин беринг,
Гулжамол ёрдин илҳом олмоқ керак.

2006 йил

ҚАЧОНДИР

Қачондир дунёда дунё бўлмаган,
Дунёни яратган тилакларимиз.
Қачондир бу йўллар айро тушса ҳам,
Кўришиб турармн юракларимиз?

Дунё — тиканзор, биз гулзор истадик.
Ҳар дам ишқ аталмиш озор истадик.
Тўзиб кетмасмикан бу тиканзорда,
Сабрдан тикилган кўйлакларимиз?

Эй кўзи сирларга ошино дўстим,
Эй руҳи ҳурларга ошино дўстим.
Қаранг богимизга баҳор келмасдан,
Хазонга тўлмишдир йўлакларимиз.

Бу қандоқ дунёдир даврон сурмасак,
Бу қандоқ жаннатдир кўриб тўймасак.
Наҳот бир дийдорга зор ўтадирмиз,
Сурма бўлгунича суякларимиз?

Қачондир дунёда дунё бўлмаган,
Дунёни бор қилган тилакларимиз.
Қачондир, қиёмат қойим бўлса ҳам,
Бир-бирин топгайдур юракларимиз.

2005 йил

АДАШГАН МЕҲР

(.....га)

Мен сизга адашиб меҳр қўйибман,
Илтимос меҳримни қайтариб беринг.
Сизнинг илтифотсиз истеҳзонгиздан,
Мана юрак-багрим не бўлди кўринг.

Эҳтимол хонимсиз, балки бегойим,
Менга деса Ҳаво бўлмайсизми, бас.
Менинг ҳам бу кўнглим хаста ва лекин,
Сиз тепиб ўтгувчи остона эмас.

Эҳтимол қонингиз шоҳлар қонидан.
Эҳтимол дунёни тутган шонингиз.
Менга чикорадир Сиз сигинган тахт,
Мени қизиқтирмас хонумонингиз.

Мен назмлашганда Нодира билан,
Сўз сўраб Худога ёлворганим дам.
Сиз парқу болишда ухлаб ётасиз,
Эй бир тун ҳам уйқудан қолмаган одам!

Мен сизга адашиб меҳр қўйибман,
Тавба, мен гуллашни кутибман куздан.
Бир бора озорлар берганим учун,
Минг бора узрлар сўрайман Сиздан..

Кечиринг... адашиб меҳр қўйибман...

* * *

Мен сизга адашиб меҳр қўйибман,
Шу меҳримни балиқлар еса бўларди.
Шамолларга берсам ўйнаб куларди.
Мен сизга адашиб меҳр қўйибман.

Мен шундоқ, меъёрни билмаган одам.
Исёнкор бандаман Сиз айтгандайин,
Гул берсам ўрнига тош қайтгандайин
Мен шундоқ, меъёрни билмаган одам.

Шундай яралганман, қаерга борай.
Турлана олмайман етти букилиб,
Ахир юракларим кетди тўкилиб
Шундай яралганман, қаерга борай.

Қандоқ йигламайин ахир азизим,
Кўзга ёш келганда кулиб бўлмайди.
Юрагимда битта қабр кўпайди.
Қандоқ йигламайин ахир азизим,

Мен сизга адашиб меҳр қўйибман...

2006 йил

ШУКР

Қулаб тушмас том учун шукр,
Кундуз учун, шом учун шукр,
Бир кун тўлар жом учун шукр,
Тангрим, кечир, гуноҳларим бор.

Яшнармидим меҳринг бўлмаса,
Сир топмасдим сеҳринг бўлмаса,
Қўл урмадим муҳринг бўлмаса,
Парилардан гувоҳларим бор.

Айтдинг: «Сувдек пойимда оққил,
Олов бўлиб сувларни ёққил»
Кўзим, кўнглим, руҳимга боққил,
Сендан ҳар дам огоҳларим бор.

Нажот борми исминг айтмасам,
Сендан келиб, сенга қайтмасам,
Қасам, қасам ўзингга қасам,
Сенга айтар дил оҳларим бор.

Ҳар қадамда хатолар қилдим,
Сен шунда ҳам атолар қилдинг,
Ҳар тонг, ҳар тун англадим, билдинг,
Тушиб чиқар жар-чоҳларим бор.

Ўшал сирли дунёни кўрсат,
Ошиқман-ку, эиёни кўрсат,
Менга Тури Синони кўрсат,
Асо, жанда, кулоҳларим бор.

Не наф мудом алам чекмоқдин,
Дил синдириб, дарахт экмоқдин,
Бир зум тинмам сени севмоқдин,
Кўксимда ишқ булоқларим бор.

Тангрим, кечир, гуноҳларим бор.

2006 йил Рамазон ойи

ИСЁН ВА ИТОАТ

Тиг устида юрдириб, томошо қилар Тангрим,
Чўг устида турдириб, томошо қилар Тангрим.

Тошқинда бир кемадек ночор кетиб борарман,
Мен ҳеч нарса билмайман, барини билар Тангрим.

Олдга юрсам хатар бор, ортга юрсам хатар бор,
Ҳар лаҳза, ҳар сафару, ҳар тун, ҳар саҳар бор.
Бир чумоли мисоли дон учун чиққан эдим,
Донни не қиладию, мени не қилар Тангрим.

Ҳақсизлик учун ёндим, шавқ учун исён қилдим.
Ҳаққимни бер дедиму Ҳақ учун исён қилдим.
Бошимни ҳар ён урдим, бош ёрилгач англадим,
Пойига қўйсамгина бошимни силар Тангрим.

Сабрим етарми билмам, сабримни синайверса,
Ҳар бир синаганида суягим синайверса,
Синиб-синиб охири ўзинг бутла деб борсам,
Суягимни ун қилиб, элакда элар Тангрим.

Майли не бўлса ҳамки, ёруг юз билан етай,
Дил тўла меҳр билан, ёшли кўз билан етай,
Юрагимни тўлдирар битта таскин бор фақат,
Мен Тангримга борарман, мен томон келар
Тангрим.

2006 йил

ЯХШИСИ

Гарчи тақдир экан, мен не гам қилай,
Яхшиси бошимда гамни кам қилай,
Эй дўст, тунларингни ёритмоқ учун,
Шу икки кўзимни ёниқ шам қилай.

Нега исён қилай, исёндин наф йўқ.
Билдим, дарахтлардек биродар саф йўқ,
Тақдири кул бўлмоқ ҳатто оловнинг,
Менам тик бошимни эгик, хам қилай.

Одамни иймону дил қутқарармиш,
Худо карам қилса, қил қутқарармиш.
Яхшиси Каъбамни обод айлай ва
Жисмимни, жонимни бирга жам қилай.

Байрам қилолмади отам умрини,
Хуррам қилолмади онам кўнглини.
Эй дўст, ўшаларнинг ҳаққи, ҳурмати,
Мен бутун умримни тўй, байрам қилай.

Оламни севдиму олам бўлмадим,
Ором топаман деб ором билмадим.
Ўзимнинг дастимдан одам бўлмадим,
Яхшиси ўзимни мен одам қилай.

2006 йил Рамазон ойи

ЙЎҚ

Салом-алигим йўқ бойлик, бахт билан,
Қувонч саройида танишим ҳам йўқ.
Мен гамнинг юртида маликадурман,
Менга буйсунмаган бирорта гам йўқ.

Омадга хушомад қила билмайман,
Йўқ жойдан даромад қила билмайман,
Худонинг пойида юриб тинмайман,
Шунданми, шукрким бахтимда кам йўқ.

Юлдуз ёнар мен деб дил осмонида,
Мен деб олов ёнар йигит жонида,
Бу гўзал дунёнинг каҳкашонида,
Мен учун ёнмаган бирорта шам йўқ.

Кўнглим-ла ўйнашар дунёи айёр,
Бир ёруг нур излаб кўзларим сайёр,
Гамни улашарда минг дастёр тайёр,
Шодлик улашарда дўсти Ҳотам йўқ.

Худойим йўлимни ёритиб қўйган,
Бир гўзал дардини доритиб қўйган,
Баъзан азиз, баъзан хор этиб қўйган,
Шунданми ёнимда содиқ одам йўқ.

Ҳар неки Худодан атолиг бўлди,
Бу умрим қурбонлиқ, фидолиг бўлди,
Қайга оёқ боссам хатолиг бўлди,
Мени адаштирмас бирор қадам йўқ.

Кимга кўнгил қўйсам хоки пойиман,
Тогдан тушиб келган сувлар сойиман,
Шундоқ, Яратганнинг эркатойиман,
Мени ёд этмаган бирор бир дам йўқ.

2006 йил Рамазон ойи

СЎРОВ

Ҳайқирсам ҳам етмайди сенга,
Йигласам ҳам турибсан-ку жим.
Бир назар ҳам солмадинг менга,
Ким устимдан арз қилди Тангрим?

Ёмонларни яшнатдинг дедим,
Нокасга ош ошлатдинг дедим.
Мени кечир, исёним ўчир,
Кўзларимга ёш келди Тангрим.

Дард айтсам жон дўстим билмади,
Қанча ўсдим, тўздим билмади,
Азоблару гуноҳларимни,
Сендан бошқа ким билди Тангрим?

Исёнларим кўпти қонимда,
Қиёматлар бўлди жонимда,
Ҳар нарсани билгувчи сенсан,
Айтгил менга не бўлди Тангрим?

2006 йил Рамазон ойи

ХОЛОС

Кимман ўзи, билмайман ўзим,
Балки оддий инсонман холос.
Шу борлигим, шу хорлигимда,
Ҳақсизликка исёнман холос.

Балки бекор, куйиб-ёнганим,
Кимга огиб, кимдан тонганим,
Минг алдайди бир ишонганим,
Гоҳ нолон, гоҳ шодонман холос.

Ганимларим у деб кўрдилар,
Дўст-ёрларим бу деб кўрдилар,
Билмасларки, икки ўт ичра,
Саргардону сарсонман холос.

Кимлар бўлди масту мастоним,
Унинг васли бўлди армоним,
Орзуларим менинг карвоним,
Манзил билмас сарбонман холос.

Севганимнинг зоти асли шер,
Шерлар ҳар дам озодликни дер,
Ҳақнинг нури тушган парча ер,
Мардлар тушган майдонман, холос.

Дил забт этмоқ — умрим маъмуни,
Тақдир дерлар бундай мавзуни,
Худойимнинг маъюс, маҳзуни —
Бир шоири давронман холос.

2006 йил

ЭНДИ

Қаро сочлар **оқариб** борар,
Жисму жоним **о, қариб** борар.
Борган сари умрим рангида,
Қаро ортар, **оқ ариб** борар.

Шеърим маҳзун, куйларим маҳзун,
Кўзларимда ишқ деган афсун,
Борган сари гамларим узун,
Нафасларим қисқариб борар.

Менга гулдек ёшлигин бериб,
Худо ёққан шам каби эриб,
Юрагининг синигин териб,
Онам беҳол, жим, хориб борар.

Кўз ёш енгиб қароқларини,
Ялтиратиб яроқларини,
Баланд тутиб байроқларини,
Таним маглуб, руҳ голиб борар.

Кўрдим. Инди юракларимга,
Бир ўқ сингди куракларимга,
Тугилдимки суякларимга,
Давоси йўқ дард дориб борар.

Ўтди айём, давру давронлар,
Масту беҳуд, сайру сайронлар,
Ошиқ бўлдим, энди ёронлар,
Қайга борсам ишқ олиб борар.

2006 йил

ТУФАЙЛИ

Йиллардирки рангим заъфарон,
Кўксимдаги армон туфайли.
На осмонга, на ерга сигдим,
Руҳимдаги исён туфайли.

Ҳар кимларга қуллик қилмадим,
Эгилмадим, қуллуқ қилмадим,
Балки шундан хорман, билмадим,
Ўтар давру даврон туфайли.

Шу элга ҳам қуёш куларму,
Кўчасига куйлар тўларму,
Сарбонни айбласа бўларму,
Йўл йўқотган карвон туфайли.

Ким шод бўлди, ким ношод бўлди,
Ким ёдда, ким етти ёт бўлди.
Дунё барбод ва обод бўлди,
Нуҳ келтирган тўфон туфайли.

Чўглар узра чўгга ботурман,
Йўл узоқ деб йиглаётирман,
Пойтахтга ҳам сигмаётирман,
Ўша Каттақўргон туфайли.

Бу дунё бир вайрона асли,
Ҳушёри йўқ майхона асли.
Хонумоним вайронлар бўлди.
Шу бир хонавайрон туфайли.

Йиллардирки...

2006 йил

* * *

Мен дунёга келдиму, матлабимни билмадим.
Бу умр дарёсидан бир ҳатладимми билмадим,

Дунёсидан кулдимми ё додладимми билмадим,
Тоборо суянчсизман, тоборо ёлгиздирман.

Гарчанд кўпаймоқдадир ёнимда дўст-душманим,
Улар қайдан биларлар не чоҳларга тушганим,
Билдимки яшаганим — болга заҳар қўшганим,
Тоборо суянчсизман, тоборо ёлгиздирман.

Қуёшга бегонаман, чироққа ошнодайман,
Қувончга ўгайдайману, фироққа ошнодайман,
Нечун ахир тоборо тупроққа ошнодайман,
Тоборо суянчсизман, тоборо ёлгиздирман.

Азизларим бу йўлнинг чапига ўтиб олган,
Улар ҳур-париларнинг сафига ўтиб олган,
Барча гамим кўксимнинг кафтига ўтиб олган,
Тоборо суянчсизман, тоборо ёлгиздирман.

Кундан кун чўкиб борар баланд-баланд тогларим,
Кундан кун кўпаймоқда юракдаги догларим,
Наҳотки мен шамолга ҳарир арқон богладим,
Тоборо суянчсизман, тоборо ёлгиздирман.

Ҳаётнинг исми гарчанд жон багишлар наводир,
Балки эртанги куним бир жаннатий сафодир,
Лекин нечун руҳимда кезмоқда бир хавотир,
Тоборо суянчсизман, тоборо ёлгиздирман.

Бу гамангиз йўлларда мустар кетиб борарман,
Дарахтларнинг ёнидан маъюс ўтиб борарман,
Худойимнинг қошига қачон етиб борарман,
Тоборо суянчсизман, тоборо ёлгиздирман.

2004 йил

МЕН

Менинг онам жасорат аэал,
Менинг отам шиддатдир асли.
Ёвқур қизман, қасоскор қизман,
Қиличлардан эканми наслим?!

Тўмарисдан мерос орим бор,
Ганим бошин қонга соларман.
Мен қасдимни нася қолдирмай,
Нақди-нақди билан оларман!

Жавоби бор қиличларимнинг,
Гар бошимга Чингиз келса ҳам.
Сипқораман то сўнгги қадар,
Ўт келса ҳам, денгиз келса ҳам.

Айтадилар: бу аёл зоти,
Нафосатга эгиздир ҳар дам.
Билмасларки, ўт, олов ичра
Хиром айлаб юрибман мен ҳам.

Бўронларим кезади баъзан,
Юрагимдан парчалар узиб.
Қалбим аро қанча эҳтирос,
Оққушлардек юрибди сузиб.

Мен биламан бу бахт дегани —
Ё ҳурлигим, ё зўрлигимдир.
Назокатим — ўт нигоҳиму,
Нафосатим — ёвқурлигимдир.

2006 йил

ТАЪРИФ

Сухандон Дилором Умаровага

Замонлар ўзгарди, ўзгармадингиз,
Умрингиз зангори осмондек маъсум.
Йиллар ўтса ҳамки магрур қаддингиз,
Ўша кўз, ўша қош, ўша табассум.

Армонлар ўзгарди, ўзгармадингиз,
Йиллар из қувса-да шиддат отида.
Жим туриб бир сўзни айтдингиз фақат:
«Муҳаббат керакдир аёл зотига».

Дунёлар ўзгарди, ўзгармадингиз,
Азалдан асллар айнимас сира.

Ҳамонки кўзингиз ичида денгиз,
Ва ҳамон қалбингиз тонгдек бокира.

Самолар ўзгарди, ўзгармадингиз,
Ҳануз ишқ сурасин пичирлар юрак.
Сизга фақат меҳр қўймоқ керак ва
Олисдан жимгина термулмоқ керак.

Ошиқлар ўзгарди, ўзгармадингиз,
Айтдилар: тиллолар зангламас сувда.
Баҳорлар тарк этиб кетолмас сизни,
Эй қалблар аршида турган маъбуда.

2005 йил

САМАРҚАНД. КАТТАҚЎРҒОН.

Баҳодир Йўлдош.(га)

Самарқанд осмони тирик мўъжиза,
Мен юртдан узоқлаб огритдим жонни.
Бу кичик қўргонда зерикдим жуда,
Кўнгил қўмсаётир Каттақўргонни.

Буюклар бегона юртники азал,
Ким ҳам буэарди бу қадим армонни.
Агар Самарқандга қайтмоқчи бўлсак,
Бирга об кетайлик Хуршид Давронни.

Тошкентга келгандим пойини тахт деб,
Яқинроқ бўлайин девдим осмонга.
Эй сиз, Тошкентдаги буюк қўргоним,
Биз қачон қайтамиз Каттақўргонга.

2006 йил

ЁЛҒИЗ

Бу қандоқ кун, бу қандоқ замон,
Ўтиб борар умрлар изсиз.
Шаҳзодалар бозорга кетган,
Маликалар уйида ёлгиз.

Кўчаларда қашқирлар кезар,
Бўриларга кун қолган афсус.
Алпомишлар юрт ошиб кетган,
Барчинойлар юрибди ёлгиз.

Чақаларга сотилар севги,
Бунда никоҳ, нигоҳлар ҳиссиз.
Юсуфларни пул чалиб кетган,
Зулайҳолар ухлайди ёлгиз.

Марднинг кори мардикорликми?
Шоирлари қолмишдир сўзсиз.
Мардлар кетган супурги олиб,
Ожизалар майдонда ёлгиз.

Ўттиз йилки бахт кутар қизлар,
Эҳтиролар, туйғулар эссиз...
Шаҳзодалар шамолга кетган,
Маликалар ёлгиздан ёлгиз.

2006 йил

АМАЛДОРГА

Сизга ўз-ўзидан очилар эшик,
Сизга ўз-ўзидан берилар салом.
Ҳатто истасангиз, истамасангиз,
Сизга ўз-ўзидан келади таом.

Сизни мақтайдилар, олқишлайдилар.
Ёнингизга қўйиб парқу болишлар.
Энди шўх куйларга мойилсиз фақат,
Энди кўнглингизга ёқмас нолишлар.

Саллона юрасиз, оролар бериб,
Поёндозлар солиқ қадамингизга.
Бошқалар минг бора чидаб беради,
Ўзингиз чидамас аламингизга.

Табаррuксиз дерлар, даҳосиз дерлар.
Сиз қиммат, йўқ, йўқ бебаҳосиз дерлар.
Асли сиздайлар кўп бу дунёсида,
Лек Сизни ягона, танҳосиз дерлар.

Ёдингизда йўқдир халқнинг бир гапи —
Яхшимас ер қолиб, осмонда юрмоқ.
Амал дегани бу — биров келгунча,
Амал курсисини амаллаб турмоқ.

Қайта унмогини унутманг бир кун,
Майсадек топталган, босилганларни.
Амалдор деб айтар, доно, мушфиқ эл,
Амалнинг
д о р и г а
осилганларни.

2006 йил

«ЧИН ДЎСТИМ»ГА

Курашмасдан курагимни синдирган дўст,
Сочимга оқ, кўзимга гам индирган дўст.
Бировларнинг кўзин ёшлаб қўймасангиз,
Кўзингизни Худо ёшлаб қўярмиди?

Сув дермидим юракларим куймаганда,
Не қилардим суйганларим суймаганда,
Шайтон аввал кўнглим хушлаб қўймаганда,
Раҳмон менинг кўнглим гашлаб қўярмиди?

Хато қилдим, хатоларда юрдим бесар,
Қутқармади на бир дўстим, на сийму зар,

Худойимдан бир ишора бўлмаса гар,
Бандалари бир иш бошлаб қўярмиди?

Эл ичида азизлардан азиз билиб,
Бошгинамни балолардан омон қилиб,
Ўз ҳиммати турганида келиб-келиб,
Худо мени Сизга ташлаб қўярмиди?

Курашмасдан курагимни синдирган дўст.

2005 йил

САМАРҚАНД ВА ҚЎҚОН

Дунёмизга куз келди дўстим,
Гарчи бутун борлиқда баҳор.
Дарахтларнинг ранги саргайди,
Қўқондан то Самарқанд қадар.

Наҳот бизни айирди йиллар,
Айирмади ўлим ё кадар.
Онамдайин мунгайди йўллар,
Қўқондан то Самарқанд қадар.

Ўйнаб-ўйнаб борардим кеча,
Бугун руҳим, жисмим, дарбадар.
Қадамларим йиглаб борарми,
Қўқондан то Самарқанд қадар.

Сувга оқди ўн йилим менинг,
На кўнгилда, на дилда самар.
Йиглаб ётар кўзларинг сенинг,
Қўқондан то Самарқанд қадар.

Майли дўстим, мен ҳам не қилай,
Пешонамда шу зеру забар.
Хайр деган сўз ёзилганми,
Қўқондан то Самарқанд қадар.

Гарчи кетдинг, хуш бор, омон бўл,
Йиллар ўтиб сен қайтсанг агар.
Мен меҳрлар экиб қўйганман,
Самарқанддан Қўқонга қадар.

2005 йил

КЕЛИНЧАК ОРЗУСИ

Менинг гамим йиглатгувчимас,
Куч берар, қалб тиглатгувчимас,
Мен боламга ухлатгувчимас,
Уйготувчи алла айтаман.

Уйгон дейман шу юрт ҳаққи деб,
Уйгонмасанг бу халқ халқми деб,
Манглайимда нурдек балқи деб,
Уйготувчи алла айтаман.

Ҳар ерларни қилмағил ҳавас,
Байроғингни берма бир нафас,
Парчала, бу эрксизлик — қафас,
Уйғотувчи алла айтаман.

Соҳибқирон бўл болам дея,
Пойингдадир бу олам дея,
Кўксимдаги ҳур нолам дея,
Уйғотувчи алла айтаман.

Ухла болам алла демайман,
Бу дунё тўй, ялла демайман,
Ҳар деворни қалъа демайман,
Уйғотувчи алла айтаман.

Эй ботирим, ўғлоним дейман,
Ўқ ўтолмас қўрғоним дейман,
Жоним дейман, жаҳоним дейман,
Уйғотувчи алла айтаман.

У уйғонар қаддингни тут деб,
Етмиш икки томири юрт деб,
Эл деганда оловлар ют деб,
Уйғотувчи алла айтаман.

Шунда болам бедор бўлади,
Сарҳадларда хушёр бўлади,

Унга Худойим ёр бўлади.
Уйготувчи алла айтаман.

2006 йил

ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИГА

Мен шу халқнинг ҳолидан хабар
Олгувчиси бўлолдимми ҳеч.
Бахтлар ташлаб кетса ёнида
Қолгувчиси бўлолдимми ҳеч?

Онамдайин мустар аёллар,
Жаннатий бахт истар аёллар,
Эй ердек хокистар аёллар,
Сўзингизга ўхшолдимми ҳеч?

Болангизнинг кийган калиши,
Юрагимни қийнар нолиши,
Гарчи гамгин нигоҳ солишим,
Бўзингизга ўхшолдимми ҳеч?

Билдингизми ҳеч бахтнинг таъмин,
Жим кузатиб дунёнинг гамин,
Қайғу чўккан, гамгиндан гамгин,
Кўзингизга ўхшолдимми ҳеч?

Минбарларда берилган ваъда
Руҳингизга бўларми далда,
Офтобларда ёруг, афтода,
Юзингизга ўхшолдимми ҳеч?

Борми сиздек фироқда қолган,
Бахт ёдидан йироқда қолган,
Саратонда тупроқда қолган
Изингизга ўхшолдимми ҳеч.

Қалбингизга сўзларим чўкиб,
Бораяпман кўз ёшим тўкиб,
Сиз онамга ўхшайсиз, лекин,
Қизингизга ўхшолдимми ҳеч?

2006 йил

ҲАЗИЛ

Дугонам Шоирага хат

Шоир, мендан хафа бўлманг сиз,
Қамчиламанг жаҳл отини.
Илҳоми ҳам қарзга келган,
Бу бечора шоир зотини.

Кунга берар тундан қарз олиб,
Унга берар бундан қарз олиб,

Томга қўймай осмонга қўяр,
Бир газга ҳам етмас шотини.

Ғам чекканни кўрса йиглайди,
Ҳақни ноҳақ урса йиглайди,
Ҳамма келиб шоирга дод дер,
Шоир кимга айтсин додини?

Гулоб олар илон тилидан,
Гарчи кўп иш келмас қўлидан,
Ҳамма асал-шакарни севса,
У севади заҳар тотини.

Алдаб қўйсанг мукофот билан,
Шеърлар ёзар садоқат билан,
Юзи кулиб турса ҳам баъзан,
Ғамга тўлиб турар ботини.

Жилғаларни соғ қилар шеъри,
Қўшиқчини бой қилар шеъри,
Лек шоирдан сўраб кўрингчи,
Минганмикан бойлик отини?

Қалами бор бу зотнинг фақат,
Алами бор бу зотнинг фақат.
Шоирасин инжиқ эри бор,
Шоирининг рашкчи хотини.

2006 йил

ДАҲШАТЛИ ҲАҚИҚАТ

«Арслонни қашқирга ялинтирган
эҳтиёждир, эҳтиёж»

Қаландарлар қўшиғи

Отам қариб борар... мен жим турибман,
Онам қариб борар... мен жим турибман,
Худойим айт ўзи мен ким бўлибман?
Онамнинг дардини аритолмадим.

Йўлларимни кутиб бахтлар қариди,
Севгилар, нигоҳлар, аҳдлар қариди,
Суягим ичида шахтлар қариди,
Мен дунё гамини қаритолмадим.

Онамнинг кўнглида шамчироқ бўлдим,
Шамчироқ бўлмадим гамчироқ бўлдим.
Не-не зимистонни ёритдим, лекин,
Ўз кўнглим тубини ёритолмадим.

Мен арслон эдим, қашқирга бордим,
Аммо қаён борсам тақдирга бордим,
Яратган яратди... кўп сирга бордим,
Ва лекин ҳеч нарса яратолмадим.

Отам қариб борар... мен жим турибман,
Онам қариб борар... мен жим турибман...

2005 йил

ТАСКИН

Ранги япроқдайин синиқ онама,
Руҳим банди бўлди, танам олдида.
Менинг ишим фақат Худода қолган,
Тиз чўкмам на бут, на санам олдида.

Онамга не бердим кўз ёшдан бўлак,
Кўксим эзиб ётган шу тошдан бўлак.
«Бахтлироқ бўларди мени тугмаса»
Бошим мангу эгик шу гам олдида.

Кимдан гул, кимдандир пул қарздорман.
Эй бундоқ нарсадан мўл қарздорман.
Қарздорман деб кўнгил чўктирмоқ нечун,
Одам қарздор-ку одам олдида.

Гарчи У чорлади, унга бормадим,
Борсам ишқ ўлади, шунга бормадим.
Афсус, бекор бўлди минг мил юрганим,
Ўша қўйилмас бир қадам олдида.

Онам бу дунёга ҳалоллик берди,
Юзларин тозалаб зилоллик берди.
Онамнинг қарзи йўқ дунёдан, лекин,
Дунёнинг қарзи бор онам олдида.

2005 йил

ИЛТИЖО

«Неча йиллар ўтиб ҳам борсак
уйда бизни онам кутиб олармикан?»

Опамнинг саволи

Майли, майли уйимизнинг гариблиги,
Гоҳ ботартиб, гоҳида бетартиблиги,
Яралдикки дунё гами арибдими?
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Мустаргинам кўзларида ёши қалқиб,
Бошларида турса рўмоллари салқиб,
Бу қоронгу умрим аро нурдек балқиб,
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Оёқларин меҳнат юки огритмаса,
Қаримаса, бундан бошқа қаримаса,
Шу жонига гаму дардлар доримаса,
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Ёдлаб етти ёт, ақрабо, хешларини,
Бошларидан отиб дунё ишларини,
Отам билан кутиб ёзу қишларини,
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Бу дунёсин иши билан ишим йўқдир,
Тишлашайин десам синмас тишим йўқдир,
Куйсам онамдайин куяр кишим йўқдир,
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Биродарлар, билмайсиз бу шундай гамки,
Ва шундайин кўнгил қувнар бир байрамки,
Қишлогимга минг йил ўтиб борсам ҳамки,
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

2006 йил

ҲАЙКАЛ

Менинг онам — гамга қўйилган ҳайкал.
Мангу ўчмас шамга қўйилган ҳайкал.
Отам, отажоним гариб қўргоним —
Энг яхши одамга қўйилган ҳайкал.

Менинг бир сўзим йўқ уларга арзир,
Олдида кўп эрур юрагим қарзи.
Улкан эканини англай бошлайман,
Узоқдан кичкина туюлган ҳайкал.

Шайтон-ла битимни бошласам агар,
Ёмоннинг ошидан ошласам агар,
Чап томон бир қадам ташласам агар,
Менга қовоқлари уйилган ҳайкал.

Ҳисоблар бераман шу иймонимга.
Ва яна кўксимда жим армонимга.
Отам, онажоним дил осмонимга,
Юрагим қонидан қўйилган ҳайкал.

2006 йил

ШОИРНИНГ ОНАСИ

Шоирнинг онаси гарибдан гариб,
Жимгина тинглайди ҳаёт куйини.
Ҳеч қачон шоҳона қилиб беролмас,
Шоир онасининг гариб уйини.

Эҳтимол машҳури жаҳондир шоир.
Эҳтимол бир буюк армондир шоир,
Шоирнинг онаси ерга дугона,
Кимлардир осмонга бўйлар бўйини.

Гарибгина ҳовли, гариб бир тандир,
Мустаргина ўчоқ ва мунглиг тақдир,
Менга деганида армонлар нақддир,
Англадим: бу бари қисмат ўйини.

Шоир ўйлаб ётар буюк бўлсам деб,
Онамгамас элга суюк бўлсам деб,
Шон-шуҳрат кайфида қаердан билсин,
Пуч ёнгоқлар билан тўлган қўйнини.

Юрагим ичида бир ёмон тўйгу,
Эй дўст биродарлар бу қандоқ қайгу,
Шоир онасида бир армон, орзу;
Кўриб ўлсам бас дер болам тўйини.

Эй сен иззатталаб, бечора шоир,
Онанг кетиб борар, на чора шоир,
Тиклаб беролмадинг чўккан уйин, лек,
Кўтариб қўй бориб чўккан кўнглини.

2006 йил

ОТА ДУОСИ

Гулзорларим атрингиз сочинг,
Гам-қайгулар йўлимдан қочинг,
Фаришталар қўлингиз очинг,
Мен отамнинг дуосин олдим.

Эй ортимдан эргашган боглар,
Эй кўксимга ўрганган доглар,
Саломлашиб қўяйлик тоглар.
Мен отамнинг дуосин олдим.

Бахтли бўлар дуо олган қиз,
Бахт йўлида узоқ қолган қиз,
Эй гулларга соя солган қиз,
Мен отамнинг дуосин олдим.

Менга нима энди гам келса,
Бири ортиқ, бири кам келса,
Чикорадир бари жам келса,
Мен отамнинг дуосин олдим.

Суякларим қақшаб бахт кутдим,
Гадоларга ўхшаб бахт кутдим,
Йўлларга гул тўшаб бахт кутдим,
Мен отамнинг дуосин олдим.

Ганимга бахт кулса не алам,
Кўзимга ёш тўлса не алам,
Қиёматлар бўлса не алам,
Мен отамнинг дуосин олдим.

2005-2006 йиллар

ТАВБА

Отамни кўп норизо қилдим,
Онамни кўп норизо қилдим,
Худо мени кечирармикан?

Йилларим норизо йиллардан,
Оёгим норизо йўллардан.
Худо мени кечирармикан?

Ерлардан норизо курагим
Ақлимдан норизо юрагим
Худо мени кечирармикан?

* * *

Сочимга оқ тушди
Юзимга ажин
Кўнглим ҳеч жойига тушмади...

Қошимни қаро қилдинг
Кўзимни қаро
Манглайимни қаро қилма
Худоё!

САВОЛ–ЖАВОБ

Қаерга
Кетяпман? — дедим
Худога!!!

ҚАРЗ

Умр — қарз дейдилар
Худонинг қарзи.

Тезроқ қутулсайдим
Мен шу қарзимдан.
Ахир қийин...
Ҳар лаҳза қарзингни сўраб турсалар...

НИКА ТУРБИНА

На исён қилолдим ва на галаба,
Гарчи жанггоҳларда олгандим таълим.
Бу буюк сабоқда мен бир талаба,
Дарсингдан зерикдим... кечир муаллим.

2005 йил

ЮРАГИМ ҲАҚИДА

Эй дўст!
Юрагимдан бошланар
Менинг фожиам!
Кейин Ватанимда
давом этар у
кейин юракларга
ўтади кўчиб
кейин ...
тамом бўлар у
Онамнинг юрагида...

* * *

Мен
одамларга
манзилларга
хорларга,
масрурларга
юрагимни очиб бораман.
ва қайтаман
ўликларга тўла юрагимни
багримга босиб,
ўлик боласини қучган онадек
йиглаб қайтаман.

* * *

Мен ҳеч видо айтмай кетаман,
Ва айтмайман бирор васият.
Фақатгина кўз юмиб ўлсам,
Юрагимни ёпиб гул билан,
Кўзларимни очиб қўйингиз!

* * *

Сиз тинглаб ётасиз ганимим,
Замона соатин чиқ-чиқларини.
Мен ҳар кеча тинглаб ётаман,
Юрагимнинг синиқларини.

1999 йил

БОЛАЛИК ВА МЕН

Тупроқ кўча, чангиган йўллар,
Беда ҳиди анқиган дала.
Китобини кўксига босиб,
Сигир боқиб юрган қизбола.

Қайтмайдими она у кунлар?

Қуёш билан бирга югуриб,
Тунда ойни қўриган соқчи.
Китобини кўксига босиб,
Ухлаб ётган қовун қўриқчи.

Қайтмайдими ота у кунлар?

Укасини опичлаб олиб,
Тупроқларда қолдириб изча.
Китобини кўксига босиб,
Пахтазорга йўл олган қизча.

Қайтмайдими ука у кунлар?

Шаршарадек шарақлаб кулган,
Варраклари қилганда парвоз.
Ўжарлиги тутганда дўстнинг,
Тумшугига туширган шоввоз.

Қайтмайдими дўстим у кунлар?

Улгаймоқни ёлвориб сўраб,
Худони тинч қўймаган мудом.
Катта бўлиш ёмонлигини
Энди англаб йиглаган одам —
Мен !!!

Қайтмайдими Тангрим у кунлар?

2006 йил

* * *

«Бир кунгина дунёни болаларга берайлик»
Нозим Ҳикмат

Болалар қалбини бир кун кезсангиз,
Саволлар қийнамас нега, не учун?
Ҳаволарда огир қайгу сезсангиз,
«Болаларга беринг дунёни бир кун».

Ерда ер шарини ўйнаб юрсинлар,
Тинчлик қўшиқларин куйлаб юрсинлар,
Байраму тўйларда тўйлаб юрсинлар,
Болаларга беринг дунёни бир кун.

Қўлларидан тутиб айиқчаларни,
Сувларда оқизсин қайиқчаларни,

Белларига боглаб қийиқчаларни,
Болаларга беринг дунёни бир кун.

Уларга дўст бўлсин тогда оҳулар,
Эртаклардан чиқиб келсин сахийлар,
Босмасин десангиз юртни ёгийлар
Болаларга беринг дунёни бир кун.

Юртга барокатлар тилаб беради,
Мангу фарогатлар тилаб беради,
Сизга саодатлар сўраб беради,
Болаларга беринг дунёни бир кун.

Боласиз дунёлар рўёдир, рўё,
Қалбингизда сайрар булбулигўё,
Гўдак нафасидек тозарсин дунё,
Болаларга беринг дунёни бир кун.

2004 йил

БЕҒУБОР КУЛГУЛАР

Онаси қўлларига узун чўпон таёқ тутқазиб уни дарё бўйидаги кўм-кўк яйловга олиб бориб қўйди. Сигирларини силаб-сийпаб ўтлатди, эчкиларини янтоқзорга олиб борди. Ўзи эса дарё бўйидаги қумлоққа чўпон таёги билан шеърлар ёзиб ўтирди. Дарёнинг суви қиргоққа бош уриб,

қумлоқни юварди, бироқ унинг шеърларини юволмасди, ўчириб ҳам кетмасди. У бундан хурсанд бўлар, яна шеърлар ёзарди.

Бир пайт қарасаки, сигири дарёни кечиб нариги қиргоққа интилмоқда. Дарёнинг суви оз бўлса ҳам уни ваҳима чулгаб олди. Сигири оқиб кетса-я. Ахир ўша сигири касал бўлиб қолганда онаси «болаларимни ризқини қийма, Худойим» деб йиглаганди-ку. Ўзи унинг онаси шунақа содда, сигири учун ҳам йиглайди...

Сигири қанча қиргоққа интилмасин барибир чиқа олмай қолди. У бирдан чинқириб «Одамлар ёрдам беринглар, сигирим оқиб кетяпти» деб йиглай бошлади.

Шунда бирдан пахтазор томондан баралла кулгу эшитилди. Пахтазорда ишлаётган қизлар унинг устидан кулишарди, у эса йигларди. Онасининг «болаларимни ризқини қийма, Худойим» деган сўзлари унинг хаблида тинмай айланарди.

Болалик биринчи бор ўтинчлар устидан ҳам кулиш мумкинлигини кўриб ҳайратланиб қолди. Чунки унинг учун ўша дақиқаларда ўша ҳолат гамли эди, мудҳиш эди.

Бугун у улгайган. Содда ва бегубор юрагига эҳтимол гардлар ҳам қўнгандир. Энди у ҳар гал ўша далаларга борса, бир дала кулгунинг овозини

эшитади. Пахтазорга айланиб кетган яйловлардан туриб ҳайқириб келаётган кулгулар бугунги кулгулар олдида анча бегараз эканини англайди.

Унинг бугунги ҳаётидаги кулгуларга исм қўйиб ҳам бўлмайди. Истеҳзоли, таънали... У бугун кулгуларни, истеҳзоли кулгуларнинг овозини босиб кетадиган бегубор кулгуларни согинган, жудаям согинган.

* * *

Кетсак Ватанларга қайтамиз, кетсак гаму қувончларга қайтамиз, кетсак севгиларга, севикли-ларга қайтамиз.

Бироқ бу дунёда қайтиб бўлмас битта Ватан бор. Унинг осмонлари оппоқ, бегубор, яйловлари ям-яшил. Унинг мактаб қўнгироғи янглиг согинти-рувчи жарангдор овози бор.

Сен ана шу дунёда оқ кабутардек учиб юрардинг. Хаёлингнинг либослари ҳам оқ эди, дунёларинг ҳам оқ эди. Онанг мактабингга кузатаркан ортингдан меҳр билан қараб қоларди. Сен барибир мактабдан қочиб келардинг, токи ўша мактабдаги болакайни яхши кўриб қолмагунингча дарслардан қочиб келаверардинг. Фақат ўша болакайга бўлган илк севгинг сени мактабга боглади.

Отанг тунлари узун-узун эртаклар айтиб берар-ди. Эртакларга ишонардинг, умринг эртаклар-

дагидек бўлади деб ишонардинг. Ўша эртаклар юртида яхши одамлар қанчалар кўп эди-я...

Тупроқ кўчаларда қолиб кетган, изига қайтиб бўлмас йўл — болаликни согинмай бўладими? Сенинг севгиларинг ўзгача эди. Сен энг меҳрманд юрак эдинг, қўлларингдан тутган ўқитувчингни яхши кўрардинг, ўша меҳр ҳаққи ҳурмати унинг ўгилчасини ҳам севардинг. У сенинг рўмолингни олиб қочиб кетарди, сен эса ҳечам хафа бўлмасдинг, балки севинар эдинг. Шундай бўлишини истардинг ҳам. Ҳар тонг ариқ бўйида ўтириб рўмолингни кутардинг. Ўша рўмолнинг гуллари, нақшлари ҳамон кўзингда, кўзларингга чизилиб қолгандек. Гўё эртаклардагидек рўмолинг ариқдан оқиб келадигандек. Бу ҳолат сенинг одамзодга ва ҳаётга бўлган илк севгингнинг ифодаси эди.

Ногоҳ бир тонг отди. Ёнингда ухлаб ётган қўғирчоғинг ҳам, ҳайратдай ёниқ болалигинг ҳам йўқ эди. Ўша кундан буён сен яйловларда, ариқ бўйларида ўзингни кутасан, болаликни кутасан.

Рўмолимдек ҳарир болалигим, ариқларда оқиб кетган болалигим, мактаб қўнғироқларида жаранглаб қолганим, яшил яйловларда адашиб қолганим! Сени согиняпман.

Мактабда жаранглаган сўнгги қўнғироқ овози мактаб йўлакларида кечган хотираларни эсга солади.

Неча кундирки кўнглимда қўнғироқ овози янграётибди.

Кетсак юракларга қайтамиз, маконларга, манзилларга, қайтамиз. Бироқ болаликка қайта олмаймиз, қайтолмаймиз.

1996 йил

ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИ

Водийи келиндек нозланган юрт бу,
Воҳаси куёвдек отланган юрт бу.
Манглайига зардан зарҳаллар солиб,
Ўзбекка Худодан хатланган юрт бу.

Отамнинг кўксидек баланд **Сурхоним**,
Она **Самарқанд**им — қадим қўргоним.
Бобур ҳасратию согинчи бўлган,
Одамлари жондек жон **Андижоним**.

Сўлим **Фарғона**га саломлар бўлсин,
Наманганга дилбар каломлар бўлсин.
Манглайи қуёшли **Қашқадарё**га,
Соҳибқирон руҳи мададкор бўлсин.

Сирдарё лабида сирлар кўрарман.
Бухоро багрида пирлар кўрарман.

Ёзу баҳорингдан айланай юртим,
Жиззахда бахмалдек қирлар кўрарман.

Хоразмда хонлар излари бордир,
Паркентнинг париваш қизлари бордир.
Янги хонадондек гўзал **Навоий**,
Сенда Ҳазратимнинг кўзлари бордир.

Ким келса бошини силагандир у,
Буюкларга иқбол тилагандир у.
Бошида улуглаб **Қорақалпоқ**ни,
Пойи ҳам тахт бўлган гўзал **Тошкент** бу.

Мангу зафарларга отланган юртим,
Ўзбекка Худодан хатланган юртим.
Белин белбог қучган Бободеҳқоним,
Шонли зафар қучган **Ўзбекистон**им.

Бахтга сафарларинг муборак бўлсин,
Тўю зафарларинг муборак бўлсин.

2006 йил

ОМОН БЎЛСИН

«Сизни севдим» десак бас, қайтиб келар баҳорлар,
Кўксимизни тўлдириб оқиб ўтар анҳорлар,

Кўнгиллар бузилмаса, бузилмагай рўзгорлар,
Ҳар кимнинг кўнгил деган макони омон бўлсин.

Самарқанднинг сайқали Бухорога зеб берар,
Хоразмнинг пирлари Сурхонимга сеп берар,
Бир-бирига гул тутиб, сизни севдим деб берар,
Гул водийга етказар давони омон бўлсин.

Тинчлиги бўлмаса гар, роҳати йўқ ўзбекнинг,
Бировларга чап берар одати йўқ ўзбекнинг,
Йиқитгану бузганга тоқати йўқ ўзбекнинг,
Қалдиргочлар ин қурар айвони омон бўлсин.

Гуллаётган богимни қировга бергим келмас,
Бир сиқим тупрогимни бировга бергим келмас,
Тўралар тўзгиб кетар, лек бир сўз қолар мангу:
Ўзбекни зўр бек қилган деҳқони омон бўлсин.

Пахта ҳиди анқиган чопонингдан айланай,
Тупроқлар тавоф қилган товонингдан айланай,
Сенга бахт олиб келган давронингдан айланай,
Давронларга етказган сарбони омон бўлсин.

2006 йил

ПАХТАКОР ХАЛҚ МАДҲИ

Ёстиқ қилиб сен бошингга қўйиб олдинг,
Тўнларингга солиб уни кийиб олдинг,
Саратоннинг офтобида куйиб олдинг,
Пахтанг сенинг ризқу рўзинг бўлди халқим.

Дуо қилдим: Бевақт ёмгир ёгмасин деб,
Кўрсатмасин табиат бир нагмасин деб,
Омадлари чап томонга огмасин деб,
Дилимга бир хавотирлар келди халқим.

Сен пахтани болангдайин авайладинг,
Кўксингдаги нолангдайин авайладинг,
Худдики жон толангдайин авайладинг,
Гарчи чаноқ қўлларингни тилди халқим.

Бободеҳқон қўли қадоқ меҳнатидан,
Умидвордир Худойимнинг раҳматидан,
Шу пахтакор аёлларнинг заҳматидан,
Бугун пахта хирмонларинг тўлди халқим.

Мен жайдари қизингдирман дала кезган,
Пахталаринг ўсса кўриб кўнгли ўсган,
Оддий деҳқон қизиман лек, бир шеър ёзсам,
Ўзбек деган элу элат билди халқим.

Айтадилар дуо билан эл кўкарар,
Тупроқ дуо қилсагина гул кўкарар,
Тупрогингга қўйса ҳатто қўл кўкарар,
Шукр, бугун бахт қуёшинг кулди халқим.

Юзинг ёруг, зафар қучдинг шонлар билан,
Фахрлансанг арзийди бу онлар билан,
Қутлагайман сени ёруг тонглар билан,
Буёги тўй, ҳайит, байрам энди халқим.

2006 йил

ЎЗБЕК ЭЛИГА

Эгатларда эгилганим онажоним,
Ҳоримасанг хирмонларинг пайдо бўлмас.
Яқинига яктагини ёпган бу эл,
Узоқдаги шуълаларга шайдо бўлмас.
Давринг келди, кўзлари нам бўлмагайсан,
Сен ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмагайсан.

Сочларингдан ўзбек ҳиди келиб турсин.
Юзларингда кулгичларинг кулиб турсин,
Жаннат ваъда қилса жонинг бериб юрма,
Зори борга, зари кўплар ошно бўлмас.
Икки дунё бошлари хам бўлмагайсан,
Сен ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмагайсан.

Отлар минган оталардек гурурли бўл,
Қадди баланд, озод Шарқдек шуурли бўл.
Ҳар кимларга йўл кўрсат деб ялинмагил,
Ўзинг гадо бўлсанг, боланг подшо бўлмас.
Озоддирсан, ёвга қарам бўлмагайсан,
Сен ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмагайсан.

2006 йил

* * *

Ёт юртларда ётдай юриб нима топдинг,
Ёлгизгина отдай юриб нима топдинг.
Ёт ўрмонда ҳатто арслон бўзлаб юрар,
Бегонадай даврон суриб нима топдинг?

Ўзга юртнинг жамолига ошиқмисан,
Ё алдамчи шамолига ошиқмисан,
Ўз юртингнинг қирларини тавоф қилмай,
Ўзга юртнинг тогин кўриб нима топдинг?

Бировларнинг богларини қўриқлайсан,
Ҳатто қарга, зогларини қўриқлайсан,
Ўз богингда юрганингга нима етсин,
Бировларнинг богин қўриб нима топдинг?

Онангдайин меҳрибонинг шу тупроқ-ку,
Илдизингу, тану жонинг шу тупроқ-ку,

Юртдан кетган юзи қаро бўлар дерлар,
Ёт юртларда юриб-юриб нима топдинг?

2006 йил

ЎЗБЕК БОЛАСИ

Эй шу юртнинг Алп боласи
қаддинг кўрсат.
Осмонларга учмоқликка
ҳаддинг кўрсат.
Сарҳадингдан ҳатто
соя ўтолмасин,
Эл қадрлаб,
Ўзингнинг ҳам
қадринг кўрсат.
Баланд магрур тогларимнинг жоласисан,
Ўзингдек бўл, Сен ўзбекнинг боласисан.

Болам дейди,
Ўзбегимнинг оналари,
Боласига тойчоқ бўлар
Оталари.
Қизларига мунчоқ қилиб
тизиб берар,
Осмондаги юлдузларнинг
шодаларин

Баланд магрур тогларимнинг жоласисан,
Ўзингдек бўл, Сен ўзбекнинг боласисан.

Тўзон келса, чўлда қумлар
кўчиб кетар,
Ал турмасанг, сувинг
итлар ичиб кетар,
Пулга бунча меҳр қўйма
эй болажон,
Пул дегани пуф десанг бас
учиб кетар.
Баланд магрур тогларимнинг жоласисан,
Ўзингдек бўл, Сен ўзбекнинг боласисан.

Дунёга боқ,
Дунё билан тиллаш болам,
Қуёш иши —
Ерга нурлар йўллаш болам,
Бир қавмнинг,
бир миллатнинг илдизисан,
Биродарсан,
Бир-бирингни қўлла болам.
Баланд магрур тогларимнинг жоласисан,
Ўзингдек бўл, Сен ўзбекнинг боласисан.

2006 йил

ЎЗБЕКНИНГ ЎЗИ

Тонгда тўйлаб ош бермаган ўзбек эмас,
Ошлатиб кўкрак кермаган ўзбек эмас,
Куёвларни тогоралар билан сийлаб,
Қирқ кўйли бекдек юрмаган ўзбек эмас.

Келин чарлари қилиб чорламаса,
Келин саломларин айтиб зорламаса,
Элга таъзим қилиб, элдан таъзим олиб,
Хондайин даврон сурмаган ўзбек эмас.

Ўзбек-ўзбек бўлармиди тўйларисиз,
Карнай-сурнай, чилдирмасин куйларисиз,
Элимга ош бераман деб, тонгни кутиб,
Қуёшдан олдин турмаган ўзбек эмас.

Худо берган неъматини азиз билиб,
Ҳатто тупроқ гардини ҳам кўзга илиб,
Тўй қилганда камхаржларни изза қилиб,
Ночорни кўзга илмаган ўзбек эмас.

Боласига борлигини берган элим,
Болам-болам дея яшаб юрган элим.
Ким бўлса ҳам борлигингча севсин сени,
Борингча яхши кўрмаган ўзбек эмас.

2006 йил

ВАТАН ВА ОСТОНА

Ассалому алайкум! Эй мовий осмон,
Сен менинг муқаддас бешигим Ватан.
Мени порлоқ кунлар чорлаган замон,
Дунёга очилган эшигим — Ватан.
Сен менга азиэсан она сутидек,
Ғўдаклик йигимга гувоҳ бўлганим.
Илк бор қадамимни қутлаб, қувониб,
Севгим сирларидан огоҳ бўлганим.
Юрт кезиб согинсам тупроқ гардини.
Согинчимдан кўзи ёшланган Ватан.
Менинг юрагимга туташиб йўли,
Менинг остонамдан бошланган Ватан.
Илк бор айтган сўзим дунёга келиб,
Йўлларга кузатган Ўзбекистоним.
Қуёшдек нур сочиб, жилмайиб, кулиб,
Қўлларин узатган Ўзбекистоним.
Онамсан, отамсан, неки улуг бор,
Сенинг номинг билан айтилар Ватан.
Бу дунёга келиб Сенга келинар
Ва бир куни Сенга қайтилар Ватан.
Менинг илк саломим алик олганим,
Илк бор қадамимни қутлаган макон.
Севги изҳоримдан энтиккан юрак,
Менинг муқаддасим эй Ўзбекистон.

БИЗНИ ХАЛҚ

Чўлпонга ўхшатма

Илму урфон нурларига бўлди ошно бизни халқ,
Маърифатнинг дурларига бўлди ошно бизни халқ.

Ҳам адаб дарси билан бу кенг жаҳонга дарс бериб,
Ҳурриятнинг ҳурларига бўлди ошно бизни халқ.

То тириклик саҳнасидин, қабр қадар илм истади,
Тариқатнинг гулларига бўлди ошно бизни халқ.

Ўз тилин бошга қўйиб, ўзга тилни қадр этиб,
Эзгуликнинг тилларига бўлди ошно бизни халқ.

То қуёш озод бошин Шарқдан кўтаргай уйғониб,
Осимоннинг йўлларига бўлди ошно бизни халқ.

Ҳар томон кўприк солинди, дилга дилларни улаб,
Бир-бирининг дилларига бўлди ошно бизни халқ.

Тўй қилиб эл чорламаса, эли эл бўлгаймудир,
Тантиликнинг тўйларига бўлди ошно бизни халқ.

Пахтаси ҳам пилласи, ўз тилласи ўзи учун,
Орзуси, ўз ўйларига бўлди ошно бизни халқ.

Ҳар тараф чойхоналар, оталар кўнглин олур,
Мадраса масжидларига бўлди ошно бизни халқ.

Токи дунё бор экан, ўзбек деган халқ бўлгувси,
Сўзида собитларига бўлди ошно бизни халқ.

2006 йил

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон яхши кўраман,
Ҳам чўлинг ҳам чаманзорларинг.
Оқ булутдек пахтазорларинг,
Шовуллаган бугдойзорларинг.
Сени яхши кўраман Ватан.

Баҳорларинг севаман яна,
Менга азиз яшил богларинг,
Юрагимга яқин онамдек,
Осмон билан туташ тогларинг.
Сени яхши кўраман Ватан.

Бармоқ қўйсам булоқ кўз очгай,
Адирларинг ишқдан сўз очгай.
Ҳар тонг салом бериб, жилмайиб,
Офтобинг келиндек юз очгай.
Сени яхши кўраман Ватан.

Майсаларинг синглимдек майин,
Шамолларинг эрка, мулойим.
Ўзбекистон-эй жаннатий юрт,
Бошимда бўл, омон бўл доим.
Сени яхши кўраман Ватан.

2006 йил

ВАТАН ЎҒЛОНИ

(Андижон воқеаларида ҳалок бўлган Баҳром Жўраев хотирасига)

Юртни қўргон бўлиб асраган ўглон,
Ватанни орим деб сақлаган ўглон,
Сен ўзинг ёв енгмас қўргонсан қўргон,
Ватан қўргонига дарз етмагайдир.

Сен эй Алпомишдан сабоқлар олган,
Широқдан қош олган, қабоқлар олган,
Соҳибқиронимдан садоқлар олган,
Сен каби қўргондан ўқ ўтмагайдир.

Ёвларни қўймадинг ота маконга,
Гарчи юрак-багринг тўлди армонга,
Шундоқ жаннатмакон Ўзбекистонга
Ким айтар: ганимлар кўз тутмагайдир.

Баҳром деб исмингдан айланар онанг,
Жони йўқ жисмингдан айланар онанг,

Сени жаннатларда кўрмагунча то,
Онанг қонлар ютар, сув ютмагайдир.

Сен юртни ёвлардан асрар қўргонсан
Халқини оридек сақлар қўргонсан,
Сен энди ватанга азиз ўглонсан,
Ватан ўглонини унутмагайдир.

2005 йил

ГУЛНОМА

БАХТЛИ ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Юрсам тўрт тарафим гулзор бўлади,
Гуллайман, ҳар куним баҳор бўлади,
Сўз айтсам ашъору алёр бўлади,
Мен шу гўзал юртнинг бахтли қизиман.

Онамдек бошимни силайди Ватан,
Ҳар тонг иқболимни тилайди Ватан,
Дуолар қилади, қўллайди Ватан,
Мен шу гўзал юртнинг бахтли қизиман.

Тогларда сайрим бор кийиклар билан,
Дили эл дарди-ла куюклар билан,
Илдизим тутащдир буюклар билан,
Мен шу гўзал юртнинг бахтли қизиман.

Яшайман Зулфия, Нодира бўлиб,
Тонгги шабнамлардек бокира бўлиб,
Бахт топдим, олима, шоира бўлиб,
Мен шу гўзал юртнинг бахтли қизиман.

Барчинойдан мерос номус-орим бор,
Дунёни гуллатар гул баҳорим бор,
Кўксимда бир буюк ифтихорим бор,
Мен шу гўзал юртнинг бахтли қизиман.

2006 йил

КЎНГИЛ ҚОЛИШИ

Бу олам аро бошқа бир қуёш уйғонса, боққим йўқ.
Нурулло Нарзуллаев

Азобинг жонимдин ўтди,
Қиличлар қонимдин ўтди,
Ки васлинг ёнимдин ўтди,

... Ёдингга тоқатим йўқдир.

Кеча кеча эди эй ёр,
Бугун дил не деди эй ёр,
Бу ишқни ким еди эй ёр,

.... Ҳеч нега рагбатим йўқдир.

Ўт бердинг, куймадим ҳатто,
Бир қараб қўймадим ҳатто,
Гамингга тўймадим ҳатто,

... Ўзимга шафқатим йўқдир.

Қачонки хору мустарман,
Азалнинг васлин истарман,
Кетай деб жонни қистарман

.... Ҳамонки тоатим йўқдир.

Камалакка рўмол илдим,
Капалакка тумор қилдим,
Кўзларингга қараб билдим,

... Ишқда саодатим йўқдир.

Кулбадирман, чарог, шам йўқ,
Ки бу ишқда ҳамонам йўқ,
Тирикликка баҳонам йўқ,

... Чунки... муҳаббатим йўқдир.

2008 йил

СЕНИНГ СУВРАТИНГ

Қайга борсам қуёш мен билан,
Қайга борсам осмон бошимда.
Қаён боқсам сенинг сувратинг,
Жилваланар кўзим ёшида.

Майсаларнинг эскирган ранги,
Сочларингни солар ёдимга.
Кўзларингнинг маъюс жаранги,
Йиллардирки чиқмас ёдимдан.

Шивирлайди лабларинг маҳзун,
«Сени севдим, лекин бормасман»
Тилларимдан тушмас бир афсун:
«Эй қадрлим, сенга зормасман».

Шундоқ ўтди умри жонимиз.
Икки ёнда яшадик магрур.
Энди бизнинг дил ўртасида,
Севги деган сўз йиглаб турур.

Тангрим айтди: «Менга боқ энди»,
Бордим маъюс унинг қошига.
Аммо... яна сенинг сувратинг,
Жилваланди кўзим ёшида.

2008 йил

ЭСЛАШ

Мен шу ёмгирларда Сени эсладим,
Чехрангни эслатди эзгин ёмгирлар.
Маъюс хазонларнинг қулоқларига,
Томчилар мен келдим, дея шивирлар.



Қачон кўришамиз билмайман яна,
Қачон дийдорингга тўйгайдир кўзим.
Тушун, хазончеҳра ошиқлар каби,
Хазонга айланиб кетяпман ўзим.

Надомат шамоли эсди богларда,
Дарахтлар мунгайди, қолди кексайиб.
Мен кузнинг багрига ийманиб кирдим,
Куз мени багрига босди жилмайиб.

... Лекин сен қайдасан шундай дамларда.
Богларда ахир куз қилмоқда исён.
Жонингни оловлар ёқиб кетмасми,
Эй сен согинишни билмаган инсон!

Томиримни ёққан бу ишқнинг ўти,
Бунчалар огриқли, бунчалар қадим.
Сен шу лаҳзаларда мени унутдинг,
Мен шу ёмгирларда ...
Сени эсладим...

2007 йил

АЛВИДО...

Мендан яхшисини бунча изладинг?
Зулфия Муминова

Сенга кўнгил бериб кўп хато қилдим,
Булутни бошимга кўк ридо қилдим,
Энди хайр сўзин алвидо қилдим.
Алвидо! Баргларим хазон бўлгунча.

Энди кет! Куксимни бездирган эй гам,
Парвонасин билмас эй лаҳзалик шам,
Агарки, зот-зотинг шердан бўлса ҳам.
Алвидо, сочларим ўрмон бўлгунча.

Мени таҳқирлашдан чарчамадинг ҳеч,
Чархпалак айланиб чарчамагандек,
Бу дунё зулмкор кўрдими Сендек,
Алвидо, оҳларим азон бўлгунча.

Кун келар кунларнинг баҳридан кечиб,
Энди қасам эмас, аламлар ичиб.
Остонамда туриб, тиззангни қучиб,
Алвидо, рангларинг сомон бўлгунча.

Бир қоши камонни изладинг, билдим,
Мендан яхшиси деб бўзладинг, билдим,

Хоҳиш — подшо экан, нима ҳам қилдим,
Алвидо, қошларим камон бўлгунча.

Ўзимни англатдинг, ўзингни билмай,
Ўзимгача келдинг, ўзинг ҳам билмай,
Кўнглимни қул қилдинг, менга билдирмай,
Алвидо, шу қулим султон бўлгунча.

Алвидо....
тупрогим тўзон бўлгунча.

2007 йил

* * *

«Мен билгандим ўша чоғдаёқ,
Тор эканин замин биз учун»
Анна Ахматова

Бормоқ учун йўл топмадим ҳеч,
Йўл топмадим унутмоқ учун.
Мен йигласам дейсан жилмайиб:
«Жоним, ахир унутмоқ нечун»???

Унутишни билсайдим кошки,
Билсам эди кечмоқ илмини.
Ўтказмасдим жон жаҳонимдан,
Кўзларингни чексиз зулмини.

Хаёлимда сенинг кўзларинг,
Ҳисларимни алдаётгандек.
Шу кунгача бир-биримизни,
Севаман деб алдаётгандик.

Мен ҳар куни тонгни жим кутиб,
Кузатаман багри хун тунни.
Сўнг ўйлайман: ким ечар билмам,
Икковимиз туккан тугунни.

Мен-ку икки қайиқни тутиб,
Ювраман, Сен эса бегам.
Борай десам йўлларим ёнган,
Имконим йўқ унутай десам.

Бир кун Тангрим кўклардан боқиб,
Деса агар: Бормадинг нечун?
Мен айтаман: Художон ахир,
Йўл бермадинг бормогим учун.

2007 йил

САВОЛ

Кўксимда бир қатим меҳрим қолмади,
Жовдираб кўзимда ёш турар ҳар дам.
Ўзимнинг ўзимга сеҳрим қолмади:
Нега мени севмас мен севган одам?

Художон, қаерда хато қилдим мен,
Қайси кир жойларга босгандим қадам.
Ўзимнинг ҳолимга маъюс кулдим мен,
Нега мени севмас мен севган одам?

Бу узун йўлларда ҳориб боряпман,
Тополмай қаламдан ўзга бир ҳамдам.
Чақмоқдек булутнинг кўксин ёряпман,
Нега мени севмас мен севган одам?

Билдим, то дунё бор, йўқ менга дийдор,
Билдимки дунёда ҳасрат бор мудом.
Менинг кўзларимда битта савол бор:
Нега мени севмас мен севган одам?

Қайғу селларида қолдим мен узоқ,
Ҳасрат ёмгирлари ёгди дам-бадам.
Тангрим маҳшарда ҳам саволим шундоқ:
Не учун севмади мен севган одам?

2007 йил

ТИЛЛА СОЧ

Сенинг тилла сочларингни деб,
Тиллам адо, зар адо бўлди.
Николай Гумилев

Тилла сочинг бўлса ҳам,
Сен шаҳзода бўлмадинг.
Сени дея тилламни,
Мен ҳам адо қилмадим.

Етим қилиб севгимни,
Зор қақшатиб кўнглимни,
Сен назаринг солмадинг,
Мен назарга илмадим.

Йиглаб турар кўзларим,
Яшнаб турар юзларим,
Чунки багрим тилдим мен,
Юзларимни тилмадим.

Йўл топмадим йўл юриб,
Юрмабмана гул териб,
Сенга кетганим бери,
Ҳеч ўзимга келмадим.

Банда фақат тиларкан,
Барин Худо биларкан,

Буёги не бўларкан?
— Билмадима, билмадим...

2007 йил

«ДЎСТИМ»ГА

Дегайлар, дўстликдан,
Бошланур ишқ, акси эрмасми,
Биз энди дўст, деди ёр,
Оҳ, бу севги интиҳосидир.
Эркин Воҳидов

Кет! Кўксим огриди, жоним огриди.
Заққумга айланди асаллар есам.
Ошиқларинг кўпдир, сенинг пойингда
Менга жой қолмабди бош қўяй десам.

Қандай телба бўлдим, далли девона,
Мени севмаган деб елдим, югурдим,
Мен шамнинг қасдида юрган парвона,
Бугун қанотимни ёмон куйдирдим.

Кўзларинг ҳайдайди уйингга борсам,
Кет деб кутиб олар ҳатто остонанг.
Дейман маъюсгина жилмайиб, кулиб,
«Шундоқ ўзим келдим, шундоқ дўстона».

Шундоқ келиб бўлса кошки ёнингга,
Кошки кетиб бўлса шунчаки беҳис.
Эй кўзлар, эй сўзлар, эй сиз сароблар,
Нега хаёлимни ўгирладингиз?

Ким деб сўрасалар дўстим дермишсан,
Балки шу сўз енгил, қулайроқ сенга.
Дўстим, агар билсанг, бундай дўстликдан,
Мангу бегоналик яхшийди менга...

2007 йил

БУ ТУНЛАР

Бу тунлар тун эди сен кетган пайтинг,
Бахтнинг қучогига жим етган пайтинг,
Мени бир хас каби унутган пайтинг,
Дардингда бу тунлар саҳар бўлди кўр.

Ёмон севдим сени, ишқ фасли эди,
Ўйладим: тунларим ёришмас энди,
Ичимдаги севгим нафратга дўнди,
Асал тураверіб заҳар бўлди кўр.

Сурайё юлдузлар чорлади, бординг,
Ортингдан санамлар зорлади, бординг,
Туйгуларим билан тошларни қординг,
Багримдаги тошлар гавҳар бўлди кўр.

Ҳажрингда ой куним йилга айланди,
Ҳар битта ҳужайрам дилга айланди,
Берган ҳар хазонинг гулга айланди.
Юборган ҳар кузинг баҳор бўлди кўр.

Барига қўл силкиб кета олмадим,
Ёнингдан жимгина ўта олмадим,
Сенга талпиндиму ета олмадим,
Ўттиз йиллик умрим... бекор бўлди кўр.

Бу тунлар тун эди...

2007 йил

* * *

Кўзимда саволим бор,
Менга кулмайсанми ёр?
Кўзларим қарогига,
Ёшдек тўлмайсанми ёр?

Сени ўргандим ҳар кун,
Сенга ўргандим ҳар тун.
Ўзингни билганинг чун,
Мени билмайсанми ёр?

Осмон пойимда дедим,
Ойни сойимда дедим.

Менам бир пари эдим,
Кўзга илмайсанми ёр?

Агар мен кетиб қолсам,
Кўкларга етиб қолсам,
Кўчангдан ўтиб қолсам,
Нола қилмайсанми ёр?

Ҳатто Тангри юрармиш,
Унга бир қадам юрсанг.
Мен Сенга боряпман-ку,
Менга келмайсанми ёр?

2007 йил

ХАЙРЛИ ИШ

Сен озодсан, энди алвидо!,
Қулиммассан, ошигиммассан!
Мен малика бўлсам ҳам нетай,
Сенга кўнгил қўйдим, билмасдан.

Қулингман деб айтдинг минг бора,
Қуллуқ дедим мен ўз қулимга.
Пешонамни ўқиб кўрдиму,
Қайтавердим келган йўлимга.

Боргил энди сени тинч қўйгум,
Гарчи исминг ҳар бир нафасда.
Эл ичинда нақл бор шундоқ:
Ярашмасмиш шерлар қафасга.

Овутаман ўзимни ўзим.
Қафас каби юрак бўм-бўшдир.
Бу дунёда қул қилмоқ эмас,
Озод этмоқ хайрли ишдир.

2008 йил

11 МАРТ 2008 ЙИЛ

Майли энди кўнглингиз шундоқ,
Бизга мойил бўлмамиш ҳеч ҳам.
Мен Сизни деб ҳасрат чекаймиҳ,
Шафтолилар гуллаб ётган дам.

Ахир шундоқ ёруг дунёда,
Яшаб бўлмас шудринглар ичмай.
Мен яхшиси қалбни авайлаб,
Ўрикларнинг гулини ўпай.

Бегонамиш сув билан олов,
Мудом тадбир айламас тақдир.
Мен майсадек маъсум дунёда,
Сиз йўлбарссиз, Сиз шерсиз ахир.

Майсаларни топтайди шерлар,
Касби топташ ахир йўлбарснинг.
Сизга совға қиларлар бир кун,
Сиз суймаган олтин қафасни.

Бир кун ишққа тўларман яна,
Гар кетсангиз кўксимга не гам?
Бас! Сизни деб ҳасрат чекмайман,
Шафтолилар гуллаб ётган дам.

2008 йил

ҚАРҒИШ

Қадримни кўп билмадим ўзим,
Суймаганнинг ёнига бордим.
Менинг учун умрида бир бор,
Куймаганнинг ёнига бордим.

Бордим, кейин ишқ сўрайвердим,
Мени сев деб чўкдим пойига.
У севгимни оқизоқ қилиб,
Оқиздия кўнгил сойида.

Ким эди у ишқ берсанг олмас?
Ким эди у енгган шуурим.
Кўтар энди бошингни ахир.
Сен қайларда қолдинг гурурим?

Сўнг волалар қилдим Худога:
Сочларини оқартсин қиров!
Чимлар боссин остонасини,
Мендан кейин севмасин биров!

Ортга боқдим шу сўзни айтиб,
Юрагимда нафрат жаранги.
Кўзларимдан кетмади кейин...,
Ёр сочининг қировли ранги.

2008 йил

ПУШАЙМОН

«Мен сени севаман» деди ёр,
«Сен каби адойим кўп» дедим.
«Гадолар бўламан» деди ёр,
«Шоҳим йўқ, гадойим кўп» дедим.

«Умрингда хатоман» деди у,
«Одамман, хатойим кўп» дедим.
«Мен сенга туҳфаман» деди у,
«Худодан атойим кўп» дедим.

Ёр айтди: «Кунглингни ёритай»,
«Сен каби фидойим кўп» дедим,
«Сени деб гамдаман» деди у,
«Бошимда савдойим кўп» дедим.

У кетди, садосиз, овозсиз.
Эй Худо, нидойим кўп дедим....
Мен бугун ким бўлдим Художон,
Айт ўзи мен кеча ким эдим?

2007 йил

САВОЛГА ЖАВОБ

(Ҳазил)

Сен магрурсан, мен магрур,
Ўртамизда хор гурур,
Шундоқ магрур бошимни
Эголмайман азизим.

Сен гамнинг гулларини
Экиб кетдинг багримга,
Энди бахт гулларини
Эколмайман азизим.

Пари тегса йигитни
Девона қилар дерлар,
Шунинг учун мен сенга
...теголмайман азизим...

2007 йил

БАҲОР СОҒИНЧИ

Қаҳри билан зериктирди қиш,
Ташрифингга зорман баҳорим.
Баҳор билан бораман дея,
Сени кутиб турганмиш ёрим.

Келгил энди, гуллар очиб кел,
Ҳайратларга йўллар очиб кел,
Қаҳратоннинг қаҳрин синдириб,
Диллар аро диллар очиб кел.

Интиқ эмиш сенга ёрим ҳам,
Интизорлик, зорлик они бу.
Ахир сени кутгани каби,
Ҳатто мени кутмаганди у.

Васлингга кўп зорман баҳорим.
Юрагимда согинчлар қадим.
Мен негадир сенинг сиймонгни,
Ёрнинг чеҳрасига ўхшатдим.

Қорлар ёгди, кўп қорлар ёгди,
Зорлар босиб кетди дилимни.
Бу қорларда зўрга асрадим,
Юрагимда ўсган гулимни.

Энди келгил, муштогингман мен,
Сочларимга гулбаргаклар тақ.
Ҳайратлардан юрагим тошсин,
Осмонимда чақнасин чақмоқ.

Ўтирибман йўлнинг четида,
Кел баҳорим интиқман сенга.
Ёрим сени менга келтирсин,
Сен ёримни келтиргил менга.

Интизорман, кўп интиқ кутдим,
Бир кўришга зорман баҳорим.
Баҳор келса бораман дея,
Сени кутиб турганмиш ёрим.

2008 йил

ФАҚАТ...

Яна ўзим қўнгироқ қилдим,
Юрагингиз эзилмасин деб.
Йиглаганим, хафа бўлганим
Кўзларимдан сезилмасин деб.

Мен шундайин ношуд парвона,
Шу кул учун гамлар чекдимми?
Яшолмайман ахир ҳар лаҳза
Куйдирмасам шамда кўксимни.

Кимман ўзи галати, далли,
Ва ҳолига ўзи ҳайрона.
Меҳрсизлик дунёларида,
Меҳрлари жўшган девона.

Дунё азал шундоқ яралмиш,
Ва у шундоқ қасддадир мудом.
Сен севганни кўзга илмайсан,
Сени севмас сен севган одам.

Мен ҳам нетай ахир азизим,
Тайёр турса кўзимда ёшим.
Ўз тиззамни қучса қўлларим,
Пойгакларни севса бу бошим.

Кимга меҳр қўйдим телбадек,
Суйдим жону дилларим билан.
Сўнг юзимга урдилар улар,
Қўлимдаги гулларим билан.

Англамабман оловдек ёниб,
Учганини ўз гулханимни.
Сизни эслаб, Сизга дил бериб,
Ўз кўнглимни унутганимни.

Агар Сизнинг пойингиздаги,
Хок бўлса ҳам меҳру муҳаббат.

Ўйнанг ана ер шари билан,
Кўнглим билан ўйнаманг фақат!!!

07.07.2007 йил

ҚЎҚОНДА ТЎЙ

Шарифага

(туркум)

Менинг қўлларимдан тутдинг дўст бўлиб,
Келмасам онамдек кутдинг дўст бўлиб.
Мен нима ҳам дердим сенинг қаршингда,
Яхши ёмонимдан ўтдинг дўст бўлиб.

Исмингни эсладим қаерда юрсам,
Сени муштоқ кутдим тўкилсам, тўлсам,
Кечир агар зарра ранжитган бўлсам,
Гаму ҳасратимни ютдинг дўст бўлиб.

Тўғри, андак расво феълларим бордир,
Сени огринтирган йилларим бордир,
Лекин мудом муштоқ қўлларим бордир,
Хок бўлдим, дарахтдек тутдинг дўст бўлиб.

Осмон бўлмадинг ҳеч осмондан келсам,
Гуллаб кетмадинг ҳеч хазондан келсам,

Йигласам йигладинг, кулдинг гар кулсам,
Гамимдан достонлар битдинг дўст бўлиб.

Мен қандоқ кечирай дунёи дунни,
Мудом талаб қилса багримдан хунни,
Саволларга солдим мен ўша кунни,
Мени кимга ташлаб кетдинг дўст бўлиб?

Келмасам онамдек кутдинг дўст бўлиб.

ТУҲФА

Сени кузатаман, кетасан энди.
Бу кутмас дунёда мени кутганим.
Кўчамда хазонлар рақс тушар энди,
Бир қултум меҳр бер заҳар ютгали!

Ҳар дам шариф номинг шарафга тўлиқ,
Мудом юрагингга туташ йўлларим.
Гарчи Самарқандда эккан бўлсам-да,
Негадир Қўқонда унмиш гулларим.

Чиройли кўзингни шам қилиб олдим,
Умрим йўлларини ёритди бу шам.
Биламан, кўксимни огритар Тангрим,
Қачондир шу шамни ўчирган бўлсам.

Ўзинг биласанми ёки билмайсан,
Сенинг исминг учун кўп фироқ чекдим.
Менга туҳфа қилиб юбормиш Сени,
Қўқонди латифдан Нодирабегим.

ҚЎҚОННИНГ ДАРВОЗАСИ

Эй қалбимнинг нафис ҳасрати.
Эй кунглимнинг довул бўрони.
Остонаси қаерда айтгил,
Дарвозасин кўрсат Қўқоннинг.

Мен дўст излаб топган маконим,
Мен кунглимни йўқотган манзил.
Бахтини бир кўрсам етарли,
Туйларини кўрсам шу басдир.

Гарчи ёлгиз, гарчи абгорман.
Бир барг каби маъюс ўтяпман.
Йўлларимга чиқинг дарахтлар,
Мен Қўқонга... тўйга кетяпман.

ИШҚ НИМА?

Хайр дейман кўзим яшириб,
Хайр дейман, бошларим эгик.
Бахт биз учун куй чалиб келди,
Биз бахт учун ҳасратлар чекдик.

Билдим кўнглинг илитмади ишқ.
Билдим андак кўзларинг гамгин.
Ҳатто Момо Ҳаво билганми,
Ишқ аталмиш саодат таъмин?

Ҳайратларда, ҳасратда қолдик.
Парвоналар шам деб куймаса.
Ўзи севди, Ўзи яратди,
Яратмасди агар севмаса.

Кўзларингда бир гўзал ёнгин.
Ҳасрат чекма васли ишқсиз деб.
Тангрим сенга баҳор гулию,
Сабрлардан тахламишдир сеп.

ЙИҒЛАМА

Сен йиглама, сен ҳасрат чекма,
Кўзинг ўзи қаро шундоқ ҳам.
Билмай туриб бир йўл танладик,
Энди кечиб бўлсин қандогам?

Айрилиқлар ҳақда гапирма,
Ахир дилда ўтмишнинг ёди.
Кечай дема, кетайин дема,
Бундоқ бўлмас дилнинг муроди.

Азал балки азоблар билан,
Битилмишдир тақдирнинг хати.
Битган шамни кўриб айтурлар:
Шундоқ бўлар аёл қисмати.

Куникамиз, кунамиз энди,
Кундан кунга кўҳнамиз энди,
Ёр уйининг томларин топиб,
Қизгалдоқ бўб унамиз энди.

Лекин мудом кулиб тургил сен,
Ҳатто багринг тиглаганларга.
Тангрим азал бахтлиларга бахт,
Кўз ёш бермиш йиглаганларга.

МАЙЛИ...

Майли тақдир, майли бу насиб,
Майли бизни яралаган гам.
Фақат менга ўчмаса бўлди,
Кўзларингда ёниб турган шам.

Майли гарчи мушкул йўлдамиз,
Майли гарчи диллар сиёҳли,
Бўронлардан асролсанг бўлди,
Юрагингда унган гиёҳни.

Ўша танноз бойлик дегани,
Ўтмаса ҳам бизнинг кўчадан.
Сен оловлар олиб чиқсанг бас.
Ишқ онлари кечган кечадан.

Майли гарчи ёрлар ёр эмас,
Дунё рақсин кузатармиз жим.
Сенга таскин бериб турса бас,
Бу дунёда менинг борлигим.

2007-2008 йил

ҲАМД

Юзларимни ёруг қилди Худойим,
Дардларимдан фориг қилди Худойим,
Сабрлардан сариқ кўйлак кийдириб,
Бардошимдан чориг қилди Худойим.

Давлат берди, заҳматидан айланай,
Заҳмат берди, раҳматидан айланай.
Пешонамни силаб-силаб қўярман,
Ёзиб қўйган дастхатидан айланай.

Тўгри, баъзан синдиради сўзимни,
Шундан мунги қалқиб турар кўзимни,
Тўлганимда тўзгитмайди биламан,
Чунки ўзи берган менга тўзимни.

Қайга борсам бароридан берар у,
Энг охирги қароридан берар у,
Бахтим йўқ деб ўксимайман, нимам йўқ,
Худойим-ку, бир кун келиб берар у.

Шайтон келса дедим: Бари меҳнатим,
Секингина эслатди у: Ҳимматим!
Ўзим-ку бир чумолидан ожизман,
Ололмайман бошимдаги чимматни.

Мени севди, менам уни кўп севдим,
Пойларига бошим уриб хўп севдим,
Бош кўтарсам нигоҳини йўқотдим,
Мен ожизинг, мен қулингман деб севдим.

Шундан буён бошгинамдан кетмайди,
Пойини бир ўпмай куним ўтмайди,
Ҳамма мендан ниманидир кутар, лек,
У ўзимни кутар, ҳеч не кутмайди.

Ахир унга юкинганман, бахтим бор,
Ҳар нарсада насиямас, нақдим бор,
Эҳтимолки бир тилло зирагим йўқ,
Аммо менинг тиллолардан тахтим бор.

Юзларимни ёруг қилди Худойим,
Дардларимдан фориг қилди Худойим,

Сабрлардан сариқ кўйлак кийдириб,
Бардошимдан чориг қилди Худойим.

2007 йил

ШУКРОНА

Мудом бахтлилардан қилгани учун,
Мени ўзимдан кўп билгани учун,
Кўксимга ҳар нафас тўлгани учун,
Беадад шукрлар бўлсин Худога.

Замин теграсида айланар фалак,
Гарчи гам қишида учдик яхмалак,
Гарчи бир 1 ни деб минг жонлар ҳалак,
Беадад шукрлар бўлсин Худога.

Базмлар гуллади базмга кирсам,
Денгизман, дарёи азимга кирсам,
Оламлар эгилар таъзимга кирсам,
Беадад шукрлар бўлсин Худога.

Омон асради у пардай онамни,
Сочу киприклари зардай онамни,
Бошин омон қилди ордай отамни,
Беадад шукрлар бўлсин Худога.

Мен кимман, у агар ҳиммат қилмаса,
Қадрим йўқ, қадримни қиммат қилмаса,
Зорим бор меҳридан чиммат қилмаса,
Беадад шукрлар бўлсин Худога.

Мен ундан айро бир сас эдим асли,
Бугдойин йўқотган хас эдим асли,
Унинг васли дея маст эдим асли,
Беадад шукрлар бўлсин Худога.

Мудом бахтлилардан қилгани учун,
Мени ўзимдан кўп билгани учун,
Кўксимга ҳар нафас тўлгани учун,
Беадад шукрлар бўлсин Худога.

2008 йил

ШИРИН ОРЗУ

Тонгдек ёруг шеърлар ёзаман,
Истараси нон каби иссиқ.
Юракларга кириб боради,
Юрагимдан бошланган қўшиқ.

Гулдек гўзал шеърлар ёзаман,
Ёришади тунларим тонгдек.
Ошиқ йигит чин севги ила,
Ёрин юзин сийпалагандек.



Нурдек тоза шеърлар ёзаман,
Лабларимда қуёшнинг лаби.
Одамларга ёқади шеърим,
Гўдакнинг соф кулгуси каби.

Болдек ширин шеърлар ёзаман,
Тунга тугиб уйқуларимни.
Уйғотади бир куни шеърим,
Одамларнинг туйғуларини.

Бир сарбаланд шеърлар ёзаман,
Юракларим ҳайратга тўлиқ.
Оҳанглари онамдек содда,
Сатрлари Ватандек улуг.

Мен шундай шеър ёзмогим учун,
Парвонаман тунлари шамга.
Ёрим келиб қўлларимдан тут,
Қўлларингни қўйгил елкамга...

2008 йил

* * *

Согинсак қайтади қувончларимиз,
Чорласак қайтади ҳаттоки гамлар.
Биродар, ялину ёлвор кетказма,
Ҳечам қайтмас экан кетган одамлар.

Қушлар қайтиб келар, согиниб юртни,
Тўлқинлар қайтади соҳилларига.
Ёмгирлар самони айланиб келиб,
Қайтгувси заминнинг багирларига.

Шунинг чун сен одам йуқотма қалбим.
Хатто тиз чўкса ҳам сен деб оламлар.
Бу дунёга қайтиб келмаганидек,
Қалбингга ҳам қайтиб келмас одамлар.

2007 йил

ЁРУҒ ТОНГЛАР

Фарзонага

Бунча йиглоқ бўлдик азизам,
Бизни бунча йиглатди ҳаёт.
Келдим ҳамки бу дунёсига,
Кўзимдан ёш кетмади ҳайҳот.

Менга бунча содиқ бўлди гам,
Юрагимни чаёнлар чақди.
Сен йиглоқ қиз бўлма азизам,
Менинг йиглоқ шеърларим ҳаққи.

Шоирмасман, лек кўнглим чил-чил,
Дунёни кўп чарчатди нолам.

Юрагимни багрингга босгил,
Юрагингдек тозарсин олам.

Кел, ўктамроқ яшаймиз энди,
Кўзларингда бахтлар жаранглар.
Юрагингнинг уфқларида,
Отар бир кун энг ёруг тонглар.

2005 йил

НЕЧУН

Нечун бизга азиз бу тупроқ,
Кетолмаймиз ундан йироққа.
Чунки азиз одамларимиз,
Қоришиблар кетмиш тупроққа.

Нечун бизга азиз майсалар,
Ҳатто кузда уларнинг ёди.
Бу майсалар бизнинг севгимиз —
Ва қалбларнинг маъсум фарёди.

Нечун бизга яқин бу осмон,
Нечун бунча азиз юлдузлар.
Чунки одам ўтгандан кейин,
Юлдуз бўлиб қолармиш кўзлар.

2008 йил

ҚАСД

Энди меҳр кўрсатманг менга,
Бўгзимгача қасдга тўлганман.
Ва меҳримни аллақачонлар,
Тупроқларга кўмиб бўлганман.

Касбингизми дил билан ўйнаш,
Йиглатиб сўнг кулдирасизми?
Қаҳр билан ўлдиролмасдан,
Меҳр билан ўлдирасизми?

Тоглар билан қондошлигим бор,
Эгилмасман чиқса-да жоним.
Эй тилига заҳар яшириб,
Лабида бол тутган илоним.

Меҳр қўйдим, англамадингиз,
Кўнгил берсам қордингиз лойга.
Сиз бошингиз қўярсиз ҳали,
Мен оёгим ташлаган жойга.

Гарчанд бугун тахтингиз баланд,
Ошигингиз олчилиги рост.
Аммо сизни тинч қўярмикан,
Юрагимда жўшиб ётган қасд.

Шаккокликдир гарчи қасд олмоқ.
Билдим қонда чўглар юрганин.
Кимга айтай нафрат аллалаб,
Мени қасдлар улгайтирганин.

Бу дунёда агар, мабодо,
Каслар калта қирқса дастимни.
Қиёматда Тангримга дейман:
Олиб бергил менинг қасдимни.

2008 йил

АЁЛ ЗОТИ

Бу аёл зотига сўз йўқ, таъриф йўқ.
У йўқким дунёда зоти ориф йўқ.
Агарчи гуноҳ йўқ, амри маъруф йўқ
Гуноҳкордир одам то камолгача.

Эй аёл, дилбарим кимни суйдингиз,
Суйганда то томир қадар куйдингиз,
«Азизим не учун севмай қуйдингиз?»
Ўрин қолдирмайлик шу саволгача.

Бу огир дард экан, ёмон огридим.
Ёмон куяр экан бунда багри дил,
Қутула олмасам керак бу дарддан
Камолимдан тортиб шум заволгача.

Ишқ деса ўйнайди ҳатто фалаклар,
Сеҳридан яйрайди ҳурлар, малаклар,
Ишқ деса бўлармиш жони ҳалаклар,
Бўронлардан тортиб шўх шамолгача.

Зоти аёл яшар пок гарди билан,
Кўнгил шод тоабад бир марди билан,
Ўлган бўлса ўлди ишқ дарди билан,
Момо Ҳаводан то-о-о...
Гулжамолгача.

2008 йил

КИМСАСИЗЛИК

Узоққа чўзилди тақдирнинг баҳси.
Жудаям тор келди менга бу йўлак.
Яна атрофимда хазонлар рақси,
Яна ҳеч кимим йўқ Худодан бўлак.

Қачон бу чимматни тортдим бошимга,
Қачон севмоқликдан чарчади юрак?
Яна куним қолди кўзим ёшига,
Яна ҳеч кимим йўқ Худодан бўлак.

Яхшими севгисиз, ҳиссиз яшамоқ,
Яхшими ҳисларнинг устидан кулмак.
Яна ишим — маъюс қўшиқ бошламоқ,
Яна ҳеч кимим йўқ Худодан бўлак.



Сен мени севмадинг, гамларда куйдим,
Гамнинг матосидан мен кийган кўйлак.
Яна кулоҳимни бошимга кийдим,
Яна ҳеч кимим йўқ Худодан бўлак...

2007 йил

ҲОЛАТ

Ҳамма сўрар ниманидир сендан мудом,
Ҳеч ким айтмас: Ҳолинг ўзи қандоқ гулим.
Айт биродар, аттанг қилиб қолмаймизми,
Ҳолинг қандоқ дея келса бир кун ўлим.

Рўзигоринг бўронлари кўз очирмас,
Дилдан айтай десанг биров сўз очирмас,
Қадам боссанг чанги урар юзларингга,
Бу гуноҳлар бориб-бориб юз очирмас.

Гоҳи-гоҳи юракларга озор бўлиб,
Умр ўтар карвонсарой бозор бўлиб,
Бир гор излаб сафарга ҳам чиқаркансан,
Охир бир кун ўзингданам безор бўлиб.

Шундоқ экан бу дунёнинг йўриқлари,
Жонга тегди жонни ўртар қилиқлари,
Суягимни қақшатди-я ўтар гамлар,
Қуриб кетди суягимнинг иликлари.

Қайга борсам девоналар боглар йўлим,
Қайси богда сўлди менинг ўттиз йилим?
Ҳамма сўрар ниманидир сендан мудом,
Ҳеч ким айтмас:
Ҳолинг ўзи қандоқ гулим.

2008 йил

ТАЗАРРУ

«Парпираб юлдуз ёнодир тун қаро бўлган сайин,
Ёдима Тангрим тушар, бахтим қаро бўлган сайин»
Абдулла Тўқай

Художон, гуноҳлар қилсам кечирдинг,
Қиёмат кунимни тунга кўчирдинг,
Бахтнинг китобидан исмим ўчирдинг,
Энди йиглашимни, нолишимни кўр.

Гамнинг пичогида тилиниб кетиб,
Гуноҳ огушига жим иниб кетиб,
Зарра-зарраларга бўлиниб кетиб,
Осмондан ёмгирдек ёгишимни кўр.

Ёдингни кўксимда тутиб ҳар нафас,
Исмингни тилимдан қўймай бир нафас,
Рақсин бошлаганда ул ҳою ҳавас,
Бир зумда шайтонга огишимни кўр.

Сени сотган борми мендек бевафо,
Ва мендек дардингда дарди бедаво,
Билмадим неларни кўрарсан раво,
Йўлингда йўлсиздек хоришимни кўр.

Ўзимдан ўзингга кўприк солмайин,
Ибодат уйида бир тун қолмайин,
Бандалик илмини эплай олмайин,
Кечир деб пойингга боришимни кўр.

Шуям бандаликми, орим ўзимдан,
Ҳарна кўрсам кўрдим айтган сўзимдан,
Аразу гиналар қилиб ўзингдан,
Ўзингга дардимни ёришимни кўр.

Уялмай қошингга боришимни кўр.

2007 йил

АНГЛАШ

Бекорга эгилмас Сиздан бошқа кўк.
Ҳалима Худойбердиева

Кўпларни алқадим, кўнглини олдим.
Елкамга ортдим мен ҳар қандай гамни.
Бировлар чорласа дарров бордим, лек,
Бирров йўқламадим жоним онамни.

Турфа хил кийиндим кимдир севсин деб,
Меҳрлар берибман менга келсин деб,
Энди юрибман-ку «Худо билсин» деб.
Бир бор йўқламадим жоним онамни.

Юрагимни тутдим ул ошигимга,
Жўр бўлмаса ҳамки дил қўшигимга,
Такрор-такрор бордим ёр эшигига,
Такрор йўқламадим жоним онамни.

Бошқалар барибир бегона экан,
Жонга жон бўлмаскан бегона деган.
Бугун юрагимга қадалган тикан:
«Бекор йўқламадим жоним онамни».

«Бекор йўқламадим жоним онамни».

2007 йил

ОТАМ

«Мункир билмас, мухлисларнинг шакки йўқ,
Пайгамбар дастидир дасти отамнинг».
Махтумқули

Иншооллоҳ, дили дўстга бойланар,
Пайгамбарга чин дўст бўлиб сайланар,
Бошим қўяр болишимга айланар,
Оёқ босиб ўтган жойи отамнинг.

Ҳалол ризқин топди доим тупроқдан,
Йўлларини олди мудом тикроқдан,
Келсам ҳамки баъзан яқин-йироқдан,
Намозгоҳим бўлар пойи отамнинг.

Нима топдим исён қилиб, жим юриб,
Юрибман-ку энди бахтни туш кўриб,
Мен бўламан, пойларига бош уриб,
Шарқираблар оққан сойи отамнинг.

Болаликдан таниш бўлдим гам билан,
Кўзларимда ёниб турган шам билан,
Ўсдим мудом йўқчилигу кам билан,
Шукр бўлдим бугун бойи отамнинг.

Ўзга олдим ўзгаларнинг юкини,
Улар энди келар менга юкиниб,
Мендан афзал дейман баъзан ўкиниб,
Пиёлада қолган чойи отамнинг.

Ўзга қизлар улгаюрлар эркалаб,
Эркаланиб уйгонурлар эрталаб,
Билолмадим нима учун, не сабаб,
Бўлмадим ҳеч эркатойи отамнинг.

Менинг отам — ҳалолликнинг қўргони,
Менга басдир, бошимда жим тургани,

Бир тилагим, Худойимдан сўрганим:
Омон бўлсин
боши доим
отамнинг.

Намозгоҳим бўлсин пойи отамнинг.

2007 йил

ОНАМГА

Нега ўлмаяпман сени қаритиб,
Бесамар йўлларда бесар, ҳоритиб,
Онажон, бахтдан кўп умидим ҳам йўқ,
Ахир юрибман-ку сени хор этиб...

Кўзимдан кўксимга ташлаб қадамлар,
Недир манфаат билан келар одамлар,
Сенинг кўзларингда бир қувонч кўрсам,
Менинг кўзларимда гуллар бодомлар.

Онажон, бу дунё тозарсин дея,
Дунёнинг юзига ёпдим кўйлагинг.
Айт, ахир қандогам қўлимга олай,
Шафтоли гулидек ҳарир юрагинг.

Нетай пешонамга ёзилган қисмат —
Яшамоқ изимга сени зор этиб.



Ўзим хорлигимга ҳайрон бўлмайман,
Ахир юрибман-ку сени хор этиб...

2007 йил

ДОСТОНЖОНГА

Ботир полвон бўларсан,
Зўр паҳлавон бўларсан.
Алпомишдек келбатли,
Марди майдон бўларсан.

Кўзлари ақллигим,
Сўзлари ақллигим,
Биз дард айтсак туриб жим,
Дардга дармон бўларсан.

Ўзинг яхши боласан,
Қалби бахши боласан,
Боласан-да боласан,
Қушдек сайрон бўларсан.

Кетиб борар йўл юриб,
Баъзан чақмоқ, дўл уриб,
Холангни ҳолин кўриб,
Маъюс, ҳайрон бўларсан.

Саховати кўкка тенг,
Баъзан ёқа, баъзан енг,
Бобонг каби кўнгли кенг,
Багри осмон бўларсан.

Келтирмай элга зарар,
Халқнинг корига ярар,
Карвонларни бошқарар,
Оқил сарбон бўларсан.

Эъзоз қилиб аянгни,
Бошга қўйиб дадангни,
Дадил ташлаб қадамни,
Зўр қаҳрамон бўларсан.

Омон асрасин Эгам,
Кўзингда кўрмайин нам,
Юзларга кирганда ҳам,
Боши омон бўларсан.

2008 йил

КАПАЛАК ВА МЕН

Балки...
Қанча яшашини билар у.
Мен
шуни ҳам билмайман-ку...

ТОРОЗИ

То рози бўлгунча
торозингда торт.

ҚУЁШ ВА АЁЛ

Бу дунёси Худойимнинг ажиб бир ихтиросидир.
Қуёшким бир гул аёлнинг жавобсиз эҳтиросидир.

* * *

Сен барг эмас, хазон рангига боққин.
Дунё тўзонларин чангига боққин.
Бу олам бошидан кўп жанг ўтказди,
Сен кўксингда ҳислар жангига боққин.

* * *

Балки узун сочлар бир кун дор бўлгай,
Ким билар бугун дўст, эрта мор бўлгай,
Ифлос бўлган жойга тушмас қатим нур,
Кўнгли тозаларга Худо ёр бўлгай.

* * *

Гарчи бемордирсиз, кунингиз рангсиз,
Ҳамиша беҳолсиз, ҳамиша тангсиз.
Қачонки согломсиз, юзингиз гулгун
Ва шодлик юртидан келган жарангсиз.

БАҲОРГА ЧОРЛОВ

Қирқ йил ётган беморлар туринг,
Ухлаб ётган эй морлар туринг,
Ишқ деб ёнган хор-зорлар туринг,
Баҳор келди ахир оламга.

Бунча яхши дилбарлик фасли,
Беқарорлик, бесарлик фасли,
Етдику дил безарлик фасли,
Баҳор келди ахир оламга.

Келди баҳор чечаклар билан,
Чечак тўла этаклар билан,
Ишим борми эртаклар билан,
Баҳор келди ахир оламга.

Инжалик бор қизнинг нозида,
Ишқ шивирлар йигит розида,
Куйланг фақат севги созида,
Баҳор келди ахир оламга.

Белни богланг камалак билан,
Хабарлашинг капалак билан,
Ҳислар қайнар сумалак билан,
Баҳор келди ахир оламга.

Варракларда учар юраклар,
Юраклардек учар варраклар,
Бир дийдор деб жоним ҳалаклар,
Баҳор келди ахир оламга.

Қизгалдоқлар қонимга келинг,
Ишқ дардлари жонимга келинг,
Ёрижоним, ёнимга келинг,
Баҳор келди ахир оламга.

2009 йил

ТУРНАЛАР ЙЎЛИ

КУЗАТИШ

Бугун Сизни кузатдим йўлга,
Қўлларимни чўздим Сиз томон.
Азал-абад тиланган қўлга,
Муҳаббатми қилурлар эҳсон.

Қўлларимда меҳримни тутдим.
Юрагимда ҳислар қилди жанг.
Хайр, яхши боринг ва лекин,
Қўлларимни қўйиб юборманг.

2009 йил

ДУНЁНИНГ РАНГИ

Дилбарлик рангида келди бу баҳор,
Бир лаҳза исмимни унутди ёдим.
Тогларнинг кўксида жарангласа-да,
Сизнинг кўксингизда синди фарёдим.

Минг йил дўст излаган телба дарвешдек,
Минг мил йўл юрган бир сайёҳ бечора.

Сизни бир кўрай деб дунёга келиб,
Оввора бўлибман, оввора...

Қўл бердим, юлдузлар қўлимни ўпди,
Пойингни ўпай деб келди дарёлар.
Сизни топганимни ҳайқириб айтсам,
Жилмайиб қўйдилар дунёлар...

Меҳр бу Тангрининг эҳсони, нури!
Олам бор, Худо бор, бор экан шу нур.
Тоза юрагингиз учун минг раҳмат,
Меҳрибон қалбингиз учун ташаккур.

2009 йил

ФАРИШТА

Ўзиларми богланган иплар,
Богланармн, ўзилган ришта.
Мен Сиз ҳақда хаёллар сурсам,
Тушларимга кирар фаришта....

Бироқ... нечун бу бегоналик,
Недан инди кўзларимга гам.
Ўтдан олиб, ўтларга солиб,
Жим кузатиб турармн одам?

Қисқа йўлда ҳамроҳ бўлдик биз,
Кўзлагандим узоқ йўлни мен.
Энди кимнинг пойига ташлай,
Юрагимдан узган гулни мен?

Қандай бўлар дўстликнинг шарти,
Қайда хато қилдим билмадим.
Сиздан айро қолмогин сезиб,
Юракларим йиглади маним.

Бунча Сизга ўргандим билмам,
Бунча қаттиқ богланди ришта.
СИЗни топган кунимдан бошлаб,
Тушларимга кирар... фаришта...

2009 йил

СИЗНИ КЎРСАМ...

Ёнингизга борсам майлими,
Майлими жим термулиб турсам.
Юзингизнинг жилваларида,
Сизни кўрсам, дунёни кўрсам!

Мафтун қилди ўрик гуллари,
Япроқларга лабимни босдим.
Мен баҳорга айланиб гўё,
Дарахтларга қунгироқ осдим.

Сиз баҳорда тугилган санам,
Баҳор билан эгизак руҳи.
Юрагимда кезиб юрибди,
Сиз юборган гуллар шукуҳи.

Ҳис айладим юрак тафтини,
Қай томонга юзимни бурсам.
Нима қилай, тўрт томонимда,
Сизни кўрсам, Худони кўрсам....

2009 йил

АРАЗ

Сиздан гамлар келди кўнглимга,
Нечун Сиздан келди озорлар.
Ҳамма, ҳар ким, ҳар нарса сотар,
Лек меҳрни сотмас бозорлар.

Керакмиди Сизга шу меҳр,
Керакмиди шу ёниқ юрак.
Яхши кўрдим, лек бу шамоллар,
Ҳисларимни қилдилар эрмак.

Сизга беҳад меҳрлар бердим,
Яна ҳадсиз богланди кўнглим.
Бугун Сизни йўқотдим, шундан,
Қўшиқларим мунглидан мунгли...

Қалбингиздан ҳайдаманг мени,
Шундоқ ҳам кўп чекдим озорлар.
Билиб қўйинг, ҳар нарса сотар,
Лек меҳримни сотмас бозорлар....

2009 йил

СОҒИНЧ

Олча гулларидек оппоқ ҳисларим,
Шу оқ фаслларнинг дийдори ҳаққи.
Ҳидлатиб райҳону гуллар бўйларин,
Баҳор дарахтларга оқ мунчоқ тақди.

Кўксимга сигмайди ҳайратлар, розлар,
Кўзимга сигмайди мунис чеҳрангиз.
Мен жим япроқлардек берсам овозлар,
Сиз жим юрагимга кириб келсангиз....

Ёмғирлар ёғмоқда бошимни силаб,
Сизни кутаяпман интизор, бедор.
Исмингизни айтсам маҳзун шивирлаб,
«Сен билан қоламан» демоқда баҳор.

Олча гулларидек оппоқдир руҳим,
Шу азиз кунларга зор эди юрак.
Дарахтларга менинг маъюс нигоҳим,
Менга эса Сизнинг меҳрингиз керак.

Ва яна англадим, ҳис этдим бугун,
Юрагим Сиз билан омонлигини.
Ўзингиз ҳам англаб қоларсиз, бир кун,
Сизсизлик нақадар ёмонлигини...

2009 йил

СИЗНИ СОҒИНИБ...

Сизни согинаман, Сизни севаман.
Мудом Сизга муштоқ менинг қўлларим.
Йўл топиб йўлини топгунича то,
Йўлидан адашиб кетди йўлларим.

Совқотдим қўлимни қишга узатиб,
Баҳорда уйгунлик туйдим Сиз билан.
Бугун мен хуш ёзни йиглаб кузатиб,
Жилмайиб кўришиб қўйдим куз билан.

Айрилиқ керакмас, қайгу керакмас!
Шундоқ ҳам чарчади руҳим улардан.
Мен энди тонглардан шабнамлар териб,
Руҳ олиб яшайман атиргуллардан.

Ва Сизни авайлаб яшайман ҳар дам,
Мангу қалбингизда қолгай шукуҳим.
То таним тупроққа айлангунича,
Нурларга қўшилиб кетгунча руҳим....

2009 йил

ШАФҚАТЛИ ҚАЛБ

Сен баҳаво ҳовлинг узра жим,
Бу не кун деб йиглама негун.
Сенга қаҳр қилмайди Тангрим,
Менга шафқат қилганинг учун.

Сени ҳар кун азобга солиб,
Қийнар экан бўсалар тоти.
Мени ҳар тун ўтлардан олиб,
Ўтга отар гуноҳлар ёди.

Сен қафасга тушган йўлбарсдек,
Ураркансан ўзингни ҳар ён.
Мен қафасга тушган қуш каби,
Термуламан дунёга ҳайрон.

Азал шундай ошиқлар ҳоли,
Абад ҳамроҳ васлу айрилиқ.
Ҳарир тунлар олдинда ҳали,
Кел йўлбарсим қафасингдан чиқ.

Қўй айлама дилимни пора,
Олма мендан хижронлар учин.
Худо севсин Сени минг бора,
Мени бир бор севганинг учун.

2009 йил

ИШҚСИЗЛИК

Мен кўп қувончларни истадим Сиздан,
Мудом қалбингизга озорлар бердим.
Сиз мени кечиринг, нажот йўқ куздан,
Балки кўнглингизга кечикиб кирдим.

Балки бу туйғулар ўлдирар мени,
Балки хароб этар бу ҳаяжонлар,
Сизсиз ҳаётимга бахт ҳам кирмади,
Сизсиз шаънсиз экан бу шараф, шонлар.

Жоним, ялинаман мен билан қолинг,
Кетманг, узоқлашманг ҳатто бир қадам.
Билинг ҳар нарсадан эмас аслида,
Ўлса — ишқсизликдан ўлади одам.

2009 йил

УНУТМАДИМ

Согинмаган бўлсанг ҳам келдим,
Келдим, балки кутмагандирсан?
Не савдолар ўтди бошимдан,
Сен баҳримдан ўтмагандирсан?

Ёдингдадир ҳеч йўқса исмим,
Багрингдадир багримнинг изи.

Кафтларингда бармогим тафти,
Кўзларингда қолгандир кўзим?

Чорламаган бўлсанг ҳам келдим,
Айриликка қўймоқ учун чек.
Чунки сени унутмадим ҳеч,
Мен ... Худони унутмагандек.

2009 йил

КЕЧИР

Тузинг ҳаққи, мени кечиргил.
Ҳалима Худойбердиева

Хайр, агар кўришолмасак,
Азоблардан толиқди бу дил.
Нон насиба, дийдоринг ҳаққи,
«Тузинг ҳаққи, мени кечиргил».

Ҳечам хушнуд этмадим сени.
Мудом гамлар, қайгулар бердим.
Сенга боллар бераман, дея,
Кечир, мудом огулар бердим.

Ўтган тунлар ҳурмати кечир,
Кечир лаззат, огриқлар учун.
Мен — қошингдан ҳайдалган одам,
Айт пойингга бормайин нечун?

Ҳаёт топдим ахир исмингдан,
Чап кўксимда чақинлар чақди.
Сенга қаттиқ азоблар бердим,
Жуда қаттиқ севганим ҳаққи...

2009 йил

КУЧЛИ ОДАМ

Сен бунчалар ўктам, улкансан,
Сенга зарра таъсир этмас гам.
Лекин қайта ёнарми айтгил,
Кўзларимда ўчиб қолган шам?!

Сен бунчалар жасоратлисан.
Писанд эмас ҳатто айрилиқ.
Жуда кучли бўлганинг учун,
Эҳтимолки бизлар айрилдик.

Ҳижронларда синаб сабримни,
Нима топдинг дилимни доглаб.
Агар жуда кучли бўлсанг Сен,
Қўй узилган ипларни боглаб...

2009 йил

ИККИ ОДАМ

Ҳол сўрмадим Сендан ботиниб,
Сўрай десам, афсус, энди кеч.
Ё раб, икки шафқатли одам,
Бир-бирига шафқат қилмас ҳеч.

Сени сўраб олгандим асли,
Худойимга ҳадсиз ёлвориб.
Юрагини йўқотган касдек,
Ўтирибман гарибдан гариб.

Мен туккандим қўлларим қурсин,
Тангрим энди бу тугунни еч.
Йўқса икки шафқатли одам,
Бир-бирига шафқат қилмас ҳеч.

2009 йил

* * *

Кўп меҳр кўргаздинг, минг бора раҳмат,
Айрилиқларга ҳам ўзинг қўйдинг чек.
Лекин, шу кунларда Сен томонлардан,
Миннат овозлари келаётгандек...

Шундоқ ҳам елкамни ёмон эздилар,
Қарздорлик ҳисси, гам шиддатлари.
Кўзимни очмоққа қўймайди ҳечам,
Ҳаёт миннатлари, ишқ миннатлари...

Беминнат бир севги истаётирман,
Ҳимматли бир ҳабиб изларман ҳар дам.
Бир юрак бўлсайди куз каби сахий,
Севгисидан сармаст юрсанг хотиржам.

Азизим, кимим бор ўзингдан бошқа,
Лабларинг руҳимга жим шивирлади.
Миллион йил ўтса ҳам келиб турсинлар,
Меҳринг овозлари, ишқ шивирлари...

2010 йил

САДОҚАТ

Қўлинг теккан ҳар нарса азиз,
Кўзинг тушган ҳар не муқаддас.
Қўй, ёнингдан ҳайдама мени,
Юрагимдан севгинг кетганмас.

Сеҳринг тафти руҳимда ҳануз,
Ҳамон қалбда маъюс сувратинг.
Сен Худодан сўрадинг мени,
Мен Худодан Сени сўрадим.

Нечун энди айрилиқ фасли,
Ва юракда огир қадамлар.
Нечун кўзинг кундан кун маъюс,
Нигоҳингда нечук аламлар?!

Фақатгина чида, азизим,
Ўтса ҳамки азоб жонингдан.
Юрагимдан кетмаганингдек,
Кетмагайман мен ҳам ёнингдан.

2010 йил

ИСМИНГИЗ

Мен билмадим ишқ рангларини,
Ҳисларимга исм қўймадим.
Кўксингизни жарангларини,
Кўп тингладим, лекин тўймадим...

Мафтун этди шу мусаффолик,
Сеҳр этди мени туйғулар.
Кўзингизда маъсум шаффофлик,
Кўзларимда маъюс қайғулар...

Юрак мудом умр қасдида,
Дилга нечук қадамладингиз?
Изларингиз кўзим устида,
Юрагимда қадамларингиз...

Мен Сиздаги софлик билан маст,
Капалак маст гуллар атридан.
Ишққа даъво қилиб ҳар бир хас,
Кетиб борар ҳислар ортидан...

Чеҳрангиздан руҳ олар очун,
Сиздан бошқа бахтни туймадим.
Исмингизни билганим учун,
Ҳисларимга исм қўймадим.

2010 йил

СЕНСИЗЛИК ВА БАХТ

Кўзларингни согиндим бугун,
Кўзим, багрим, дилларим билан.
Кут, ёнингга қайтарман бир кун,
Турналарнинг йўллари билан.

Жоним, дилим, мендан ўксиган
Нигоҳларинг меҳрли майин.
Гуллар тақиб ишқдан кўксимга,
Мен ёнингга бормогим тайин.

Фақат сев ва мени кутгил сен,
Ахир бекор ишқсиз тожу тахт.
Сенсиз бахтни тополмайман мен,
Сенсиз мени тополмайди бахт!

2010 йил

СОЯ

Мени кечир, Сени кўп севдим,
Пойларингга қўйдим бошимни.
Сен меҳрибон қўлларинг билан,
Артиб қўйдинг кўзим ёшини.

Мени кечир, Сен деб кўп куйдим,
Сен яшадинг гамингни ютиб.
Мен йиқилар чогимда ҳар дам,
Суяб қолдинг елкангни тутиб.

Соянг каби эргашдим, кечир,
Ахир шу дард етади менга:
Сен соянгга етолмагандек,
Етолмайди соянг ҳам Сенга.

2009 йил

ОЗ СЕВАСИЗ

Бунча оз севасиз, ёмон севасиз
М.Цветаева

Гамлар чўкиб ётган гамгин кўзим бор,
Сўрайдилар: нечун ҳамон севасиз?
Менинг одамларга битта сўзим бор:

Бунча
оз севасиз,
ёмон
севасиз!

Фасллар ўтади, баҳорлар йитар,
Умрингизда бўрон, хазон, севасиз.
Турналар бир сўзни жим ёзиб ўтар:
Бунча
оз севасиз,
ёмон
севасиз!

Кетган ҳислар тўлқинлардек қайтади,
Қалбингизда маъюс армон, севасиз.
Бир кун кетсам, руҳим келиб айтади:
Бунча
оз севасиз,
ёмон
севасиз!

2009 йил

СИЗНИ СЕВГАН ЭДИМ...

Сизни севган эдим, бу дашт-далалар,
Кўзларингиз каби мафтун этдилар.
Ишқнинг шивирига тўлиқ аллалар,
Руҳимни, кўзимни афсун этдилар.

Нурдек тоза эди кўзларингиз ҳам,
Самовий қудратли сўзларингиз ҳам,
Изимдан юр дея изларингиз ҳам,
Бу лайли руҳимни мажнун этдилар.

Қизгалдоқлар тўккан алвон япроқлар,
Ёниқ юрагимга солди титроқлар,
Галаба нашъасин рамзи — байроқлар,
Негадир дилимни маҳзун этдилар.

Кўксимда ишқ деган бир нафис излар,
Сочимда, руҳимда анбарин ислар,
Томиримда оққан ҳукмрон ҳислар,
Бошим пойингизга сургун этдилар.

2010 йил

КАМАЛАК РАНГЛАРИ

Нурсиз ҳаётимга нур каби келиб,
Камалак рангини кўрсатдинг менга.
Сени топиб олган кунимдан бошлаб,
Камалак ранглари кўзимга инган.

Олча гулларини юзимга ёпиб,
Исмингни шивирлар лабларим унсиз.
Мен сени ўзимни йўқотиб топдим,
Ва ўзимни топа олмадим сенсиз.

Бу маъюс, бу гамгин қисматим билан,
Тақдирингга келдим шодлик берай деб.
Лекин айт азизим, қайгу гуллари,
Бахтнинг саройига бўлоларми зеб?

Сени топган бахтли кунимдан бошлаб,
Лолалар эргашиб юрди изимдан.
Қачонки исмингни шивирлаб айтсам,
Камалак ранглари... кетмас...кўзимдан...

ҚАЙТАМАН

Узр агар ранжитган бўлсам,
Гамлар менга айтдилар ўлан.
Хазонлар-ла кетсам ҳам лекин,
Мен қайтаман турналар билан.

Қайтар экан дилбар баҳорлар,
Дилбар ҳислар қайтаркан токи.
Куздан ранжиб, гамдан огриниб,
Сўкилмасин кўнгиллар чоки...

Хайр энди, узр кўп қолдим,
Кўп яшадим гам кетмай дилдан.
Келган эдим қизгалдоқлар-ла,
Қайтадурман турналар билан...

2009 йил

ҚАЙГА БОРАМАН...

Осмон чорласа гар ойга бораман,
Сувсизман, чанқасам — сойга бораман.
Кўнглимни ишқ билан тўлдир Художон,
Бўм-бўш юрак билан қайга бораман?

Ёй ўз нишонини топиб боргандек,
Ой ҳусни жамолин ёпиб боргандек,
Сувлар соҳилига чопиб боргандек,
Жилва, эрмак билан қайга бораман.

Ёрим қулогимга шивирлар маҳзун,
Менга илоҳийдек туюлар бу ун,
Ҳаммаси юзага қалқар-ку бир кун,
Ёлгон эртак билан қайга бораман.

Жим турсам жонимда исёнлар турар,
Томирим, қонимда шаън-шонлар турар,
Ерман, лек, пойимда осмонлар турар,
Бу қон, суяк билан қайга бораман?

Айтарлар: Яшайвер ном керак магар,
Айтаман: Бу заҳар бўлмас-ку шакар,
У МЕНи, МЕН Уни севмасам агар,
Айт... бу эркак билан қайга бораман...

2009 йил

ОНАМ СУВРАТИ

Сен болам, деб қариб боряпсан,
Рангларинг саргариб боряпсан,
Қишлоқнинг тош чагир йўлида,
Бир музтар, бир гариб боряпсан.

Балки мен чўктирдим елкангни,
Юрагинг осмондан улканми?
Гамларнинг шамоли тўзгитди,
Сендай тик, сендай оқ елканни.

Эй менинг ордан ҳам орлигим,
Ўзимнинг ўзимга дорлигим,
Тоабад ичимни тирнайди,
Шамоллар ичида борлигим...

2008 йил

АЁЛ ҚЎШИҒИ

Эй дўстларим, шу ўт фаслимда,
Қалбим ичра бир нур тўляпти.
Шеърларимни парча-парчалаб,
Битта алла ёзгим келяпти.

У аллани боламга айтсам,
Куксимдаги ноламга айтсам.

Дунё бешик бўлса тебратиб,
Олам ичра оламга айтсам.

Бир тарафда — ўглим полвоним,
Бир тарафда — қизим сайроним.
Ўртасида ўтирсам ўзим,
Ўз бахтимга ўзим ҳайрона...

Ёвқурлигим либосин ечиб,
Дубулгамни бошимдан отсам.
Тўмарисдан қолган қилични,
Бир бешикнинг нархига сотсам.

Оналикнинг хумори тутиб,
Елкам узра тушганида юк,
Англадимки — аёл зотининг
Шеъри бўлмас алладан буюк.

2008 йил

ГУЛЖАМОЛГА

Шеърга шукр, қувончга-ю
Ғам, оҳга шукр.
Сени менга дуч келтирган
Аллоҳга шукр.
Билмай қолдим, қачон
Гулдай ўпдим сени мен.
Қайси беҳишт богларидан
Топдим сени мен.
Олдда гуркирамоқ фаслинг
Балоғат, хуррам.
Шул кунларни кўрмоқ
насиб этсин менга ҳам.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Ўзбекистон халқ шоири

* * *

Онанг гулнинг жамолида сени излаган,
Отанг ибодатда Жамолдан сенга
Гулдай гўзал умр истаган!

Хуршид ДАВРОН
Ўзбекистон халқ шоири

ҚАЙҒУКАШ ШЕЪРИЯТ

Гулжамол менинг азобларим билан елкадош турган синглимга ўхшайди. Бу каби ботиний елкадошликни адабиётда руҳдошлик деб атайдилар. Бу муштаракликнинг йўлларини туташтиргувчи ягона куч — шеъриятдир.

Ана шу кучнинг ичида юраги катта, руҳи кучлиларгина қолади. Мен ҳар гал Гулжамолнинг шеърларидаги забардаст руҳдан ва ўша руҳнинг исёнларидан ҳайратланаман. Унинг руҳидаги шиддатлар менга Марина Цветаеванинг Елабугада ярим қарич арқонга осилиб турган ҳолатини, Нодирабегимнинг жаҳолат кундасига қўйилган азиз бошини, асрлар қаърида оҳ чекаётган ўша жафокаш тақдирларни эслатади.

Унинг шеърларини ўқисам, ҳали адабиётнинг огриқларига ҳам, халқнинг қайгуларига ҳам магрур туриб елка тутгувчилар борлигидан мамнун бўламан. Бу шеърларда Машрабона, дарвешона руҳ бор. Агар Бобораҳим Машраб бизнинг замонамизда яшаганда эди, Гулжамол албатта Машрабнинг қизи бўлган бўлар эди, деб ўйлаб қўяман ўзимча. Мен уни бугунги ёш ўзбек шоираларининг мардонавор ўгилбола шоираси дегим келади.

Минбарлар йиқилар сурилиб,
Янтоқзор йўл бўлар юрилиб,
Гоҳ осмон, гоҳ ерга урилиб,
Шеърим, сен барибир яшайсан.

Бу мисраларни ёзганда у ўн беш ёшда эди. Унинг юрагида ўз келажагига, шеърларининг эртасига ана шундай ёруг ишонч бор эди. Мен шоирага «Гоҳ осмон, гоҳ ерга урилишларида» ҳам, шеърият аталмиш бу ширин азобнинг йўлидаги нотанти, огир лаҳзаларда ҳам руҳан тўкилмасликни, мудом юраги очиқликни, ўзгармас самимиятни тилайман.

Азалдан устозлар шогирдларни эмас, шогирдлар устозларни излаб топадилар, эътиқоду ихлос қиладилар. Лекин дунёда устоз-шогирдчиликдан ҳам катта инсоний муносабатлар бор. Бу ўша тоза ва баланд меҳрдан бунёд бўлган кўнгилдошликдир, оға-инилик, ака-сингилликдир.

Гулжамолни шеърият майдонига халққа, шеъриятга, устозларга бўлган буюк эҳтиром олиб келди. Ана шу эҳтиромга умрбоқийлик тилайман. Халқнинг, адабиётнинг, инсониятнинг қайгуларига қайгукашликни омон асраб қолмогига умид билдираман. Шоира озод Ўзбекистонимизнинг мадҳини ўз ижодида баланд овозларда тараннум этмогига ишонаман.

Муҳаммад ЮСУФ
Ўзбекистон халқ шоири
1999 йил

ШЕЪР ҚУВОНЧИ

Шоира қизим, Гулжамол!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Ибодат» туркумидаги тўртликларингизни ўқидим. Мени жуда ҳам қувонтирди. Нечун? Ҳақиқий шеър кишини ҳайратлантиради! Ўйлатади! Қалбни тўлқинлатиб, завқлантиради.

Даставвал, шеърларингизга Алишер Навоийдан: «Бу ишқ даштидур, саргузашти жон офатларидандир», деб эпиграф олганингиз, шоира бироз катта кетибди-ку, дегандек ўйлантириб қўйган эди. Аммо сўнг бу эпиграф тасодифий эмаслигига қаноат ҳосил қилдим.

Кейинги йилларда айрим Ғарб шоирларининг таъсиридами ёки ўзларича янгилик яратмоқ бўлибми, кишини ўйлантирадиган, ҳайратга соладиган эмас, ҳайрон қолдирадиган, бироқ қалбни тўлқинлантирмайдиган, завқлантирмайдиган шеърлар ёш шоирлар ижодида кўп учрайдиган бўлиб қолди. Бундай шеърларнинг ҳайрон қолдирадиган жиҳати шундаки, буларда шеърият қоидасига жавоб берадиган на маълум вазн, на қофия ва на аниқ маънони англатадиган ифода бор. Энди, ўйлантириб қўядиган томонига келсак, бу шеърлар нима мақсадда ёзилган, шоир китобхонга нима демоқчи эканини ўйлаб-ўйлаб бир хулосага келолмайсан. Бундай шеърларнинг муаллифлари, бирор хулоса чиқаролмасанг, бирор аниқ маъно тополмасанг, ўқимай қўяқол, улар эгасига,

ўзимизга тан, дейишлари ҳам мумкин. Аммо ачинарлиси шундаки, аниқ айтилмаган фикр ўқувчисини завқлантириш, қувонтириш ўрнига кишининг гашини келтиради, холос! Бу — бизнинг бундай топишмоқларга ўрганмаганлигимиздандир. Сизнинг шеърларингизда ўйлаб-ўйлаб тагига етиб бўлмайдиган топишмоқлар эмас, аниқ маънони билдирадиган теран фикрлар борлиги мени қувонтирди. Алишер Навоийнинг «Қаро кўзим» газалидаги:

Таковарингға бағир қонидан хино боғла,
Итингға ғамзада жон риштасин расан қилғил, —

байтини ўқиганингда узоқ ўйланасан, сукутга чўмасан. Ниҳоят, муҳаббатга бўлган бунчалик фидоийлик, жонбасталикдан ҳайратга тушасан. Завқингни қалбингга сигдиролмай, шоир маҳоратига таҳсин ўқийсан. Чунки бу сенга ибрат бўлади. Сенинг ҳам шундай бўлгинг келади.

Қизим Гулжамол! Ҳазрат Навоийдан келтирган юқоридаги мисолимнинг боиси шуки, мен шеърларингиздан Навоийни ўқиб уққанлигингиз, мумтоз адабиётга бўлган ихлосингизни сездим. Шеъриятимизда неки муваффақият бўлса, мумтоз адабиётимиздан баҳраманд бўлишликнинг шарофатидандир, деб биламан.

Шеърларингизнинг менга маъқул бўлганлигига айрим мисоллар келтирмоқчи бўлдим-у, аммо газетда берилган расмингизга қараб бироз ўйга толдим. Мени ўйлатган нарса шуки, ёшларга ҳаддан ташқари

ихлос қўйиш, баъзан марҳамат эмас, жабр бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Лекин Сизнинг ижодингиз ҳақида ижобий фикрлар айтиш учун менда алоҳида сабаблар ҳам бор. Бу сизнинг шоир эмас, шоиралигингиз. Албатта, шоирлар билан шоираларнинг феъл-атворида озми-кўпми фарқ бор. Очиқроқ айтсам, афзаллик бор. Бу шундаки, шоирлар шоираларга нисбатан мақтовга тезроқ берилиши мумкин. Лекин:

На осийман, итоатдан адашдим ман.
На гумроҳман, бор тоатдан адашдим ман.
Нега кўрдим, нега кирдинг юрагимга,
Сани кўриб...ибодатдин адашдим ман.

дея олган камтарона шоира, имоним комилки, манманликка берилмагай. Кишилар қалбига ором берадиган, руҳий озиқ багишлайдиган шеърлар ёзишдан адашмагай. Илоҳи омин!

Қизим Гулжамол! Тўртликларингиз шеъриятга бўлган ташналигимни қондирган оби замзамдай бўлди.

Шукрулло
Ўзбекистон халқ шоири
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»
газетасининг 2000 йил, 14 апрель,
№ 16(3554) сони.

ГУЛЛАР ЖАМОЛИГА ТЎЛИҚ ШЕЪРИЯТ

Эй Навоий, дардлик назминғни дард аҳли билур,
Дардсиз доғи бўлур они ўқуғоч аҳли дард,

дейди шоир. Дарвоқе, шоир ўзи ким? У катта юракли ва ҳаммага бирдай керакли инсондир. У Аллоҳ неъматларини биринчи бўлиб туювчи, суювчи ва унинг каму кўстлари учун куювчи одамдир. Шоир бу дунёни аълолантираман деб Ҳаққа сўз берган ва ўзининг ҳам яхшиланишига, покланишига қасам келтирган ва ўз жон ришталарига сўз тизиб, сўз танлаб, ўзлиги ҳам созланиб, расоланиб борувчи антиқа бандадир, ноёб бандадир.

Бу дунё ҳаммадан қоладиган эски саҳн. Ҳар бир давр бу саҳнга ўз дурларини тўкиб ўтадир. Не-не замонлар йўқликка учиб, не-не мўъжиза инсонлар қаро ерга сингиб кетадилар. Аммо сўз дурлари тўпланаверади, парпираб, ёлқин таратиб, замин узра яшаб бораверади.

Шоир айтганидай, дардлик одам дунёда энг гўзал одамдир. Чунки унинг либоси САБР, қўшиғи ШУКРОНА, юрагига ўт тушган. Оёгининг тагига тўкилаётган эса ўзининг кули! Бундай одам покланиб бораётган одамдир. Шунинг учун у табаррук.

Ҳақиқий шеър кишига олов юқтириб, дардман қилгай ва ёким дардига шифо бўлгай. Гулжамолга бу дард йўлда-чўлда илашмади, у онасининг қобирғаларида эканидаёқ шоирлик номига ярашиқли бўлди.

Унинг нолалари тўргай ноласидай изтироблидир. Мардона туришлари ҳам, чаппар уриб куйинишлари ҳам Каттақўргоннинг сояки майизидай мазали ва асалийдир. Илоҳим, етакловчилари сахий бўлсин, богбонлари ахий бўлсин!

Гулжамол сўзларни чертиб, жаранглатиб ўйнайди, унинг бўгзи булбулмакон! У согиндим демайди, «...кўзимга қайтинг» дейди. Сенсиз бу дунёда нима қиламан демайди, «...кўзларингизда ўлай» деб янгича айтади. Бахтсизман демайди, «...Бахт бозордан бир бозорлиғ қилмадим» дея чиройлидан-да чиройли айтади. «...Сенга боллар ясаб берай заҳримдан» дея гаройиб айтади, ҳайратли айтади. «...Ахир ҳавасимни келтирар мудом, ҳеч кимга суянмай юксалган тоглар» дея магрур турган бир пайтида «...бошимни остонангга кўмиб қўйсинлар дедим», «...бошинг ёр оёгинда омон бўлар дейдилар» деб бошини ёрнинг пойига қурбонлиққа қўядир. Бу шоирамизнинг келишлари машрабона, айтишлари дарвешона:

Туйғуларни ақл билан танғиб юриш,
Яна қирқ йил бу дунёда санғиб юриш,
Малол келяпти менга...
Аё дўстлар юзи доғсиз ой қайда бор,
Жонни нисор айлайдиган жой қайда бор.

деган айтмишларида сар-сари руҳ бор. Унинг юраги унга Худо берган юкнинг залворини билиб турибди, жуда яхши билиб турибди ва шу боис ўзи ўзига сигмай турибди. Гулжамолнинг элга айтарлари кўп.

Яратгандан сўраб турамиз, иншооллоҳ, унинг яшайдиган умри кўп ҳали.

Қанотлари толиб қолмасин. Шону шуҳрат шамоллари тўғри йўлдан адаштирмасин.

Азиз боши осмонда, аммо кўзлар ерда бўлсин. Ўзининг таъбири билан айтганда, ҳамиша элнинг кўзида яшасин.

Турсуной Содиқова,
20 июнь, 2004 йил,
Андижон.

КИТОБИНГ ҲАҚИДА БИТИКЛАР

Гулжамол! «Руҳим шеъри» деб номланган шеърингни ўқиб, йўқотганларимни топганга ўхшадим чоги. Тумор учун Тўмариснинг душман қонида қолган излари, тупроққа кўксини қўйиб юксалиш дарси, «тупроқ қучиб қайнаган қумгоннинг» бетакрор ҳиссиётларини туйиш, китобингда экан. «Тўмариснинг қонда қолган изиман мен», «Булутларга оёқ қўйиб юксаламан» мисраларинг аслида чақмоқ бисоти эди, чамамда. Мен бу жайдари овозни баҳорнинг бетакрор кунларида чақмоқ тилидан эшитганларим рост, яна эшитгим келди:

«Шу тупроқдан юксалғайдир қўрғонлар ҳам,
Тупроқ қучса, қайнағайдир қумғонлар ҳам.
То тупроқда экан маним илдизларим,
Мен то абад юксаламан, юксаламан...»

Гул! Хусусан, «тупроқ қучса қайнагайдир қумгонлар ҳам» тасвири гўзал чиқибди. Ё оҳорийлиги учунми-а...?

Гул! «Айрилиқдан сўнг» шеърингдаги:

Қаршингда ўлтириб, хуморман.
Аршгами учамиз пастликдан.
Уйгонмай яшаймиз бир умр,

Бу узун, бу мангу мастликдан» мисралари ҳавасимни келтирди. Мангу мастлик қандай бахт!

Гул! «Чўкса ҳам ҳеч қачон хок бўлмас тоглар» башоратингни ўқиб, тоглигинг ковушини ўпиб қўйдимки, лабим у дунёда мендан рози бўлсин деб.

«Қиёмат кунида Тангрим олдида

Тогларга айланиб қолар шоирлар», дебсан-ку! Тоғга айланган шоир согларга илдиз бўлади. Куфр, пул, ўринсиз мансаб, тузалмас очкўзлик, кўриб билмаслик хасталигига чалинмайдиган, иммунитети баланд согларга. Сенинг ҳам илдиз бўлишингни қанчалик истаётганимни билсанг эди.

Гул! «Тушунинг мен Сизни яхши кўраман,

Термулиб тураман қиёматгача» байтингга ўхшаш:

«Домони туро бути суманбар,

Сар медихаму намедихам сар» иқрорини Сахбо Бухорий.

«Иншабе мижгон сиёҳ чашми ту дар руй ки буд,

Иншабе мижгон сиёҳ чашми ки дар руи ту буд» сўрогини Сайидо:

«Ошиқ шундай эй, дил, савдо муборакбод!» қутловни Шамс Табризий қон бўлиб айтган эди, чамамда.

Мен эсам чегарани бузиб ташлаганга ўхшадим, Машҳардан нари ўтиб:

«Икки енгин буввак қилганча

Саккизинчи Пир изин излаб.

Сут тишида сочи оқарди

Бухорода Ибодат Ражаб!» десам бўладими.

Гул! «Қалбингизга кираман минг бор,

Ўн саккизга қайтиб кирмайман.» деганларинг шоир ҳақиқатидир. Шу имкон бўлганида эди, Баҳоуддин Нақшбанд 18 га кирар чогларида ёнларига бориб, Хожадан махтобий олмалар айтган тасбиҳ тинглаш дарсини ўргатинг, деб илтижо қилардим.

Ҳазрат Нақшбанд олмалар тасбиҳини айтишини тинглаб, зикр тушар экан. Пок мавжудот тасбиҳ айтишини тинглаш имкониятига эгалик 18 ёшга қайта кириш бахтидир. Бу сабоқдан мосуволик, қўл калталигига сабабдир, Гул!

Ўқидим:

«Салом берсам дунё бергандек

Дуо қилиб қолишар чоллар». Бу тасвирда ҳали ҳеч ким айтмаган қишлоқий ҳақиқат мавжуд. Қишлоқий чоллар салом беришларга алик олишини олтинга олтин айирбошлаш, деб қабул қиладилар-да!

Гул!

«Худо севсин Сени минг бора

Мени бир бор севганинг учун», қироатинг учун Сени ҳурмат қиламан. Мақташга эса майлим йўқ. Ҳуда-беҳуда қишда айтилса, баҳоргача пушти сўлиб қоладиган мақтовларга эътибор бермай шеърдан ҳайкал тиклаган Шамс Табризий буюк Румий ҳайратига сазовор бўлган. Сенга Оллоҳдан Шамснинг жунунвор йўлини тилаган ҳолда «кўкка кўтариш»-лардан воз кечаман, розимисан?

Гул! «Майсаларнинг иши йўқми илдиз билан,

Осмоннинг ҳеч иши йўқми юлдуз билан,

Эй, Худойим, наҳот мени унутгансан,

Ёлгизнинг ҳеч иши йўқми ёлгиз билан». дебсан.

Шу каби интизорликларингга ўхшаш ҳасратларни мен ҳам қоралаб, термулиб-термулиб кўзларим толди. Кўзойнакни эса, кечаси тақиб ётиб бўлмайди-ку!

Гул! «Халқ демайман ўз халқимни ҳам
Мени ҳаққа олиб бормаса», деб шарт қўйишларинг багрингда мингта байроқ уруғи ниш ураётганини сезиб, уйгонаётган дарахтга ўхшаб кетяпман. Бу — карахтлик мени тарк этяпти, деганим.

«Умид қилсанг тупроқ остидан,
Кўзингни оч, «кўз очиқ» ўлма.
Гар жаннатни истаса руҳинг,
Беишқ ўлма, беошиқ ўлма».

Тўғри! Тупроқ усти гўзал. Остининг кўнгли борлигини кўриш учун очиқ кўз кераклигини энди ҳис этдим, Гул!

Гул! Мана бу мисраларингни ўқиб, вужудимнинг ғам тўлмаган жойи қолмади.

«Биродарлар билмайсиз бу шундай гамки,
Ва шундайин кўнгил қувнар бир байрамки.
Қишлоғимга минг йил ўтиб борсам ҳамки,
Мени уйда онам кутиб турса бўлди...»

Бу мисраларингни ўқиб, Бухоронинг мен кирмаган каттаю кичик кўчаси қолмади ҳисоб. 12 та дарвозадан кириб, минг битта эшикдан чиққан бўлсам, ажаб эмас. Етти Пир ҳузурига бориб, имдод тиладим. Вардонзе қалъаси горида тунни илтижода ўтказдим. Имоми хожатбарордан ҳожатим раво бўлишини сўраб борган кунларимнинг саноги йўқ. Тоқи Саррофон йўлкирага пулимни йирик қилиб берди. Тоқи телпак «... онангга», деб култапўшак тикиб, қўлимга тутқазди. Тоқи Заргарон зар бериб, қишлоққа бор, деди. Қалаймиршикорнинг маҳалласи бизнинг қишлогимиз. Отам тиклаган ҳовли дарвозасидан кириб... «Она!

Она!! Онажон!!! Мен келдим, қаердасиз», дедим. Тандирхона эшиги қулфлоглик-ку.

Сўзи ҳаммага ўтадиган Толтобут қишлоқ масжиди ҳужрасидан садо берди... «Хотирангни уйгот, паришон шоирам. Жавҳаройни Хожа Порсо қабристони тупрогига йиглаб-йиғлаб эккан вақтинг 2009 йилнинг 15 март куни эди... Бориб кўр-чи майса бўлиб унган бўлса, ажаб эмас.»

Энди мен Хожа Порсо қабристони тупрогига илтижолари тўкилиб-тўкилиб турган одамга айландим. Гул! Майса ниш уришини кутдим.

Гул! Мана бу қуш нафасидай ўта тоза ижод мулкинг киши кўнглига фақат таскин беришдан ўзга озори йўқ. Шуларни ўйлаб кўнглим бухорий гужумдай юксалади.

«Шоирдан бошқасига
Парилар соқий бўлмас»
Гул! «Лекин менинг гариб шеърларим
Қиёматга ёзган хатимдир.
Сен тупроққа ўхшайсан ота
Тупроқ менинг тариқатимдир». дебсан.

Бу тан олишлар пуштида Хожа Баҳоуддин тариқати гуллаб турибди. Тупроқдан кўкариш дарсини ўрганаётган муриднинг осмонлик мақомига эришиши унчалик гумон ё тахмин эмас. Балким — ҳақиқатдир.

Гул! Инсон бошидаги оқ толаларни ҳеч ким сенчалик сийлаб, меҳртасвир яратмаган бўлса керак.

«Оққушларга айланиб кетар
Бошингдаги оппоқ толалар». Гўзал ўхшатиш. Озори-ю бозори йўқ.

« — Она, менинг оёгимдан чалдилар
— Дунёси шу! Менам куяман болам.
— Нима қилай юрагимда қасос бор.
— Мен Тангримга айтиб бераман болам.
— Бу бўҳтонлар ичра қандай яшайман
— Сен шоирсан сени биламан болам!...»
— Она ёмон санчияпти юрагим,
— Йўқ ... йўқ... энди нима қиламан, болам.

Бу шеърингни қоралаб, эшикни очиб, ташқарига қарамадингми? Шаррос ёгаётган иссиқ ёмгир остида Мансур Халлож ялангоёқ турувди, сенинг деворингга суяниб. Мен эсам кечагина губорли селларда қолиб, тахта бўлган хирқасини гулобда ювиб берган эдим-а, Бухорода...

Гул! Хабар берибсан: «Онамнинг қорнида кўрган эдим туш...» мисрангни ўқиб, кўзгуга қарадим. Ўнг елкам томонда Машраб турганини кўрдим, акси кўзгуда. Нега бундай бўлди-а Гул! Сўнг акс хирала-шиб, пичирлаган овоз эшитилди: «Бу тушни мен ҳам кўрувдим, онам қорнида. Бу сут истагидаги туш эди. Кейин яна тушлар кўрдим, борлиқ қорнида. Бу муҳаббат ихтиёридаги узлуксиз тушлар эди. Эҳ, тушлар ширинлигини! Энди эса замин қорнида яна тушлар кўряпман. Бу мангу барқарор майса бўлиб, униб чиқиш ихтиёридаги тушлар. Бундай тушларни кўнгли қуш ини бўлган шоирлар кўраверадилар. Ахир қуш ини эски, галвир бўлса ҳам баҳорда янгиланади-ку».

«Онам бу дунёга ҳалоллик берди,
Сувларни тозалаб зилоллик берди,

Онамнинг қарзи йўқ дунёдан, лекин,
Дунёнинг қарзи бор онам олдида.

Гул! Дунё шу қарздорлиги боис ҳар куни қуёш нури ҳисобидан ҳирож тўлайди. «Қарз тўлашлар» камаяпти деб ўйлайсанми? Йўқ! Баъзи толтобутлар қабргача беланғи бўлиб боряпти. Нега дейсанми? Толтобутнинг ярмида тириклигида ношуд бўлган ўлик ётса, ярмида онаси олдидаги узиб билмаган қарзи гужанак бўлиб ётади. Тобуткашларнинг бора-бора елкаягир бўлаётганлари ҳам шундан.

Гул! «Отам қариб борар, мен жим турибман,
Онам қариб борар, мен жим турибман».

Бу қўли калталиклар олдида ҳаммамиз ҳам тиш чайнаймизу сас йўқ. Бу ситам-синовлар Худонинг банда рўпарасидаги нози, тушуняпсанми?

Гул! «Отам қурисин деб офтобга ёйган
пайтаваси каби унут бўлсайдим,
Онам қўшни сўраганда бериб юборган
бир коса унидек унутилсайдим». дейсан бир шеърингда.

Ўзгаларни билмадиму шу мисралар қаландар сиймога кириб, рўпарамдан чиққанида унга таъзим қилган бўлардим, бухорий бошим билан. Оддий, самимий, оҳорий, энг муҳими содда қишлоқилиги учун, албатта. Вобкентдан чиққан файласуф Бонобий масжидда азон тортар маҳали Бухоро амиридан чопар, унга мактуб келтирибди. Бонобий хатни қўлига олмай қайтариб юборибди. «Мен қачондан бери амирнинг яқин одами бўлган эканман», деб. Бу хабарни эшитган амир қотиб-қотиб кулган экан.

«Менинг хатимни ўқимайдиган одам ҳам бор экан», деб.

Гул! «Менинг гамим — йиглатгувчимас,
Куч берар, қалб тиглатгувчимас,
Мен боламга ухлатгувчимас,
Уйготувчи алла айтаман.

Уйгон дейман шу юрт ҳаққи деб,
Уйгонмасанг, бу халқ халқми деб,
Манглайимда нурдек балқи, деб,
Уйготгувчи алла айтаман!»

Мана бу тилла гап! Ҳеч ким кулини титиб, чўгини ковлаб чиқармаган янгилик. Аммо, кеч, жуда кеч айтилганлиги учун афсусдамиз. Дунё яралгандан бери ҳамма оналар уйготгувчи алла айтганларида Исо Масиҳ Хочга тортилмасмиди. Тоҳир сандиқ ичида ўринсиз ҳукм сувида сузмасмиди. Мансур дорга... тортилмасмиди, Фарҳод Ёсуман заҳридан озор чекмасмиди, Тўмарис эса аёл боши билан қон кечмасмиди?

Бир тарихий воқеа хотирамни ёритди. Ҳасан Басрий авлиё Робия Адвия билан ҳамзамон бўлган. Эркаклар қатори Робия ҳам бошига чодра ташлаб, файласуф Ҳасан Басрий ваъзларига қатнашган. Бора-бора Ҳасан Басрий бунга одатланган. Робия ваъзга қатнашмаган кунлари Ҳасан Басрийнинг кўнгли хуфтон бўлган. Бир куни Робия ваъзгоҳга яна келмаган. Ҳасан Басрий бу ҳолатдан хафа минбарни тарк этганида аҳли жамоа кўтарган ғавғо гулдиракка ўхшаб кетганини билсанг эди, Гул!

— Чодрага ўралган бир аёл келмаганлиги учун, Ҳасан Басрий ваъз айтишдан қочдинг-а, деб маломат қилибдилар.

Ҳасан Басрий тагдор таънага тагдор жавоб қилибди: «Филга деб олиб келган шарбатимни чумолиларга беролмайман.»

Қара, уйготувчи алла айтиб билмаганлар хатоси Ҳасан Басрийдай файласуфга ҳам мушкулот туғдирди. Қўлда филга деб олиб келган шарбату... филдан эса дарак йўқ. Атрофда эса, этик, калиш, баланд пошнали туфли кийган чумолилар...

Гул! «Турфа хил кийиндим кимдир севсин деб,
Меҳрлар берибман менга келсин деб,
Энди юрибман-ку «Худо билсин деб»,
Бир бор йўқламадим жоним онамни», каби ҳасратларинг боши қизиб кетган сену мендек шоирлар учун бегона эмас.

Гул! Бухорога келганларингда айтиб бергандим. Маънавий саждагоҳим Зебинисобегим Лоҳур шаҳрида ўзи учун чор-чаман яратиб, мақбул фаслларни шу богда ўтказар экан. Қазо соати яқинлашганини сезган Бегим чорбогида ўзи учун абадий ҳобгоҳ тайёрлашни буюриб, қабр тошига эса мана бу мисраларни ўйиб ёзишни тайинлаган экан.

«Дар мазори мо гарибон на чароге, на гуле
На пари парвона сўзад, на садое булбуле».

Байтнинг қабртошдаги суратини Зебинисобегим қабрини зиёрат қилган дўстларимдан бири менга

туҳфа қилди. Ўшандан бери бойиб кетгандайман. Шеърлар қоралаяпман. Китобат қилишга тараддуд кўрдим. Энди «Қуш киприги» номли китобим ҳамроҳлигида Зебинисобегим тупрогига бош қўйиб ётган Лоҳурдаги бахтиёр богга бормоқчиман. Бегимга айтадиган, ўқиб берадиган шеърларим бисёр. Шулар қатори, Гул, сенинг ҳам мана бу мисраларингни Бегим руҳи поки ардогида тиловат қилиш ниятидаман.

«Бир сарбаланд шеърлар ёзаман
Юраклари ҳайратга тўлиқ.
Оҳанглари онамдек содда —
Сатрлари Ватандек улуг.

Мен шундай шеър ёзмогим учун,
Парвонаман тунлари шамга.
Ёрим келиб қўлларимдан тут,
Қўлларингни қўйгил елкамга».

Бу мисраларингни тинглаб Зебинисобегим руҳи поки сени парвариш қилсин дейман. Ҳақга етганларнинг Увайсий сабоги албатта ижобат бўлади, дейдилар-ку, бухоролик пирлар. Омон бўлгайсан!

Ибодат Ражабова,
шоира, Бухоро, 2010 йил.

МУНДАРИЖА

Азиз китобхоним, қадрли ўқувчим! 3
Дил фасли 5
Мен дунёга таратиб 6
Бир яшарсан 7
«Мени тушунмайсиз» 8
Эшикка қистирилган хат 9
Ёток — дайр, ёток гамхона... 10
Талабаликдаги кетиш 11
Ҳаёт ҳақиқат ва актрисанинг бир куни 11
Акамга хат 13
Нега? 14
Болалик 1-фасл 15
Илтижо 2-фасл 16
Орзу 3-фасл 17
Чорлов 4-фасл 18
Эртак 5-фасл 19
Дил фасли 6-фасл 20
Атиргуллар 7-фасл 20
Ранглар зидлиги 21
Турналар йўли 22
Бир ёр топсак эдик... 23
Қаровсиз ишк 24
Сариқ гуллар 25
Оқ гуллар 26
Мунчоқларим 27
Иқрор 28
Самарқанддан хатлар келмайди... 29
Видо хати 30
Фақат 31
Дугонамга 31
Тазарру 32
Жавоб 33
Мен...34
Дўстларимга 35

Энг гўзал истак 36
Отамга 36
Шогирднинг устозга айтгани 38
Дунёдан кўнглимни 38
Қаранг, ҳаммамизда пулнинг қайгуси... 38
РЎШНОЛИК 39
Бу булутлар бошимда 40
Аждодлар шеъри 41
Кўҳна қор 42
Умид 43
Иқрор 8-фасл 44
Шафқат 9-фасл 45
Алданиш 10-фасл 46
Баёт 47
Уйғоқлик 48
Тоглар 49
Хато 50
Азал қисмат 51
Эй дўст, мандин 52
Англаш 53
Даъват 55
Опамга нома 56
Мани тўзон этиб кетсин 57
Муножот 59
Энг сўнгги ҳукм 61
Китоб жавоним ва ўзим ҳақимда 62
Огриқ 64
Шоирга 65
Саида Зуннунова 66
Ахир нега англамаяпсиз 68
Тугадими яланг болалик? 68
Жавоб 69
Ҳаргиз исмимни айтмайсиз 70
Дарахтлардай яшагим келди 71
Машрабона 72
Абадият йўли 73

Самарқанд 74
Хазончеҳра 75
Покланиш 76
Ишқ 77
Халқ айтган: «Мусофирликда мусулмон бўласан» 78
Озодлик 79
Илинж 80
Руҳим 81
Чин ҳазил 82
Нодўст чиқди бизга бу дунё... 83
Юрак йўли 84
Отам! 85
Шафқатли «шоир» 85
Узилмаган япроқлар 86
Дарахтларни забт айлади куз... 86
Фикрларим туб-тубларида 86
Дил-о, кетдик, энди дилга кетармиз 87
Бешдаргатда 88
Эрк 89
Айриликдан сўнг 90
Отамга мактуб 90
Шеъримга 91
Абадият тоглари (Достон). Шоирнинг сўнгги сўзи 93
Мангулик дарахти 100
Ибодат 102

Бедор қўнғироқ 109
Насим бўлдим ҳур... 110
Эй Худойим 111
Дуо 112
Видо 113
Қаҳратондай жон-жонимдан... 114
Ўтинч 115
Арзи ҳол 116
Изҳор 117
Ўзим 118

Нетай ёрим гул билан гул топишмади 119
Келинчакка хат 120
Онам, дунё ва Ўзим 122
Ғамгин қўшиқ 123
Кеча ва бугун 125
Тошюрак 127
Қандоқ қайгу, гуллаган чогим, 127
Қисмат 129
Бахтиёрлик 130
Умидсиз қолган одам 131
Дил оқади 132
Тонгда шаффоф тғкилдим, 133
Севги изғорларин тингладим гарчи 134
Муножот 135
Усмон Носир 136
Қадимий қўшиқ 136
Бахшининг айтгани 137
Шоир 138
Бобомнинг қарзи 140
Дунё бу 141
Фалсафа 142
Зерикиш 143
Отам ва тупроқ (ТУРКУМ) 144
Кетди гафлат дердим аммо... 150
Ишқи жонимдан ўтганнинг 151
Инону ихтиёримни мухит 153
Бу дунёда юрагимга 154
Хиёнат 155
Хавотир 155
Бунчалар мен эрта 156
Олис орзу 157
Бурилиш 157
Онам билан кўзим суҳбати 158
Нафрат сояси 158
Энди 159
Мунаввар туйғу 160

Шоир дўстимга хасрат 161
Қадим садо 163
Шукрона 164
Ўлан 166
Ўларимда келоласизми... 167
Жажжи Дилфузага 168
Тогларим 169
Каттақўргон аёллари 170
Эҳтиром 172
Ўзбекистон аёлига 173
Видо айтими 174
Бедор кўнгирок 176
Бахт дастхати 178
Умид 179
Кўзимга қайтинг 180
Мени кечир 180
Менсиз 182
Сизга 182
Мен бир кун ўлганимда 184
Хавотир 184
Эътироф 185
Дейдилар 186
Ошиқ хаёли 188
Дўстижон 189
Сўнгги сўз 191
Сан ўзинг 192
Қаҳрли гул 193
Қаҳратон 195
Ёмгирли кунлар 196
Мактуб 197
Бахт дастхати 199
Бевафо дўст 200
Хиргойи 201
Азал Қонун: 202
Икки қўргон 203
Афсус 205

Дуоталаб рух 205
Ҳавас 207
Руҳимнинг шеъри 209
Шоир ҳасрати 209
Ўзимни ўзимга қамаб қўйганман... 211
Ичимдаги ибодатим 212
Уйғотувчи алла 219
Азиз китобхон! 220
Муҳаббатнинг шарти 224
Эртак 224
Рашк касали 226
Сен келган кун 227
Қадри тугаган севги ҳақида 229
Мен ва сен 230
Бир қадам 230
Орзу 231
Дугонамга хат 233
Керак 233
Қачондир 234
Адашган меҳр 235
Мен сизга адашиб меҳр қўйибман... 236
Шукр 237
Исён ва итоат 238
Яхшиси 240
Йўқ 241
Сўров 242
Холос 243
Энди 244
Туфайли 245
Мен дунёга келдиму... 246
Мен 248
Таъриф 249
Самарқанд. Каттақўргон. 250
Ёлғиз 251
Амалдорга 252
«Чин дўстимга»га 253

Самарқанд ва Қўқон 254
Келинчак орзуси 255
Қишлоқ аёлларига 257
Ҳазил 258
Дахшатли ҳақиқат 260
Таскин 261
Илтижо 262
Ҳайкал 263
Шоирнинг онаси 264
Ота дуоси 265
Тавба 266
Савол-жавоб 267
Қарз 267
Ника Турбина 268
Юрагим ҳақида 268
Болалик ва мен 270
Болалар қалбини бир кун кезсангиз 271
Бегубор кулгулар 272
Ўзбекистон мадҳи 276
Омон бўлсин 277
Пахтакор халқ мадҳи 279
Ўзбек элига 280
Ёт юртларда ётдай юриб нима топдинг... 281
Ўзбек боласи 282
Ўзбекнинг ўзи 284
Ватан ва остона 285
Бизни халқ 286
Ўзбекистон 287
Ватан ўтлони 288
Гулнома 290
Бахтли қиз қўшиги 291
Кўнгил қолиши 292
Сенинг сувратинг 293
Эслаш 294
Алвидо... 297
Бормоқ учун йўл топмадим ҳеч 298

Савол 299
Тилла соч 301
«Дўстим»га 302
Бу тунлар 303
Кўзимда саволим бор... 304
Хайрли иш 305
11 март 2008 йил 306
Қаргиш 307
Пушаймон 308
Саволга жавоб 309
Баҳор согинчи 310
Фақат... 311
Кўконда тўй 313
Туҳфа 314
Кўконнинг дарвозаси 315
Ишқ нима? 315
Йиглама 316
Майли... 317
Ҳамд 318
Шукрона 320
Ширин орзу 321
Согинсак қайтади қувончларимиз... 323
Ёруғ тонглар 324
Нечун 325
Қасд 326
Аёл зоти 327
Кимсасизлик 328
Ҳолат 330
Тазарру 331
Англаш 332
Отам 333
Онамга 335
Достонжонга 337
Капалак ва мен 338
Торози 339
Куёш ва аёл 339

Баҳорга чорлов 340
Турналар йўли 342
Кузатиш 343
Дунёнинг ранги 343
Фаришта 344
Сизни кўрсам... 345
Араз 346
Согинч 347
Сизни согиниб... 348
Шафқатли қалб 349
Ишқсизлик 350
Унутмадим 350
Кечир 351
Кучли одам 352
Икки одам 353
Кўп меҳр кўргаздинг, минг бора раҳмат... 353
Садоқат 354
Исмингиз 355
Сенсизлик ва бахт 356
Соя 357
Оз севасиз 357
Сизни севган эдим... 358
Камалак ранглари 359
Қайтаман 360
Қайга бораман... 361
Онам суврати 362
Аёл қўшиги 362
Гулжамолга 364
Қайтукаш шеърият 365
Шеър қувончи 367
Гуллар жамолига тўлиқ шеърият 370
Китобинг ҳақида битиклар 373

ГУЛЖАМОЛ АСҚАРОВА

ЭРКАЛИК ИМТИЁЗИ

Шеърлар

Муҳаррир
Бадиий муҳаррир *Шуҳрат Мирфаёзов*
Техник муҳаррир *Татъяна Смирнова*
Мусаҳҳиҳ *Доно Тўйчиева*
Саҳифаловчи *Акмал Сулаймонов*

Китобда Элеонора Абдикайированинг расмларида фойдаланилди

Нашр. лиц.№. 154. 14.08.09.
Босишга рухсат 00.12.2012 да этилди.
Бичими 70x90 $^{1}/_{32}$. Офсет усулда босилди.
«Academy» гарнитураси. 0,00 шартли босма тобоқ.
0,0 нашр тобоғи. Адади 0000 нусха.
рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида
чоп этилди. 100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

www.gglit.uz,
e-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz



Зулфия мукофоти совриндорлари бўлган шоира қизлар даврасидамиз



Устозлар. Эшқобил Шукур, Ҳалима Худойбердиева



Муниса м онам билан



Кадрдонлар.
Гулнора Маруфова, Дилбар Алимжонова билан